


O'ZBEKISTON

# TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

1/2020









O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMIYASI

1

2020

Jurnalga 1998-yil iyulda  
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta  
chiqadi.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

## O'ZBEKISTON TARIXI

*Илмий журнал*

### МУНДАРИЖА

#### *Давлатчилик тарихига доир*

**У. Халмуминов.** Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар ва Фарғона ҳукмдорлиги .... 3

**С. Юлдашев.** Туркий хожиблардан сиёсий элитанинг шаклланиши ва уларнинг Фарғонани идора этишдаги иштироки ..... 13

**Ш. Махмудов.** Ҳадъялар Қўқон хонлиги ва Усмонлийлар давлати ўртасидаги дипломатик алоқалар воситаси сифатида ..... 26

**Д. Алимова.** Хоразм республикаси конституцияларида ҳокимият ва бошқарув тизимининг акс этиши ..... 38

**А. Джумашев.** Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг XX аср 30-йилларидаги сиёсий катагонлари ва унинг оқибатлари ..... 54

#### *Этнология масалалари*

**К. Турекеев.** Қорақалпоқларнинг дафн маросимларида мажик тасавурларининг тутган ўрни ..... 64

#### *Ёш тадқиқотчи минбари*

**Г. Абдулхай.** Туркистон большевикча матбуотида совет “Автономия”си масаласи ..... 76

**А. Болтаев.** XX аср 50–60-йилларида Бухородаги масжиди Калоннинг археологик ўрганилиши (С.Н. Юренев ҳисоботлари асосида) ..... 87

**З. Қорёғдиев.** Бухоро воҳаси лўлилари этнографияси тарихшунослиги ҳақида мулоҳазалар ..... 99

#### *Таъзия*

**Комилжон Оқиллов.** ..... 111

## СОДЕРЖАНИЕ

### *К истории государственности*

- У. Халмуминов. Ферганское владение и политические процессы в Центральной Азии в раннем средневековье ..... 3
- С. Юлдашев. Формирование политической элиты из тюркских хаджибов и их управление Ферганой .... 13
- Ш. Махмудов. Дары как средство дипломатических отношений между Кокандским ханством и Османской империей ..... 26
- Д. Алимова. Отражение системы власти и управления в конституциях Хорезмской республики ..... 38
- А. Джумашев. Политические репрессии советской власти в 30-х годах XX века в Каракалпакстане и их последствия ..... 54

### *Вопросы этнологии*

- К. Турекеев. Роль магических представлений в похоронной обрядности каракалпаков ..... 64

### *Трибуна молодого исследователя*

- Г. Абдулхай. Вопрос Советской «Автономии» в Туркестанской большевистской печати ..... 76
- А. Болтаев. Археологическое изучение мечети Кальян в Бухаре в 50–60-е годы XX века (по материалам отчётов С.Н. Юренева) ..... 87
- З. Корёгдиев. Некоторые размышления об историографии этнографии цыган Бухарского оазиса ..... 99

### *Некролог*

- Комилжон Окилов. .... 111

### Тахрир хайъати:

Дилором Алимова  
(бош мухаррир)  
Равшан Абдуллаев  
Бахром Абдухалимов  
Мируэрт Абусентова  
(Қозоғистон)  
Адхам Аширов  
Бахтиёр Бабаджанов  
Алишер Дониёров  
Азамат Знё  
Доно Зияева  
Мирсодиқ Исмоқов  
Марианна Камп (АҚШ)  
Сурайё Каримова  
(бош мухаррир Уринбосари)  
Татьяна Котюкова  
(Россия)  
Шанин Мустафаев  
(Озарбайжон)  
Нодира Мустафаева  
Азимхўжа Отахўжаев  
Катрин Пужоль  
(Франция)  
Мирзохид Рахимов  
Эдвард Ртвеладзе  
Валерий Хан  
(бош мухаррир ўринбосари)  
Нозим Ҳабибуллаев  
Флориан Шварц  
(Австрия)  
Темур Ширинов  
Шоира Асадова  
(масъул котиб)

### Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,  
Шахрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди  
8.05.2020.

Босишга рухсат этилди  
01.06.2020.

Қозғоз бичими 70x100<sup>1/16</sup>,  
Таймс гарнитур.

Офсет босма. Офсет қозғози.

Ҳисоб-нашриёт т. 5,25.

Шартли босма т. 5,0.  
145 нуска.

Буюртма № 351.  
Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет  
ООО “MEDIA LAND” нашриёт  
уйида тайёрланди.  
Тошкент ш., Ш. Рашидова, 40.  
“NISO-POLIGRAF” МСНУ  
босмаҳонасида чол этилди.  
Тошкент в., Машғал маҳалласи,  
Марказий кўчаси, 1-уй.

*Давлатчилик тарихига доир*

У. ХАЛМУМИНОВ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ  
СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ФАРҒОНА ҲУКМДОРЛИГИ**

Фарғона водийси қадим даврлардан то сўнгги ўрта асрларгача Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда ўзига хос ўрин эгаллаб келди. Қадим даврларда маҳаллий тилда Паркана, илк ўрта асрларда эса Фарғона номи билан машҳур бўлган ушбу тарихий-географик вилоят ўзининг табиий-географик жойлашувига кўра минтақадаги ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи турмуш тарзи устувор турли элатларнинг ўзаро алоқалари тифиз кечган ҳудуд вазифасини бажарди. Фарғона тарихи билан, айниқса, илк ўрта асрлар мисолида танишиб чиқсак, водийнинг минтақада кечган сиёсий жараёнларда нечоғлик муҳим ўрин тутганига гувоҳ бўламиз.

Илк ўрта асрларда, хусусан, VII–VIII асрларда Фарғона ҳукмдорлиги минтақа сиёсий ҳаётида фаол рол ўйнаганлиги хитой, суғдий, араб ва форс манбалари асосида ўз тасдиғига эга<sup>1</sup>. Хусусан, VIII асрнинг биринчи ярмида Фарғонанинг маҳаллий ҳукмдорлари Фарбий Турк хоқонлигининг таянч бошқарув ҳудудларидан бўлган Талас (Тароз) мавзесида юз берган сиёсий жараёнларга бевосита аралаша бошлаган бўлса<sup>2</sup>, худди шу йилларда Фарғона ҳукмдорларидан айримлари Чоч, Суғд ва бошқа ҳукмдорликлар билан тифиз сиёсий ва дипломатик алоқаларни йўлга кўяди<sup>3</sup>. Шунингдек, VIII асрнинг биринчи ярмида Шарқий Турк хоқонлиги – Фарғона ўртасида сиёсий алоқалар ниҳоятда мустаҳкамланади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2013; Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М.: Изд-во восточной лит-ры, 1962; Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М.: Наука, 1973.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... 45–46 бетлар.

<sup>3</sup> Согдийские документы с горы Муг ... 80–84- бетлар; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura 2002. P. 155–196.

<sup>4</sup> Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Düden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008. S. 135–146.

Шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтиш керак бўлади. Маълумки, Фарғона водийсининг Турк хоқонлиги таркибига киритилиши 560-йилларга тўғри келиб, ўша йилларда водий Эфталитлар давлатига номигагина қарам алоҳида воҳа ҳукмдорлиги эди<sup>5</sup>. 552 йилда Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этакларида ташкил топган Турк хоқонлиги 560-йилларнинг ўрталарида Чоч воҳасида – Сирдарё қирғокларида Эфталитлар давлатига зарба бергач<sup>6</sup>, Чоч, Уструшона, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва б.) воҳа ҳукмдорликлари каби Фарғона ҳам хоқонлик қўл остига ўтади. Турк хоқонлигининг кунботар ўлкалардаги қисми (Еттисув, Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи)ни ўз ичига олган қаноти бирмунча алоҳида салтанат мақомида бўлган бир паллада Фарғона ҳам ушбу Ғарбий қанот (яъни Ғарбий Турк хоқонлиги – 568–740 йй.) таркибида бўлади<sup>7</sup>.

Ўз фаолиятини асосан Мўғулистон, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой ва Узок Шарққа қаратган шарқий қанот (яъни Шарқий Турк хоқонлиги – 552–630 йй.; 682–744 йй.) эса Ғарбий қанотнинг сиёсий ишларига деярли аралашмайди. 630 йилда Хитойнинг Тан сулоласи томонидан тор-мор қилинган Шарқий Турк хоқонлиги фақатгина 682 йилда қайта тиклангач, Амударё – Сирдарё оралиғида, шу жумладан, Фарғона водийсида юз бераётган сиёсий воқеаларга ҳам тўғридан-тўғри аралаша бошлайди. Бироқ хоқонлик – Фарғона муносабатлари, асосан, Ғарбий Турк хоқонлиги доирасида олиб борилиб, бу алоқалар 560-йиллардан то 740-йилларгача давом этади. Ушбу алоқаларни ёзма манбалар маълумотлари асосида таснифлайдиган бўлсак, қуйидагича тарихий манзара ҳосил бўлади (уларни шартли равишда шундай босқичларга бўламыз):

*Биринчи босқич.* Турк хоқонлигининг Фарғона водийсини ўз таркибига қўшиши – 560-йиллар. Бу даврда водийда маҳаллий сулолалар фақатгина вассал ҳукмдорлик сифатида хоқонликка ўлпон тўлаб, ўз ички бошқарувида анча эркин эди;

<sup>5</sup> Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент: Фан, 2001. 56- бет.

<sup>6</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. М.–Л.: Изд. АН СССР. Том I. 1950. 229- бет.

<sup>7</sup> Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2012. 42 б.



*Иккинчи босқич.* Ғарбий Турк хоқонлигининг Фарғонадаги бошқарувга тўғридан-тўғри аралашуви – 620-йилларнинг охири. Маҳаллий ҳукмдор ўлдирилиб, ўрнига Ашина хонадони вакили Фарғонанинг бош ҳукмдорига айланиши ва водийда Ашина сулоласининг ташкил топиши;

*Учинчи босқич.* Фарғонада Хитой таъсирининг ортиши ва Ғарбий Турк хоқонлигининг Тан империяси назоратига ўтиши – 650-йилларнинг охири. 657 йилда Ғарбий хоқонликни енгган Тан империяси ушбу хоқонлик воситасида Амударё – Сирдарё оралиғидаги турли ўтрок ҳукмдорликлар, шу жумладан, Фарғона устидан ҳам назорат ўрнатишга ҳаракат қилади;

*Тўртинчи босқич.* Турк хоқонлигининг ҳар иккала қаноти Фарғона билан тиғиз алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилиши – 690-йиллар. Бу босқичда Фарғонанинг Ашина сулоласи вакиллари Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонликлари билан сиёсий алоқаларда фаоллашиб, минтақада юз бераётган жараёнларда иштирок эта бошлайди.

Ғарбий Турк хоқонлигининг бош сиёсий маркази Еттисувдаги Суяб шаҳри бўлиб, Еттисув ўлкаси Фарғона водийси билан ҳамхудуд эди<sup>8</sup>. Бу эса бошқа вассалларга караганда Фарғона ва хоқонлик орасида муносабатлар тиғизроқ бўлишига замин яратар эди. Шунингдек, Ғарбий хоқонлик бошқарув марказларидан бирини Чоч воҳасида барпо этган бўлиб<sup>9</sup>, бу ер Фарғонага яқин жойлашганлиги ҳам водийда хоқонлик таъсири юқори бўлишини таъминларди. VII асрнинг охирларида Фарғона ҳукмдорлари Ғарбий хоқонликни қўллаб-қувватлаган бўлса, VIII асрнинг иккинчи чорагига келиб, улар Шарқий Турк хоқонлиги билан тиғиз сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш билан бирга, Хитой империяси билан яқинлаша бошлайди<sup>10</sup>. Куйида батафсилроқ кўриб чиқиладиганидек, бу бир неча омиллар билан боғлиқ эди.

Ўзини “Ғарбий турк хоқони” деб эълон қилиб, Хитойнинг Шарқий Туркистондаги Ан-си ҳарбий волийлигига хужум уюштира бошлаган *Ашина Тучжи*<sup>11</sup> (671–679) уни қўллаб-қувватлаган Тибет

<sup>8</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... II. 258, 284- бетлар.

<sup>9</sup> Хатамова М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат // O‘zbekiston tarixi. 2009. № 1. 3–13 бетлар.

<sup>10</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. Çeviri E. Kayaoğlu, D. Banoğlu. İstanbul, 2006. S. 318, 542.

<sup>11</sup> Ушбу хоқон исмини Н.Я. Бичурин Суйцзы шаклида берган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. С. 295).

билан иттифок тузади<sup>12</sup>. Бирок хоқонлик ва Тибетнинг бирлашган кўшинлари 694 йилда хитой кўшинларидан енгиледи<sup>13</sup>. Шундан сўнг унинг кейинги фаолияти Фарғонада давом этади. 690-йиллар сўнггида хитой кўшини бошлиғи *Кую Киен-куан* Фарғонага хужум уюштириш тўғрисида буйруқ олиб, бу ерни талон-тарож қила бошлагач, фарғоналиклар Туй-цзини бошлиқ сифатида танлаб, унинг йўлбошчилигида хитойликларга қарши курашади<sup>14</sup>. У фарғоналиклар<sup>15</sup> ва Тибетнинг ёрдами билан Шарқий Туркистон ва Еттисувдаги Хитойга қарашли “Тўрт гарнизон”ни қўлга киритишга интилади.

738 йилда Талас водийсида юз берган сиёсий воқеаликлар минтака сиёсий ҳаётида бир қатор ўзгаришларга олиб келади. Шу йили Турғаш хоқонлигининг бош ҳукмдори Сулук (Su-lu) ўз қўл остидаги амалдорлардан Баға Тархон (Mo-huo Ta-kan) ва Тамғачи (Ta-ma-chi) томонидан ўлдирилиб, ўрнига ўғли Тухосян Кут-чўр (T'u-huo-hsien Ku-ch'u) тахтга чиқарилади ва Суяб шаҳрида ҳокимиятни бошқара бошлайди. Шунингдек, Қора турғашлардан Эр-бег Тегин (Er-wei Tekin) хоқон деб эълон қилиниб, Талас шаҳрида тахтга ўтқазилади. Шу тариқа Баға Тархон (Mo-huo Tarkan)га қарши уруш бошлаб юборилади. 739 йилда Баға Тархон Тан сулоласи генерали Кай Чиа-юн (Kai Chia-yun), Чоч ҳукмдори Баходур Тудун (Mo-huo Çur Tutun) ва Фарғона ҳукмдори Арслон Тархон (A-hsi-lan Ta-kan) сингари етакчи сиёсий кучларнинг ёрдами билан Турғаш хоқонини мағлуб этади. Натижада Тан сулоласи императори Талас билан бирга Турғаш хоқонлигига тегишли бир неча шаҳарни Фарғона ҳукмдори қўл остига ўтқазди<sup>16</sup>.

Шу билан биргаликда хитой манбаларидан ангалишилича, Талас шаҳри ҳукмдори Чоч ҳукмдорлиги назоратида бўлади. 750 йилда Тан сулоласининг Ан-си гарнизони қўмондони Гао Сян-чжи (Као Hsien-

<sup>12</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 294- бет.

<sup>13</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... I. 295-бет; Малявкин А.Г. История Восточного Туркестана в VII-X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Москва: Наука, 1988. 321- бет.

<sup>14</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. İstanbul: Selenge, 2007. S. 246-247.

<sup>15</sup> Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A. D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. Budapest, 1979. P. 281.

<sup>16</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... 44-45 бетлар; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara, 2003. S. 117, 122-123.



chih) Чоч хукмдори Баходур Тудун<sup>17</sup> (Mo-huo Çur Tu-tun)нинг вассал ўлка сифатидаги талабларни бажармаганлиги баҳонаси билан 751 йилнинг январ ойида Чочга бостириб киради ва маҳаллий хукмдорни қўлга олиб, Тан императори хузурига жўнатади<sup>18</sup>. Чоч хукмдорининг ўғли Чабиш (Na-chu Ch'e-pi-shih) араблардан ёрдам сўрайди, 751 йилнинг апрел ойида Аббосийлар ва Тан сулоласи орасида Таласда катта жанг бўлиб ўтади ва хитойликлар йирик мағлубиятга учрайди. Шу тариқа Чоч араблар тобесига айланади, Фарғонанинг шимолий қисми эса ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ҳамда Хитой билан яқинлашиш сиёсатини олиб боради. Жумладан, *“Тан сулоласи авлодидан бўлган бир малика (He-yi Prensese) Фарғона хукмдорига турмушга узатилади. 754 йилда Фарғона хукмдори Чжун-че (Chung-chieh) Хитой тартиботларини ўрганиш учун ўз ўғли Сую-су (Hsüeh-su)ни империя саройига юбориш билан бирга Тан сулоласи буйруғига бўйсунушини таъкидлайди. Тан сулоласи Фарғона хукмдорини Цо У-вей генерали (Tso Wu-wei Generali) унвони билан тақдирлайди. Фарғона хукмдорига Тан сулоласининг энг содиқ хизматкори сифатида қаралади”* мазмунидаги хитойча маълумот буни тасдиқлайди<sup>19</sup>. Бу воқеалардан бир неча йил олдин, 715 йилда Кутайба ибн Муслим бошчилигида араб қўшинлари Фарғонага юриш қилган, бу ернинг бошқарувчиси урушда енгилгач, Куча (Шарқий Туркистон)га қочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувига Алутар (хитой йилномаларида *Аляода*) исмли бирини ноиб тайинлаб қайтган эдилар<sup>20</sup>.

Бу воқеалардан 10 йилча кейин – 726 йилда Шимолий Ҳиндистон, Кобул ва Тўхористонда бўлган хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида *Тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *Даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади<sup>21</sup>. Демак, Хой Чао келган пайтда Сирдарёнинг шимолида турклар ҳокимияти, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган бўлиб, шимолдагиси Ашина сулоласи, жанубда-

<sup>17</sup> Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва, Наука, 1981. 431- бет; Бабаёров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). Тошкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007. 57–58 бетлар.

<sup>18</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... S. 122–123.

<sup>19</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... S. 122–123.

<sup>20</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда... 255- бет.

<sup>21</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. М., 1952. № 1. 193- бет.

гиси эса Фарғонанинг қадимий маҳаллий бошқарувчи хонадони вакиллари бўлиши эҳтимоли юқори.

Гарчи, ҳозиргача сақланиб қолган ёзма манба маълумотлари асосида бу даврда Фарғонанинг жанубий қисмида ўз ҳокимиятини ўрнатган араблар бошқаруви айнан қандай бўлганлиги, бу бошқарув водийнинг қайси ҳудудларини ўз ичига олганлигини аниқлаш мушкул бўлса-да, айрим маълумотларни ўзаро таққослаш орқали бу ҳақда муайян тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Хусусан, хитой манбаларида келтирилган 730–750 йиллар оралиғида Фарғонадаги сиёсий аҳвол билан боғлиқ маълумотлар водийнинг шимолий ҳудудларида ўз ҳокимиятини сақлаган туркий сулоланинг бутун водий бўйлаб кенг сиёсий таъсирга эга бўлганидан дарак беради. Яъни бу даврда минтақанинг бир неча жойлари – Чоч, Суғд (Самарқанд, Панч) ва Тўхористонда бўлгани каби Фарғонадаги араб ҳокимиятининг кучи нисбатан беқарор бўлиб, турли ҳудудларда кўтарилаётган исёнлар халифаликнинг сиёсий таъсири заифлашувига олиб келар эди.

Айниқса, бу йилларда нисбатан чекка ҳудудларда жойлашган Фарғона ва Чоч ҳудудида ўз ҳукмдорлигини ўрнатиш араблар учун анча қийин кечади. Шунингдек, ушбу ҳукмдорликларнинг Ғарбий Турк ва Турғаш хоқонликларининг марказий ҳудудига – Еттисувга яқинлиги, ҳар иккала ҳукмдорлик бошқарувида Ғарбий хоқонликка алоқадор сулолаларнинг туриши бу ерларда халифалик қўшинлари учун анчагина хавф туғдириб турарди. Бундан ташқари, Чоч ва бошқа яна бир қатор воҳа ҳукмдорликларининг Хитойдаги Тан сулоласига сиёсий дастак сўраб мурожаат қилиши<sup>22</sup> араб қўшинларини чўчитганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ хитойликларнинг ушбу ҳукмдорликларга амалий ёрдам кўрсатган ёки аксинчалиги унчалик маълум эмас. Тан сулоласидан фарқли ўлароқ турк хоқонликлари Фарғона ва Чочга ҳарбий ёрдам берганлигини тасдиқловчи айрим маълумотлар сақланиб қолган.

Суғдий манбалардан англашилича, Турк хоқонлигининг Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон билан биргаликда араб босқинига қарши курашида фарғоналиклар фаол қатнашадилар. В-17 рақам Муғ тоғи суғдий хужжатида Суғдда бўлиб турган *хун* – хун “турк” қўмондони (ёки қароргоҳи) ва унинг ёнидаги “Фарғона ҳукмдори” тўғрисида сўз боради<sup>23</sup>. Араб манбаларида ҳам бу иттифоқ эслатилиб, у айрим узи-

<sup>22</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 314- бет.

<sup>23</sup> Согдийские документы с горы Муг... II. С. 80–84; Исмоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. 82- бет.

лишлар билан 740-йилларгача чўзилади. Уларда Тўхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғона ҳукмдорлари бошини бириктирган киши ўлароқ “хоқон”, “турк хоқони” ёки “туркаш хоқони” тургани эслатиб ўтилади<sup>24</sup>. Гарчи ҳужжатларда эслатилган хоқонларнинг аниқ исми ёки лақаби сақланиб қолмаган бўлса-да, айрим маълумотлар асосида бу борада муайян тахминлар қилиш мумкин.

Айрим тадқиқотчилар бу даврда арабларга қарши курашган “турк хоқони” – бу араб манбаларида “Абу Музаҳҳим”, яъни “Зарба берувчиларнинг отаси” деб тилга олинган Тургаш ҳукмдори Сулуқ хоқон (ваф. 738) деб ҳисоблайдилар. Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарида ушбу хоқоннинг арабларга қарши бир неча бор йирик жанглар олиб боргани, минтақадаги катта-кичик бир неча ҳукмдорликни ўзига жалб қилган ҳолда арабларга зарба бериб, ҳатто Хуросонгача етиб борганига доир маълумотлар учрайди<sup>25</sup>.

Мазкур суғдий ҳужжатларда турк хоқони билан бирга бошқа маҳаллий ҳукмдорлар эмас, айнан Фарғона ҳукмдори тилга олиниши ҳам ўз изоҳини талаб қилади. Ҳақиқатан ҳам В-17 рақамли суғдий ҳужжатда “Фарғона ҳукмдори”нинг “Хун хоқони” билан Суғдга келишининг эслатилиши<sup>26</sup>, А-14 рақамли ҳужжатда эса “хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига юборилган (Суғд ҳукмдори – Панч бошқарувчиси Деваштичнинг) хатининг Фарғона тутуғи қўлига топширгани”нинг таъкидланиши<sup>27</sup> бежиз бўлмаса керак. Хатда баён қилинган сиёсий воқеалар 720-йилларнинг бошларига тўғри келиши ҳисобга олинадиган бўлса, айти шу йилларда хоқонлик ва Фарғона орасида тиғиз сиёсий алоқа йўлга қўйилган бўлиб чиқади. Дарҳақиқат, фарғоналик юқори мавқели амалдор – тутук Чочда бўлиб турган, эҳтимол, хоқон ва Фарғона ҳукмдори уни ўзларининг ишончли иттифокчиси Чоч ҳукмдори ҳузурида қолдириб, ўз бошқарув марказларига қайтган бўлишлари мумкин. Чочда бўлган суғдлик элчи Фатуфарн хоқонга аталган хатни Фарғона тутуғига топши-

<sup>24</sup> Согдийские документы с горы Муг... II. – 80–84- бетлар; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ. Москва, 1954. № IX. 55–64-бетлар.

<sup>25</sup> Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry concerning the Prince of Badghhis. Who in A. H. 91/A. D. 709–710 Opposed the 'Omayyad Conquest of Central Asia // JAOS. Vol. 97. No. 3. 1977. P. 324.

<sup>26</sup> Grenet F. Les “Huns” dans les documents Sogdiens Dumont Mugh (avesun Appen dicepar N. Sims-Williams) // Stfr. Études Irano-Aryennes offertes à Gilbert Lazard. Paris, 1989. Tom 7. P. 165–184.

<sup>27</sup> Согдийские документы с горы Муг... II. 80–84 бетлар;



рар экан, Чоч хукмдорининг эмас, айнан фарғоналик ушбу амалдорнинг ёки Фарғона подшосининг хатни хоқонга етказиб беришига ишонган кўринади.

720–740 йиллар орасида юз берган сиёсий воқеалар мазмуни билан танишиб чиқиш ҳам шуни кўрсатадики, Фарғона хукмдорларининг турк ва тургаш хоқонлари наздида қозонган эътиборлари анча юқори бўлган. 730-йилларнинг бошларида араб қўшинларини минтақадан сиқиб чиқариш учун Тургаш хоқони Сулукнинг Тўхористонга сафарида бир қатор воҳа хукмдорликлар қўшинларининг қатнашганлиги бундан дарак беради<sup>28</sup>. 730-йилларнинг охирларида Еттисувда юз берган сиёсий жараёнлар – тахт талашувларда айнан Фарғона хукмдори Арслон Тархоннинг иштирок этганлиги<sup>29</sup> эса бошқа сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, хитой ҳарбийларининг қутқуси натижасида фарғоналикларнинг янги хоқон Тухосян Қут-чўрга қарши чиқишади. Бунинг эвазига Арслон Тархон Тургаш хоқонлиги учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Тароз ва унга яқин бир неча шаҳарларда ўз қарамоғига олади.

Турк хоқонлигининг сўнгги йиллари – 740-йилларда ҳам Фарғона ва хоқонлик орасида ўзаро бирдамлик сақланиб қолади. Хитой манбаларидан бири “Цуан Тан-вен”да 741 йилда *Тукюе* (турк) хоқони *Бигя Кутулу* (\*Билга Қутлуғ)нинг Хитой императорига янги йил қутлови юбориб, бундан буён у ва *Боханна* (Фарғона) хукмдори биргаликда императорнинг душманларига қарши ёрдам беришини ёзгани тилга олинади<sup>30</sup>.

Бундан кўринадики, Фарғонанинг бир қисми VIII аср илк ярмида арабларга қарам бўлиб қолса-да, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида ўз бошқарувини сақлаб қолган туркий сулола 740-йилларда анчагина кучайиб, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги сиёсатга аралашади. Айниқса, Фарғона бошқарувчиларининг анча узоқ Ўрхун водийси (Мўғулистон)даги турк хоқонлари билан бирдамлиги хоқонликнинг сўнгги йилларигача сақланиб қолгани диққатни ўзига жалб қилиб, ўша йилларда Амударё-Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги ўнлаб хукмдорликлар аллақачон ўз бошқарувини қўлдан бой бериб, арабларга бўйсунган, улардан айримлари сулола сифатида тугаб кетган эди.

<sup>28</sup> Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов ... 54–65 бетлар.

<sup>29</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 319- бет.

<sup>30</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri ... S. 318, 542.

Бу Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи бошқарув жilовини тутиб тургани билан боғлиқ бўлса керак.

Хуллас, илк ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларга фаол қатнашган Фарғона алоҳида воҳа ҳукмдорлиги сифатида қўшнилари Чоч, Уструшона каби минтақа ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллайди. Фарғонадаги бошқарувчи сулолалар ўзларининг сиёсий ва дипломатик алоқаларини нафақат яқин қўшнилари билан олиб борибгина қолмай, балки Турк хоқонлиги, Тибет ва Тан империяси каби ўз даврида дунёнинг энг йирик салтанатлари билан яқин муносабатлар ўрнатади.

## У. ХАЛМУМИНОВ

### ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА УНДА ФАРҒОНА ҲУКМДОРЛИГИ

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда, хусусан, VI–VIII асрларда Фарғона водийсининг Суғд, Чоч, Уструшона ва бошқа бир қатор тарихий географик вилоятлар каби алоҳида бир воҳа ҳукмдорлиги сифатида Марказий Осиёда юз берган этносиёсий жараёнларда қай даражада иштирок этганлиги масаласи ўрганилган. Хитой, суғдий, араб ва форс тилларидаги ёзма манбалар асосида Фарғонанинг ўз даврида минтақада бўлиб ўтган сиёсий воқеаларда фаол қатнашганлиги, нафақат қўшни ёки яқин ҳудудлардаги Чоч, Суғд каби воҳа ҳукмдорликлари билан сиёсий ва дипломатик алоқалар олиб борганлиги, балки Турк хоқонлиги, Хитой ва Тибет сингари ўз даврининг йирик салтанатлари билан яқин муносабатларни йўлга қўйганлиги аниқланган.

*Калит сўзлар:* илк ўрта асрлар, Фарғона, воҳа ҳукмдорлиги, Турк хоқонлиги, Ашина сулоласи, Тан Хитойи, Тибет, араб истилоси, чўр.

У. ХАЛМУМИНОВ

## ФЕРГАНСКОЕ ВЛАДЕНИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

В статье рассматривается роль и место Ферганского владения в этнополитических процессах, происходивших в Центральной Азии в раннем средневековье, в частности VI–VIII веках. Основным источником по данному вопросу выступают письменные источники на китайском, согдийском, арабском и персидском языках. Они свидетельствуют, что Фергана являлась активным участником политических событий, происходивших в регионе, и поддерживала дипломатические связи не только с владениями Средней Азии, такими как Согд, Чач и др., но и с крупнейшими империями того времени – Тюркский каганат, Китай и Тибет.

*Ключевые слова:* средневековье, Фергана, оазисные владения, Тюркский каганат, династия Ашина, Танский Китай, Тибет, арабское завоевание, чур.

U. KHALMUMINOV

## FERGANA LOCALITY AND POLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA IN THE EARLY MEDIEVAL AGES

This article discusses the issue to what extent Ferghana Valley, like other historical and cultural possessions as Sogd, Chach, Ustrushana, as a separate political entity played role in ethno-political processes that happened in Central Asia in the early Middle Ages, in particular, VI–VIII centuries. Basing on written sources in Chinese, Sogdian, Arabic and Persian, there has been disclosed that Ferghana in that period actively participated in the political procedures of the region, held close political and diplomatic relations not only with neighboring or close oasis political units like Chach and Sogd, but also with the largest empires of their time, such as the Turkic Khaganate, China and Tibet.

*Keywords:* Middle Ages, Ferghana, political units, Turkic Khaganate, Ashina dynasty, Tang China, Tibet, Arabic conquest, chor.



С. ЮЛДАШЕВ

**ТУРКИЙ ҲОЖИБЛАРДАН СИЁСИЙ ЭЛИТАНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ФАРҶОНАНИ ИДОРА  
ЭТИШДАГИ ИШТИРОКИ**

Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даври (874–907 йиллар)да шимол (ҳозирги Қозоғистон ҳудудлари)да яшаган туркий қабилалар устига қилган кўп сонли, зафарли юришлар туфайли мамлакатда асирга олинган ва қулга айлантирилган туркий тилли ғуломларнинг сони мутгасил ошиб борди. Туркий қавмлар ҳарбий ишда моҳир бўлганлиги боис Сомонийлар уларни ҳарбий ишга жалб эта бошладилар. Масалан, амирнинг шахсий гвардияси турли туркий ғуломларидан ташкил топган эди. Кўп туркий ғуломлар қўшни мамлакатларга ҳам сотилар эди. Айрим маълумотларга кўра, ўша даврда мусулмон дунёсига туркий кулларни етказиб берувчи Сомонийлар ҳисобланган<sup>1</sup>. Сомоний амирлар ўз гвардиясини туркий ғуломлардан ташкил этганлигининг асосий сабаби ушбу ғуломлар Сомонийлар қўл остидаги ҳудудда истиқомат қилган ҳеч бир этник ё сиёсий гуруҳга мансуб бўлмаганлигидир, деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун улар фақат амирнинг ўзига итоат этишар ва давлат сиёсатини амалга оширишда унга яқиндан кўмаклашар эдилар.

Сомоний амирларнинг даргоҳида хизмат қилган туркий ғуломлар тўғрисида Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида маълумот берган. Унга кўра, янги сотиб олинган туркий ғуломлар хизматининг биринчи йилида оддий пахтадан тўқилган зандоначи кўйлақларини кийишарди. Иккинчи йилга келиб эса, от арава олиб отлик қўшин таркибига кирарди. Учинчи йилига бориб, қилич олиб юриш ҳуқуқига эга бўларди. Хизматининг бешинчи йилида абрешим, яъни ипак кўйлақ, гурзи, оти учун ситора (юлдуз) тасвири туширилган эгар-жадбуқ оларди. Еттинчи йилига келиб, бирор жинойт содир қилмаган бўлса, високбоши лавозимига тайёрланарди ва унинг қўл остида учта жангчиси бўларди. Қобилиятли ғуломлар олдин хайлбоши, кейин ҳожиб, соҳиб

<sup>1</sup> Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Перевод с английского и примечания П.А. Грязневича. Москва: Наука, 1971. 116-бет.

лавозимларига тайинланарди<sup>2</sup>. Амир Исмоилнинг ўзи ҳам ғуломлари билан яқин муносабатда бўлар ва бу ҳол ғуломларнинг амирга бўлган садоқатини яна ҳам оширар эди.

Ана шундай сиёсат туфайли Сомонийлар даврида туркий ҳожибларнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб борди. Бунга Исмоилдан кейин Сомонийлар хонадонидан унинг даражасидаги сиёсий арбобчиқмаганлиги ҳам сабаб бўлган, деб мулоҳаза юритиш мумкин. Ҳожибларнинг аксарияти давлатга садоқат билан хизмат қилганликлари учун вилоят ноиблиги ёки бошқа юқори давлат лавозимларига тайинланар эди.

Сомонийлар давлати таркибига кирган бошқа вилоятлар сингари Фарғона ҳам сомоний амирлар томонидан X асрнинг 20–30-йилларидан бошлаб, аср охирига қадар бир неча туркий ҳожибларга инъом этилган<sup>3</sup>. Бу вилоятни инъом шаклида олган ҳожибнинг мажбурияти фақатгина Фарғонани намунали идора этиш, амир сиёсатини вилоят бўйлаб амалга ошириш ва чегаралар хавфсизлигини таъминлашгина эмас, балки зарур пайтда амирнинг чақирғи билан ўз қўшинларига бош бўлиб, белгиланган вазифани бажаришдан ҳам иборат эди. Бу вазифа, асосан, Хуросондаги турли исёнларни бостириш ва Эроннинг маҳаллий сулоларини сомоний амирларга итоатда тутиб туришдан иборат бўлган.

Фарғона тарихининг туркий ҳожиблар томонидан идора этилган даври тарихи етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳожиблардан айримлари тўғрисида ўрта аср муаррихларидан Наршахий, Гардизий, Муқаддасий, Ибн ал-Асир, Утбий ва Мирхондлар ўз асарларида биз учун муҳим маълумотларни ёзиб қолдиришган<sup>4</sup> бўлса, бошқалари ҳақида

<sup>2</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид ва Афтондил Эркинов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 101-бет.

<sup>3</sup> Анарбаев А. Ахсикат – столица древний Ферганы. Ташкент: Тафаккур, 2013. 492-б.; Давидович Е.А. Владетели Насрабада (по нумизматическим данным) // Краткие сообщения ИИМК. Вып. 61. Москва, 1956, 107–114-бетлар; Давидович Е.А. Ферганские Саманиды по нумизматическим данным // ЭВ. Вып. XI. М.–Л., 1956, 14–26-бетлар; Давидович Е.А. Монеты Ферганы как источник для характеристики института феодальных пожалований за службу в Средней Азии в X в. // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. 110–141-бетлар. М., 1969; Кочнев Б.Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии. Часть 6 (Ранее средневековье, Саманиды, Караханиды) // ИМКУ. Вып. 19. Ташкент, 1984. 185–205-бетлар.

<sup>4</sup> Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев // Мерос. Тошкент. Камалак, 1991. 82–175-бетлар; Abu Nasr Utbiy.

фақат нумизматик материаллар орқали маълумот олишимиз мумкин, холос<sup>5</sup>.

Сомонийлар хонадонига мансуб Фарғонани идора этган сўнги волий Муҳаммад ибн Асад бўлиб, X асрнинг 30-йилларидан кейин номаълум сабабларга кўра унинг номи ёзма манбаларда ва нумизматик материалларда қайд этилмайди<sup>6</sup>. Шундан сўнг Фарғона бошқаруви туркий хожиблар қўлига ўтади. Фарғонани туркий хожиблар идора этган давр 932/933–991/992 йилларни қамраб олади. Бу босқичда водийни туркий уруғга мансуб амалдорлар ва сипоҳсолорлар бошқарганлар. Улар қаторига Малик ибн Шукуртегин, Бакр ибн Малик, Мансур ибн Бойқаро, Ҳожиб Қилич, Ҳожиб Тош, Билгатегин ибн Тўғрул ва Айachteгинларни киритиш мумкин. Фарғонада ҳокимлик қилиш туркий уруғ вакиллари қўлига ўтиши, бир томондан сомонийлар сулоласи вакилларининг сепаратистик ҳатти-ҳаракатлари, ҳокимият учун ўзаро курашларни авж олдиришлари билан, иккинчи томондан, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида туркий кавмга мансуб амалдорлар ва

Kitobi Yamini. Translated from the Persian version of the contem for arly arabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891. 558 p.; Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lungduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. – 514 p.; ابو سعيد عبدالحى بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاريخ گردیزی. به تصحيح و مقابله: عبدالحى حبيبي. تهران: دنياى کتاب، 1343. 733 ص; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 559 с.; Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Araydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. 436 s.; Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M. Defremery. Parij. 1832. 312 p.; ميرخواند. روضة الصفا فى سيرة الانبياء و الملوك و الخلفاء. جلد چهارم. بمبئی. 1343. 332 ص.

<sup>5</sup> Давидович. Е.А. Владетели Насрабада (по нумизматическим данным) // Краткие сообщения ИИМК. Вып. 61. Москва, 1956, 107–114-бетлар; Давидович Е.А. Ферганские Саманиды по нумизматическим данным // ЭВ. Вып. XI. М.–Л., 1956, 14–26-бетлар; Давидович Е.А. Монеты Ферганы как источник для характеристики инсти-туга феодальных пожалований за службу в Средней Азии в X в. // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Москва, 1969, 110–141-бетлар; Кочнев Б.Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии. Часть 6 (Ранее средневековье, Саманиды, Караханиды) // ИМКУ. Вып. 19. 185–205-бетлар. Ташкент, 1984; Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караханидского каганата: 991–1209 гг. София, 2006. 167-бет.

<sup>6</sup> Давидович Е.А. Ферганские Саманиды по нумизматическим данным // ЭВ. Вып. XI. М.–Л., 1956. 17-бет.



хос қўшин – шуратнинг мавқеи тобора кучайиб борганлиги билан изоҳланади<sup>7</sup>.

Фарғона водийсини идора этиш учун сомоний амирлар томонидан тайинланган дастлабки туркий амалдор Малик ибн Шукуртегин ҳисобланади. Сомоний ҳукмдор Наср II ибн Аҳмад даври (914–943 йиллар)да у дастлаб Ўзганд, кейин эса Ахсикент ҳокими, 937/38 йилга келиб эса бутун Фарғонанинг волийси этиб тайинланади. Наср II ибн Аҳмаднинг ўғли Нух даври (943–954 йиллар)да ҳам Малик Фарғона ноиби сифатида фаолият юритади<sup>8</sup>. Шу билан бирга Малик Сомонийларнинг Хуросонда олиб борган сиёсатида ҳам фаол иширок этади. Масалан, Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих” асарида келтирилган маълумотга кўра, 944/45 йилда Сомонийларга тобе Зиёрий Вушмагирга Журжонни эгаллашга ёрдам бериш учун Нух томонидан катта қўшин юборилади<sup>9</sup>. Ушбу кучларга Малик ибн Шукуртегин кўмондон этиб тайинланган эди. Малик бошчилигидаги қўшин берган ёрдам туфайли Вушмагир Журжонни эгаллайди. Бундан хулоса қилсак, Малик Фарғона ноиби этиб тайинланишидан аввал ҳам Сомонийлар қўшинида юқори мавқега эга бўлган. Ушбу даража унга Фарғона ноиблигига эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. 945 йилдан кейин Малик ҳақида манбаларда бошқа маълумот учрамайди<sup>10</sup>. Бунинг сабабини Маликнинг Сомонийлар сиёсий ҳаётидаги мавқеи пасайиши билан изоҳлаш мумкин. Аммо бу ҳол унинг Фарғона ноиблигидан “кетди” дегани эмас. У яна ўн йилдан ортиқ муддат давомида Фарғонани идора этади. Сўнгра унинг ўғли Бакр Фарғоний Сомонийлар сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди.

<sup>7</sup> Юлдашев С.Б. Фарғона водийси Сомонийлар давлати таркибида // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. Фарғона, 2017. 115-бет.

<sup>8</sup> Давидович Е.А. Владетели Насрабада (по нумизматическим данным) // Краткие сообщения ИИМК. Вып. 61. М., 1956, 112-бет; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 116-бет; Кочнев Б.Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии. Часть 6 (Ранее средневековье, Саманиды, Караханиды) // ИМКУ. Вып. 19. 185–205-бет. Ташкент, 1984. 199–200-бетлар.

<sup>9</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 116-бет.

<sup>10</sup> Юлдашев С.Б., Меликўзиев У. Сипоҳсолор Бакр Фарғоний // ФДУ: Илмий хабарлар. 2018. № 2. 46-бет.

Бакр Фарғонийнинг сиёсий фаолияти жуда қизиқ. Сабаби у сомонийлар даврида Фарғонада фаолият юритган туркий хожиблар орасида ўзидан сезиларли из қолдирганларидан бири ҳисобланади. Тарихий манбаларда туркий хожиблар бевосита Фарғона ноиблари сифатида тилга олинмайди. Аммо Бакр Фарғонийгина “Тарихи Гардизий”да Фарғонада фаолият кўрсатувчи ноиб сифатида тилга олинади. 946 йилда амир Нух Бакр Фарғонийнинг саройдаги алоҳида хизматларини эътироф этиб, Насробод шаҳри хокимлигини тухфа қилади<sup>11</sup>. Насробод Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган ўрта аср шаҳридир. Бу ҳудуд араб географлари тарафидан Миён Рудан деб аталган. Миён Руданнинг маркази Хайлом шаҳри бўлиб, бу шаҳарни Сомоний Аҳмад ибн Асад ўз ўғли Наср шарафига Насробод деб номлаган. Тарихий манбаларда Бакр Фарғоний фаолияти ҳақида бизгача кам маълумотлар етиб келган. У ҳақида Ибн ал-Асир ва Гардизийнинг асарларида бир-бирини тўлдирувчи маълумотлар мавжуд. Ёзма манбаларда Бакр Фарғоний ҳақидаги дастлабки маълумот 953/54 йилга тааллуқлидир<sup>12</sup>. “Тарихи Гардизий”да келтиришича, 344/955 йилда юз берган Хуросондаги воқеалардан сўнг Бакр ибн Малик ал-Фарғоний ўз қўли остидаги амалдорларга тайзиқ ўтказиб, уларнинг харажатларини кискартиради. Шундан сўнг Бакр ибн Малик ал-Фарғоний “сарой гвардияси истакларини инобатга олмаганлиги”<sup>13</sup> учун душман гуруҳига айланади. Бакр Фарғонийдан жабрланган аъёнлар Бухорога бориб, амир Абдумалик ибн Нухга шикоят қилишади. Бундан бохабар бўлган амир дарҳол Бакр ибн Малик ал-Фарғонийни Бухорога чақиртиради. Бакр ибн Малик ал-Фарғоний 345/956 йил декабрида Бухорога етиб келади<sup>14</sup>. Амир қабулида барча таомилни бажаргандан сўнг, сарпо ва 5–6 солорни тухфа сифатида олади. Амир қабулида Бакр ибн Малик ал-Фарғонийнинг ўнг томонида Фатегин хазинадор, чап томонида хожиб Алптегин турар эди. Бакр ибн Малик ал-Фарғоний тухфаларни олиб, Фарғонага қайтиш учун отланади. Аммо Алптегин уни амир буйруғи билан сарой осто-

<sup>11</sup> Давидович Е.А. Владетели Насрабада (по нумизматическим данным) // Краткие сообщения ИИМК. Вып. 61. М., 1956, 107-бет.

<sup>12</sup> Юлдашев С., Мелиқўзиев У. Сипохсолор Бакр Фарғоний // ФДУ: Илмий хабарлар. 2018. № 2. 46–49-бетлар.

<sup>13</sup> Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. 1. М.: Восточная литература, 1963. 310-бет.

<sup>14</sup> ابو سعيد عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343. ص 352

насида катл этади<sup>15</sup>. Ибн ал-Асирнинг маълумотича, айрим гурухлар юксак мартабали бу харбий қўмондонни катл этиш билан мамлакатда юз бераётган сиёсий инкироздан чиқишга ҳаракат қилишган. Аммо бу режа қутилган натижани бермайди.

Нумизматик материалларнинг гувоҳлик беришича, Бакр Фарғонийнинг вафотидан сўнг Фарғонада зарб этилган тангаларда отаси Маликнинг номи бошқа учрамайди. Демак, учта сомоний ҳукмдор даврида бу вилоятни идора этган Малик ўзининг ўғли Бакрнинг ўлиmidан сўнг Фарғона мулкидан маҳрум бўлган. Шу тариқа, 932–956 йилларда Фарғонани идора этган Малик ибн Шукуртегиннинг фаолияти ўз ниҳоясига етади.

Ўзма ва нумизматик манбаларда Маликнинг ҳокимиятдан кетганидан кейинги даврда, Мансур ибн Бойқаронинг фаолияти бошланишига қадар кимлар Фарғонани идора этганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрамайди.

Малик ибн Шукуртегиндан сўнг Фарғона волийси этиб тайинланган, бизга маълум бўлган шахс Мансур ибн Нухнинг (961–976) хожиби Мансур ибн Бойқаро ҳисобланади. Таниқли тангашунос олима Э.А. Давидович Фарғона фулусларида Малик ва унинг ўғли Бакр Фарғонийдан кейин бошқа ҳокимларнинг номлари зикр этилганлигини қайд этади. Жумладан, хижрий 355–356 (милодий 965–967) йилларда Ахсикентда зарб этилган тангаларда Мансур ибн Бойқаронинг номи зикр этилади. Шунингдек, Кувада зарб этилган тангаларда ҳам унинг номини учратиш мумкин. Водийнинг икки йирик шаҳарларида зарб этилган тангаларда Мансур ибн Бойқаро исмининг зикр этилиши у хижрий 358 (милодий 968–969) йилда Фарғона вилояти ҳокими бўлган, деган хулоса чиқариш имкониятини беради<sup>16</sup>.

Манбаларда Мансур ибн Бойқаро сомоний ҳукмдор Мансур ибн Нух саройида йирик амалдор бўлганлиги қайд этилади<sup>17</sup>. Жумладан, ал-Мукаддасий Мансур ибн Бойқаро сомоний ҳукмдор Мансур ибн

<sup>15</sup> این جا است

<sup>16</sup> Давидович. Е.А. Владетели Насрабада (по нумизматическим данным) // Краткие сообщения ИИМК. Вып. 61. М., 1956. 107-бет.

<sup>17</sup> ابو سعید عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: نئیای کتاب، 1343، ص 354

Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lunduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. P. 338.



Нухнинг биринчи хожиби<sup>18</sup> (хожиб ул-хужжоб) бўлганлиги ҳақида маълумот беради<sup>19</sup>. “Тарихи Гардизий”да ҳам Мансур ибн Бойқаро фаолияти ҳақида қисқача бўлса-да, маълумотлар мажуд<sup>20</sup>. Мансур ибн Бойқаро томонидан Фарғона идора этилган даврда хожибларнинг уч ва ҳаттоки тўрт босқичли зодагон иерархияси шаклланган. Масалан, 366–367 (976–978) йилларда Фарғонани амир Мансур ибн Нух номидан Мансур ибн Бойқаро идора этган. Мансур ибн Бойқаронинг номидан эса ўғли Аҳмад ибн Мансур, унинг сюзерени эса хожиб Қилич бўлган бўлса, хожиб Қилич номидан эса унинг амалдори Аҳмад ибн Али Фарғонани идора этган. Буни қуйидагича тахмин қилишимиз мумкин: сомоний амирлар, жумладан, Мансур ибн Нух ўз қўл остидаги хожибларга хизматлари эвазига йирик мулкларни инъом этган. Лекин хожиб ўзи эгаллаб турган лавозимини тарк этмаган ҳолда, берилган мулкни ҳам бошқариши керак эди. Мансур ибн Бойқаро сомоний ҳукмдор Мансур ибн Нухнинг биринчи хожиби бўлган вазиятда доимо Бухорода бўлиши шарт эди. Шунинг учун Фарғонани унинг номидан ўғли идора этган бўлса керак, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Мансур ибн Бойқародан кейин ҳам Фарғонани туркий ҳокимлар бошқарганлар. Масалан, унинг вориси Аҳмад ибн Мансур вилоятни 969–978 йилларда идора қилади. 967–970 йилларда Мансур ибн Бойқародан сўнг зодагонлар иерархиянинг иккинчи табакасида хожиб Қилич турган<sup>21</sup>. У Мансур ибн Бойқаро номидан водийни идора этган<sup>22</sup>. Аҳмад ибн Мансур номидан эса Фарғонани Мансур ибн Нухнинг хожиби Тош бошқарган<sup>23</sup>. Хожиб Тошнинг номи гарчанд сомонийларнинг Фарғонадаги ноиби сифатида эслатилмаса-да, сомонийлар тарихи

<sup>18</sup> Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. 1. М.: Восточная литература, 1963. 310-бет.

<sup>19</sup> Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. 1. М.: Восточная литература, 1963. 310-бет.

<sup>20</sup> ابو سعيد عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343. 354 ص

<sup>21</sup> Камолиддин Ш. Сомонийлар тангаларидаги рамзлар // Водийнома. № 3. Андижон, 2019. 33-бет.

<sup>22</sup> Нейматов Х. Давлати Сомониён: тоҷикон дар асрҳои IX–X. Душанбе: Ирфон, 1989. 33-бет.

<sup>23</sup> Давидович Е.А. Монеты Ферганы как источник для характеристики институтов феодальных пожалований за службу в Средней Азии в X в. // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. М., 1969. 136, 110–141-бетлар.

тўғрисида маълумот берувчи манбаларда эслаб ўтилган<sup>24</sup>. Масалан, Ибн ал-Асирда унинг номи 981–982 йилларда Хуросонда юз берган воқеаларда учрайди. Шунингдек, Мукаддасий ҳам хожиб Тош хақида ўз асарида эслатиб ўтган<sup>25</sup>. Нух ибн Мансурнинг ёшлигидан фойдаланган Хуросон кўшинлари кўмондони Муҳаммад ибн Симжур амир фармонларини бажаришдан бош тортади. Натижада, унинг ўрнига Бухородан Абул Аббос Тош жўнатилади<sup>26</sup>. Бу тўғрисида Мирхонднинг асарида ҳам эслатиб ўтилган<sup>27</sup>. Тош Хуросондаги ишларни ўз қўлига олади ва вазият барқарорлашади<sup>28</sup>. Демак, 982 йилда хожиб Тош Фарғона бошқарувидан олиниб, Хуросон ноиблигига ўтказилган ёки Фарғона ноиблиги вазифасини бажариш билан бирга, амирнинг бошқа махсус топшириқларини ҳам адо этган. Гардизийда келтирилишича, дастлаб кул бўлган Тош амирнинг ишончига кириб юксак мартабаларга эришади. Нух ибн Мансур хукмронлигининг дастлабки йилларида,

<sup>24</sup> Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lungduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. 514 p.; تاريخ ابو سعيد عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. به تصحيح و مقابله: عبدالحی حبيبي. تهران: دنياي کتاب، 1343. 733 ص  
Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 559 Б.; Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. 436 s.; Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M. Defremery. Parij. 1832. 312 p.

<sup>25</sup> Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje. Lungduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. P. 338.

<sup>26</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 149-бет; Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. S. 236.

<sup>27</sup> Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M. Defremery. Parij. 1832. P. 54.;

میرخواند. روضة الصفا فی سئرة الانبياء و الملوك و الخلفاء. جلد چهارم. بیبی. 1261. 21 ص.

<sup>28</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. С. 149.; Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. S. 236.

у давлат ҳаётида муҳим ўрин тутган шахс сифатида таърифланади<sup>29</sup>. Ҳожиб Тош ҳақида Сомонийлар ва Ғазнавийлар сулолалари тарихи тўғрисида баҳс юритувчи муҳим манба бўлмиш “Тарихи Яминий”да анча кенг маълумотлар берилган<sup>30</sup>. Сипоҳсолор, сомоний амирларнинг Хуросондаги ноиби мартабасигача кўтарилаган ҳожиб Тош Хуросонни бир неча йил мувафакқиятли идора этган. Аммо 987–988 йилларга келганда душманларидан мағлубиятга учраб, Журжонга чекинади ва у ерда вабо касаллигидан вафот этади<sup>31</sup>.

982 йилда ҳожиб Тош Фарғона бошқарувидан олиниб, Хуросон ноиблигига ўтказилганидан кейин Фарғона ноиби лавозимига Билгатегин ибн Тўғрул тайинланган. Афсуски, Билгатегин тўғрисида бизга маълум ёзма манбаларда маълумотлар етиб келмаган. Биз у ҳақда фақат нумизматик материаллар орқали маълумот олишимиз мумкин.

991/992 йилларда Фарғона водийсига бостириб кирган Хорун Буғрохон дастлаб сомонийларнинг Фарғонадаги сўнгги ноиби Айачтегин (Энч, Айбек) билан тўқнашади<sup>32</sup>. Шу ўринда Айачтегин ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Унинг номи тарихий манбаларда турлича берилади. Шу билан бирга, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида манбаларда маълумотлар ниҳоятда қисқадир. Ибн ал-Асирда Энч тарзида тилга олинади<sup>33</sup>. Утбийнинг “Тарихи Яминий” асарида эса Буғрохоннинг Бухорога юриши воқеаларида Айачтегин Айбек тарзида қайд этилади<sup>34</sup>. Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарида ҳам Аячтегин фаолияти ёритилган. Юқоридаги манбаларда Айачтегин номи фақат бир марта қайд этилган бўлса, Мирхонд эса унинг номи бир неча бор тилга оли-

<sup>29</sup> ابو سعيد عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343. 383 ص

<sup>30</sup> Abu Nasr Utbiy. Kitobi Yamini. Translated from the Persian version of the contem for arly arabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891. P. 60–110.

<sup>31</sup> Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев // Мерос. Ташкент: Камалак, 1991. 164-бет; ابو سعيد عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343. 384 ص  
تۆرغۇن ئالماس. تۇيغۇرلار. مېيۇنخېن: دۇنيا تۇيغۇرلار قۇرۇلتىيى، 2010. 344 ب

<sup>33</sup> Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. S. 84.

<sup>34</sup> Abu Nasr Utbiy. Kitobi Yamini. Translated from the Persian version of the contem for arly arabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891. P. 121.



нади. Мирхондда Инонж хожиб тарзида зикр этилган<sup>35</sup>. Мирхонднинг асари XVI асрда ёзилган ва кўп қисми компиляция тарзида ёзилган бўлса ҳам, аммо унда Айachteгин тўғрисида бошқа тарихий манбаларда учрамайдиган айрим фактлар мавжуд. Жумладан, Хуросон ноиб Абул Хусайн Симжурнинг вафотидан кейин унинг ўрнига келган вориси Абу Алининг исёни вақтидаги воқеаларда Айач хожиб номи эслатилади. Унда Абу Али ва Фоик исён кўтариб, Абу Али Нишопурни, Фоик эса Ҳиротни эгаллаганлиги тўғрисидаги хабар Бухорога етиб борганда исёнчиларга қарши амир Нух ибн Мансур Бектузун ва Айач хожиб бошчилигида кўшин жўнатади. Бектузун билан Айач хожиб Фоикни мағлуб этадилар ва у Балхга чекинишга мажбур бўлади<sup>36</sup>. Ушбу воқеалардан сўнг Айachteгин Буғрохоннинг Бухорога юриши воқеасида қайта тилга олинади. Нумизматик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Айachteгин 987–988 ва 990–991 йилларда Фарғонани Сомоний ҳукмдор Нух ибн Мансурнинг номидан идора этган. Буғрохон Сомонийлар худудига бостириб кирган вақтда, Нух ибн Мансур унга қарши ўз ихтиёридаги кўшин ва саркардаларига бош этиб Айachteгинни жўнатади<sup>37</sup>. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Фарғона ноиб бўлган Айachteгиннинг Сомонийлар даврида нуфузи юқори бўлган. Сабаби – у сўнгги сомонийлар даврида бир неча исёнларни бостиришда иштирок этган эди. Аммо, ички низолар туфайли сомонийлар ўзларининг мавжуд харбий кучларидан қорахонийларга қарши курашда унумли фойдалана олмадилар. Натижада Буғрохон Айachteгинни мағлубиятга учратиб, уни асир олади<sup>38</sup>. Унинг ўрнига Буғрохон ўз ноиб Арслон тегин ибн

<sup>35</sup> Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. – *Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M. Defremery. Parij. 1832. P. 169–171.*; الصفاهى سنرة الانبياء و الملوك و الخلفاء. جلد چهارم. بمبئى. ميرخواند. روضة 1261. 24–25 ص.

<sup>36</sup> Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. *Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M. Defremery. Parij. 1832. P. 54.*

ميرخواند. روضة الصفاهى سنرة الانبياء و الملوك و الخلفاء. جلد چهارم. بمبئى. 1261. 30 ص.

<sup>37</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 157-бет.

<sup>38</sup> Abu Nasr Utbiy. *Kitobi Yamini*. Translated from the Persian version of the contem for arly arabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891. P. 121.; ابو سعيد عبدالحى بن ضحاک بن محمود. به تصحيح و مقابله: عبدالحى حبيبي. تهران: ندياى كتاب، 1343. 385 ص. Ibn'u'l

Улуғтегинни тайинлайди<sup>39</sup>. Юқорида тилга олинган манбалардаги Айачтегин тўғрисидаги маълумотларнинг мазмуни деярли бир хил. Аммо Утбий ва Мирхондда Айачтегиннинг асир олингандан кейин Буғрохон уни Туркистонга юборганлиги тўғрисидаги ушбу даврга оид бошқа манбаларда учрамайдиган муҳим маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотлар Айачтегиннинг тақдири тўғрисида хулоса чиқаришимизга ёрдам беради. Шу билан бирга юқоридаги далил Сомонийлар томонидан Айачтегин бошчилигида юборилган қўшин билан Буғрохон ўртасидаги тўқнашув қаерда юз берганлигига ҳам аниқлик киритишга ёрдам беради. Тарихий манбаларда Айачтегин ва Буғрохон тўқнашган жой қайд этилмаган. Лекин Айачтегиннинг жангдан кейин асир олиниб Туркистонга юборилганлигини ҳисобга олсак, бу жой Хўжанд ёки Ўзганд яқинида бўлиши мумкин. Чунки тўқнашув Самарқанд ёки Бухоро яқинида юз берганда Буғрохон асирни бунча узоқ масофага юбормасдан, шунчаки ўзи билан Бухорога олиб кириши мумкин эди. Демак, тўқнашув жойи Туркистонга шунчалик яқинки, асир олинган душман саркардаси Буғрохон томонидан осонликча у ерга жўнатилган. Қолаверса, араб манбаларида Ўзганд “турклар билан чегарадаги шаҳар” дея қайд этилган<sup>40</sup>.

Қорахонийлар Буғрохон бошчилигида ғарбга қараб ҳаракатлангандан кейин, Ўзганд шаҳри водий ҳаётида муҳим ўрин тута бошлайди. В.В. Бартольд таъбири билан айтганда, Ўзганд учун энг яхши давр бу дастлабки қорахонийлар давридир. Чунки бу вақтда Ўзганд Мовароуннахрнинг пойтахти бўлган. Наср Элоқхон ҳам Сомонийларнинг барча қариндошларини асир сифатида Ўзганддаги зиндонга жойлаштирганлиги тарихий манбалар орқали маълум<sup>41</sup>. Шу боисдан тахмин қилишиз мумкинки, манбаларда Буғрохон Айачтегинни асир олиб Туркистонга жўнатди, деганда Ўзгандга юборилганлиги назарда тутилган бўлса керак. Шуниси қизиқки, Айачтегиннинг ўзи X асрнинг

---

Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. Cilt 9. Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. S. 85.

<sup>39</sup> Анарбаев А. Ахсикат – столица древний Ферганы. Тошкент: Тафаккур, 2013. 497-бет.

<sup>40</sup> Ибн Ҳавқал. Китаб сураг ул-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолитдин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. 83-бет; Ибн Хауқал. Китаб сураг ул-арз (пер. с арабского О.Б. Фроловой) // Материали по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент: Фан, 1988. 21-бет.

<sup>41</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолитдина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 173-бет.

80-йиллар охирида Нух ибн Мансур томонидан водийнинг айнан Ўзганд шахрига ноиб этиб тайинланган эди<sup>42</sup>.

993–995 йилларни ҳисобга олмаганда, яъни сомонийларнинг салжуқийлар ёрдамида ҳокимиятни қайта қўлга олгандан кейин Фарғонада қорахонийлар ҳукмронлиги бошланади. Буғрохоннинг вафотидан сўнг унинг ўрнига келган Наср ибн Али даврида Фарғона Қорахонийлар давлатидаги алоҳида удел сифатида шаклланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сомонийлар давридаги сиёсий инқироз оқибатида Фарғонани бошқарган ҳожиблар ҳам тез-тез алмашиб турган. Улар орасида фақатгина Малик узоқ муддат Фарғонани идора эта олди. Зодагонлар иерархиясининг мураккаб, кўп табақали тизими шаклланди. Бу ҳолат сомонийлар бошқаруви сиёсий инқирозининг Фарғона ҳудудларида акс этиши эди. Ҳожибларнинг аксарияти сомоний амирларнинг энг олий амалдорлари бўлишган ва амирлар уларга қилган хизматлари эвазига Фарғонани инъом этишган. Фарғонани идора этган ҳожибларнинг мавқеи баландлигини яна шундан билса бўладики, уларнинг аксарияти сиёсий инқироз пайтида амир манфаатини ҳимоя этиб, исёнларни бостиришда иштирок этган. Бунга мисол қилиб Малик, Бакр Фарғоний ва Ҳожиб Тошни Хуросонда юз берган исёнларни бартараф этишда қатнашганлигини эслаш kifоя. Улар Фарғона ноиблари бўлиб турган даврда ҳам, олисда жойлашган ўлкаларда сомоний амирларнинг манфаатларларини ҳимоя этишган.

## С. ЮЛДАШЕВ

### ТУРКИЙ ҲОЖИБЛАРДАН СИЁСИЙ ЭЛИТАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ФАРҒОНИ ИДОРА ЭТИШДАГИ ИШТИРОКИ

Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда, X асрнинг 30-йилларида сомонийлар хонадонига мансуб волийларнинг ҳокимиятдан кетиши, Сомонийлар даврида юқори мавқега эга бўлган туркий ҳожиблар сиёсий элитасининг шаклланиши, X асрнинг 20–30 йилларидан бошлаб то X асрнинг сўнггига қадар Фарғонани идора этган туркий ҳожиблар ва уларнинг сиёсий фаолияти тадқиқ этилган.

<sup>42</sup> Анарбаев А. Ахсикат – столица древний Ферганы. Ташкент: Тафаккур, 2013. 494-бет.



*Калит сўзлар:* Фарғона, Сомонийлар, Малик ибн Шукуртегин, Бакр Фарғоний, Насробод, Мансур ибн Бойкаро, Аҳмад ибн Мансур, Ахсикент, Қилич Ҳожиб, Ҳожиб Тош, Айачтегин, Ўзганд, Буғрохон, Мирхонд, Утбий, Қорахонийлар, Туркистон.

**С. ЮЛДАШЕВ**

## **ФОРМИРОВАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЭЛИТЫ ИЗ ТЮРКСКИХ ХАДЖИБОВ И ИХ УПРАВЛЕНИЕ ФЕРГАННОЙ**

В статье на основе исторических источников и литературы исследованы вопросы ухода от власти саманидских наместников в 30-х годах X века, формирования политической элиты из тюркских хаджибов, имеющих высокий статус в государстве Саманидов, политическая деятельность влиятельных тюркских хаджибов, управлявших Ферганой с 20–30-ых годов до конца X века.

*Ключевые слова:* Фергана, Саманиды, Малик ибн Шукуртегин, Бакр Фергани, Насробод, Мансур ибн Байкаро, Ахмад ибн Мансур, Ахсикент, Килич Хаджиб, Хожиб Таш, Айачтегин, Узген, Бограхан, Мирхонд, Утби, Караханиды, Туркестан.

**S. YULDASHEV**

## **THE FORMATION OF POLITICAL ELITE ORIGINATED FROM TURKIC HADZHIBES AND THEIR RULE IN FERGHANA**

Based on historical sources and literature, the article examines the issues of the withdrawal of Samanid governors from power in the 30s of the 10<sup>th</sup> century, the formation of a political elite from Turkic Hajibs with a high status in the Samanid state, and the political activities of influential Turkic Hajibs who ruled Ferghana from 20-30- s to the end of the X century.

*Key words:* Ferghana, Samanids, Malik ibn Shukurtegin, Bakr Fergani, Nasrobod, Mansur ibn Baykaro, Ahmad ibn Mansur, Ahsikent, Kilich Khadhib, Khojib Tash, Ayachtegin, Uzgen, Baghrakhan, Mirkhond, Utbi, Karakhanids, Turkestan.

## Ш. МАХМУДОВ

### ХАДЯЛАР ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Инсоният тарихида қадимдан шаклланган анъаналардан бири ҳукмдорларнинг элчилар орқали бир бирларига совғалар юборишидир. Бошқа мамлакатларга юборилган элчилар ўзлари билан бирга йўл олган мамлакатлари ҳукмдорига турли хил қимматбаҳо буюмлар, ноёб хунармандчилик маҳсулотлари, отлар, ов қушлари, қўлёзма асарлар ва ҳ.к.дан иборат совғаларни олиб борганлар. Энг қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам дипломатик алоқаларда ҳукмдорлар ҳадяларга алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, милодий 229 йилда Фарғонадан Хитой Вен императори ҳузурига борган элчилар “танасидан қонсимон тер оқадиган” отларни совға сифатида олиб боришган<sup>1</sup>.

Аббосийлар даврида Араб халифалигининг Византия империяси билан дипломатик алоқаларида асосий совғалар илмий адабиётлар, машхур грек файласуфларининг қўлёзма китобларидан иборат бўлганлигини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Бунинг натижасида IX–XII асрларда жаҳон илм-фани тараққиётига ислом цивилизациясининг сезиларли даражада кучли таъсир кўрсатганлиги дипломатик алоқаларда ҳам намоён бўлган.

X–XI асрларда Қорахонийлар элчилар орқали Ғазнавийларга қимматбаҳо идишлар, олтин-кумуш, хушбўй мушк, зотли отлар, ок лочинлар, товус патлари, хитой чиннилари ва нафис матолардан иборат тортиқ-совғалар юборган<sup>3</sup>. Ғазнавийлар ҳам Қорахонийларга олтин ва кумуш қадахлар, қимматбаҳо тошлар, фил, туя, ов итлари, овга ўрга-

<sup>1</sup> Ходжаев А. Фарғона Хитой манбаларида (қадимги ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржималар). Тошкент, 2013. 18–19 бетлар.

<sup>2</sup> Sypianski Y. Arabo-Byzantine relations in the 9<sup>th</sup> and 10<sup>th</sup> Centuries as an area of cultural rivalry // *Byzantinum and the Arab world: Ecounter of civilizations*. 2011. Thessalonique, Greek. P. 465–478.

<sup>3</sup> Дутураева Д. Қорахонийлар дипломатиясида совға-саломлар: Ғазнавийлар ва Китонлар билан бўлган муносабатлар мисолида // *Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар*. Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. 95-бет.

тилган лочин ва бургутлар, оху ва бошқа ҳайвонлар ҳамда турли ноёб матолар, гиламлардан иборат ҳадяларни юборганлар<sup>4</sup>.

Дипломатик алоқаларда ҳукмдорларнинг бир-бирларига совғалар улашишини тадқиқ этиш турли давлатлар ва уларда яшаган халкларнинг мавқеи, сиёсий қудрати, иқтисодиёти ёки молиявий аҳволи, маданий-маънавий ёки сиёсий боғлиқлигини ёритишга хизмат қилади.

Марказий Осиё хонликларининг дипломатик алоқалари тарихи ўрганилганда ҳадялар мавзусига ҳам қисман эътибор қаратилганини учратиш мумкин. Шу жумладан, Қўқон хонлигининг Усманийлар давлати билан дипломатик алоқаларига доир ҳужжатлар ва манбалар тадқиқ этилганда бу масаланинг айрим жиҳатларига М. Сарай, Х. Комацу, А. Эркинов, А. Васильевлар томонидан эътибор қаратилганини кўриш мумкин<sup>5</sup>. Лекин, Қўқон-Истанбул ўртасидаги дипломатик алоқалардаги ҳадялар мавзуси эса алоҳида тадқиқот объекти сифатида ёритилганича йўқ.

Дипломатик алоқаларда ҳадяларнинг ўрни масаласини Қўқон хонлиги ва Усманийлар давлати ўртасидаги алоқалар мисолида кўриб чиқиш орқали ушбу мавзунини тўлиқ тасаввур этишга имкон беришини алоҳида қайд этиш мумкин. Чунки, Қўқон хонлигининг бошқа давлатларга нисбатан Усманийлар империяси билан дипломатик алоқаларига доир ҳужжатларнинг аслиги ва маҳаллий манбаларда маълумотларнинг кўплиги мазкур масалани имкон қадар тўлиқ очиб беришга ёрдам беради. Қолаверса, XIX асрда яратилган маҳаллий тарихнависларнинг асарларида<sup>6</sup> ҳам Қўқон хонлигининг Усманийлар давлати билан алоқалари мавзуси кенгрок ёритилган.

<sup>4</sup> Дутураева Д. Қорахонийлар дипломатиясида совға-саломлар: Ғазнавийлар ва Қитонлар билан бўлган муносабатлар мисолида // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. 96-бет.

<sup>5</sup> Saray Mehmet. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabatlari (1775–1875). Istanbul, 1990; Komatsu Hisao. Khoqand and Istanbul: An Ottoman document relating to the earliest contacts between the khan and sultan // Asiatische Studien Etudes Asiatiques LX.4.2006. S. 963–986.; Эркинов А. Рукопись на службе геополитики Кокандского ханства: Мухаббат-нама как дипломатический подарок Умархана (1810–1822) Османскому султану Махмуду II (1808–1839) // Локальное наследие и глобальная перспектива: «Традиционализм» и «революционализм» на Востоке. XXVII Международная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки. Тезисы докладов. Санкт-Петербург, 2013. 109–110-бетлар.; Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). М., 2014. 356-бет.

<sup>6</sup> Саййид Муҳаммад Ҳақимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, кўлёзма, инв. № 594. 294 а – варақ.



Маҳаллий тарихнавислардан Мулла Олим Махдум Ҳожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида Муҳаммад Алихоннинг “...кўп қийматбаҳо асбобу ажнос, ҳадя илан Истанбулга, халифага элчи қилиб юборубдур” – деб қайд этган маълумотлари<sup>7</sup> дипломатик муносабатларда ҳадяларга алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади.

Қўкон хонлигидан Усманийлар давлатига 10 дан ортиқ дипломатик миссиялар билан элчилар юборилганлиги тадқиқотчилар томонидан эълон қилинган<sup>8</sup>. Ушбу элчиликлар орқали юборилган ҳадяларга оид ҳужжатлар Истанбулнинг “Усманийлар архиви” фондида 5 тани ташкил этади. Шундан 3 та ҳужжат<sup>9</sup> Қўкон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) ҳамда Мулла Алиқули амирлашкар томонидан юборилган ҳадялар бўлса, иккита ҳужжатда Усманийлар султони томонидан Қўкон хонларига юборилган ҳадялар акс этган<sup>10</sup>.

Қўкон хонлигидан Усманийлар султониغا юборилган ҳадялар рўйхати қайд этилган ҳужжатлардан бири Усманийлар архивининг Хатти Ҳумоюн (НАТ) фондида 657/ 32100 D рақами билан сақланади. Мазкур ҳужжат 1254/1838 йилда Муҳаммад Алихон томонидан юборилган иккинчи элчилик бўлиб, бу дипломатик миссияга Муҳаммад Зоҳидхўжа бошчилик қилиб борган<sup>11</sup>. Ушбу ҳужжат

<sup>7</sup> Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши: Насаф, 1992. 47-бет.

<sup>8</sup> Saray Mehmet. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabotlar (1775–1875). Istanbul, 1990; Saray M., The Russian, British, Chinese and Ottoman Rivalry in Turkestan. Ankara, 2003.; Erdogru Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul // Central Asian Journal 52/1. 2008. P. 5.; Macit Abdulkadir. Başbakanlık Osmanlı Arşiv Belgeleri Işığında XIX. Yüzyıl Osmanlı – Hokand Hanlığı Münasebetleri. (Yüksek Lisans tezi) İstanbul-2008. Marmara Üniversitesi, İlahiyat fakultesi.; Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). М., 2014. 356-бет.; Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Ташкент – Токио: Янги нашр, 2010. 259–262-бетлар; Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). М., 2014. 197–200-бетлар.; Levi S. The Rise and Fall of Khoqand 1709–1876. Central Asia in the global age. Published by the University of Pittsburgh Press, 2017. 258 p.

<sup>9</sup> Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат архивлари бошқармаси – Усманийлар архиви – (Türkiye Cumhuriyeti Cumhurbaşkanlığı Devlet Arşivleri Başkanlığı - Osmanlı arşivi) кейинги ўринларда – TCCDABOA – қисқартмасида берилади, TCCDABOA, Hatt-ı Humayun Daftari, 657/ 32100 D; TCCDABOA, HR.TO. 447/ 1; BOA, HR.TO.447/ 87.

<sup>10</sup> TCCDABOA, A.MKT.MHM, 431/82; BOA. CH, 1098.

<sup>11</sup> TCCDABOA, Hatt-ı Humayun Daftari, 656. 32089A/1.

хакида Россиялик тарихчи А. Васильев ҳам ўз тадқиқотида тўхталиб ўтган<sup>12</sup>.

Элчи Муҳаммад Зоҳидхўжа олиб борган ҳадялар Кўкон хони Муҳаммад Алихон томонидан юборилган мактубда қайд этилмаган<sup>13</sup>. Ҳадялар алоҳида рўйхат қилинган. Хатнинг аввалида Аллоҳнинг номи билан бошланиб, “Шавкату, қудрату, азамату, подшоҳи олам паноҳ афанди ҳазратларининг муборак хоки пойи шоҳоналарини тақдим ўлунча ҳақ ашённинг дафтаридаур” – деб қайд этилади. Мазкур рўйхат Усманийлар садароти томонидан тузилмаган. Чунки, рўйхат усмоний ёзувида эмас. Фикримизча, элчи Муҳаммад Зоҳидхўжага Кўкон шиғовулининг маъмуриятида Усманийлар султониға юборилаётган ҳадялар алоҳида рўйхат қилиниб хатга туширилган. Унда ҳадянинг номи ва унинг пастида миқдори кўрсатилган. Рўйхатда 1 дона Мусҳафи шариф مصحف شريف, 7 та шол اشال<sup>14</sup>, 7 тўп савойи اسوای<sup>15</sup>, 5 тўп Хитойда ишланган қора силон چن کارى سیاہ سیلان, Хитойда ишланган 2 тўп хаво ранг ва бинафша рангли нафис мато چن کارى ماوى و مور, 2 тўп теҳвари خوقند کارى الجن олчинбар 27 тўп Кўконда ишланган олчинбар اتھوار صاریلی<sup>16</sup>, 27 тўп 7 та от اسپ, 27 та хитой жадвори اجدوار چنى<sup>18</sup>, 3 та кўзачада Хўтан мушки امسک ختای ختن<sup>19</sup>, 3 та хитой танавухи تنوح ختای каби совғалар бўлган.

Бундан ташқари Усманий шахзодалар учун алоҳида совғалар ҳам бўлган. Шахзодалар учун ажратилган ҳадялар рўйхатидан аввал 2 мисралик байт ҳам ёзилган:

Муносиб эса бошқаси шахзода афандилар ҳазратларина

Дегил эса хоки пойи шоҳонийа санам ўла<sup>20</sup>.

Мазмуни: муносиб кўрсалар бошқа ҳадялар шахзодаларга, муносиб кўрмасалар улар (шахзодалар) дўстларининг хоки пойига берсинлар.

<sup>12</sup> Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). М., 2014. 177–183-бетлар.

<sup>13</sup> ТССДАВОА, Натт-1 Humayun Daftari, 657/32100 E.

<sup>14</sup> Шол – шолча, пахта калавасидан тайёрланган.

<sup>15</sup> Шойи матонинг бир тури.

<sup>16</sup> Газламанинг тури.

<sup>17</sup> Ипак мато. А. Васильев мазкур газламани Ал-чанбар деб қайд этади.

<sup>18</sup> Женьшен.

<sup>19</sup> Хўтан мускуси, кадимдан жуда машхур бўлган.

<sup>20</sup> ТССДАВОА, Натт-1 Humayun Daftari, 657/ 32100 D.

Ҳадялар рўйхатида шахзодалар учун 4 тўп савойи *سوای*, 2 та шол *شال*, 2 та от *اسب*, 4 тўп *техвар* *تھوار* газламаси, 6 тўп Қўқонда тайёрланган *аршинбар* *ارشين بر* газламасидан иборат бўлган<sup>21</sup>.

Мазкур ҳадялар ичида энг бебахоси Қуръони Карим ҳисобланади. Маълумки Қуръони Каримнинг нодир қўлёзма нусхалари ҳамда мавзуларига бағишланган тадқиқотларнинг қўлами жуда кенг. Лекин уларда бу муқаддас китобнинг ўзаро алоқалардаги ўрнига эътибор қаратилган эмас. Илмий изланишларимиз натижасида Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган Қўқон хони Умархон (1810–1822) ҳамда Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар (1800–1826)га тегишли Қуръони Каримнинг нодир қўлёзма нусхаларини ўзаро алоқаларда ҳадя этиш мақсадида тайёрланган деган фикрда тўхтадик.

Истанбул университети кутубхонасидаги Қуръони Каримнинг биринчи нусхаси тўлик бўлиб, А6540 рақами остида сақланади. Мазкур мусхаф тўғрисида “Истанбул университети кутубхонаси арабча ёзмалар каталоги”нинг биринчи жилдида маълумот берилади<sup>22</sup>.

Мусхафнинг иккинчи ва сўнгги саҳифаларида Қўқон хони Умархоннинг муҳри босилган. Муҳр бодомсимон шаклда бўлиб унга “Амир ал-муслимин саййид Муҳаммад Умар бин Норбўтахон 1229” сўзлари ёзилган.

Ушбу Қуръонни Қўқон хонлигида тайёрланган бошқа мусхаф нусхалари<sup>23</sup> билан қиёслаганда катта фарқ борлигини кўриш мумкин. Мусхафнинг жуда чиройли безаклар ва олтин суви билан безатилганлиги китобнинг махсус совға учун тайёрланганлигини англатади.

Истанбул университетида сақланаётган бу мусхафни Султон Махмуд II га ҳадя сифатида махсус тайёрланган дейиш мумкин. Чунки Қуръони Карим ҳамма даврларда ҳам мусулмон ҳукмдорлари ўртасидаги бир-бирига берилган совғалар ичида энг бебахоси ҳисобланган.

Аммо, 1838 йилда Муҳаммад Зоҳидхўжа бошчилигидаги элчилик воситаси билан юборилган ҳадялар рўйхатидаги Қуръони Карим эса бошқа мусхафдир. Истанбул университети кутубхонаси фондида Бухоро амирлигида тайёрланган Қуръони Каримнинг яна бир нусхаси

<sup>21</sup> TCCDABOA, Hatt-ı Humayun Daftari, 657/ 32100 D.

<sup>22</sup> Istanbul universitesi kutubhanesi arapcha yazmalar katalogu. / Hazirlayan Fehmi Edhem Karatay. Cilt I. Istanbul universitesi: 1951. 15 s.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фондида Қўқон хонлари муҳри босилган Қуръони Каримнинг бир нечта нусхалари мавжуд.



хам бўлиб, бу китоб А 6579 рақам остида сақланади. Мазкур мусхаф ҳақида ҳам фақатгина “Истанбул университети кутубхонаси арабча ёзмалар каталоги”нинг биринчи жилдида маълумот берилди<sup>24</sup>. Китобнинг ўлчами 25X16 см, ёзуви 12 см, ҳар бир саҳифа 19 сатрдан иборат. Мусхафнинг ушбу нусхаси тўлиқ эмас, яъни “Муҳаммад” сурасининг 40 оятидан “Моъувн” сурасининг охиригача ёзилган. Жилди қизил теридан тайёрланган бўлиб, жуда чиройли ишлов берилган. Мукованинг олдида олти бурчакли шаклнинг ичида бўрттириб ишланган ёзув бўлиб, у олтин суви билан сайқалланган. Ёзувда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин. “Каломуллоҳу мутабаррук ҳадоёйи аз Саййид Амир Ҳайдар подишоҳи Бухоройи Саййиди Шариф Муҳаммад Умархони Фарғоний-ға” ибораси ва 1240 сана қўйилган. Қуръони Каримнинг ичида бошқа ортиқча белгилар ёки муҳрлар мавжуд эмас. Шу ўринда қўйилган сана милодий 1824 йилга тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, бу даврда Қўқонда Умархон вафот этган эди. Фикримизча, мазкур мусхаф Умархон ҳаётлик чоғида Амир Ҳайдарнинг топшириғига биноан тайёрлашга киришилган.

Гарчи мусхаф тайёр бўлгунга қадар Умархон вафот этган бўлса-да, сўнгра унинг ўғли Муҳаммад Алихонга юборилган бўлиши мумкин. Шунингдек, мазкур мусхафни Муҳаммад Алихон 1838 йилдаги элчилик билан ҳадялар орасида Турк султониغا юборган деган фикрда миз. Яъни Усманийлар архивининг Хатти Ҳумоюн (НАТ) фондидаги 657/ 32100 D рақами билан сақланадиган ҳужжатда кўрсатилган мусхаф ушбу иккинчи китобдир. Чунки Қўқон ҳукмдорлари томонидан ҳадя сифатида юборилган бошқа қўлёзма китоблар ҳам ҳозирда Истанбул университети кутубхонасида сақланади. Жумладан, Умархон томонидан махсус тайёрланган туркий шоирлар Навоий, Лутфий ҳамда Амирийнинг девонларидан иборат “Муҳаббатнома” мажмуаси махсус Усманийлар султони учун тайёрланган. Буни япон олими Х. Комацу ҳамда ўзбек олимлари А. Эркинов ва О. Журабоевлар тадқиқ ва тасниф этишган<sup>25</sup>.

<sup>24</sup> Istanbul universitesi kutubhanesi arapcha yazmalar katalogu. / Hazirlayan Fehmi Edhem Karatay. Cilt I. Istanbul universitesi: 1951. 3 s.

<sup>25</sup> Эркинов А. Рукопись на службе геополитики Кокандского ханства: Муҳаббат-нома как дипломатический подарок Умархана (1810–1822) Османскому султану Махмуду II (1808–1939) // Локальное наследие и глобальная перспектива: «Традиционализм» и «революционализм» на Востоке. XXVII Международная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки. Тезиси докладов. Санкт-Петербург, 2013. 109–110-бетлар.

Ҳадялар рўйхатида, асосан, Куръони Каримнинг шохона усулда тайёрланган нодир нусхалари, буюк туркий шоирларнинг девонларидан кўчирмалар ҳамда кимхоб матолардан иборат бўлган. Бу ўз навбатида мактуб юборилган даврда Қўкон хонлигининг маданияти ҳамда иктисодиёт секторлари, молиявий аҳволини ҳам тадқиқ ва тасаввур этишга имкон беради.

1864 йилда Қўкон бош вазири Мулла Аликули томонидан юборилган мактублар ҳам эътиборга лойиқдир. Мактубларнинг бири Усманийлар султонига<sup>26</sup>, иккинчиси эса Садри Аъзам<sup>27</sup> номига ёзилган. Мактубларнинг мазмуни бир хил. Бу ўринда фақатгина мактубда қайд этилган ҳадялар рўйхатига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Мактуб сўнггида қўйидаги ёзувлар қайд этилган.

“Озгина тухфамиз бор. Бир либос махсус шойидан, 5 тўп адрас, 50 та рўмол. Ҳимматимиз баланд, лекин қўлимиз калта. Вассаламу алайкум. 1281 й.”

Ушбу мактубнинг бундан аввалги дипломатик алоқаларда юборилган мактублардан фарқ қиладиган бир жиҳати, унда (яъни мактубда) ҳадялар номи ва сони аниқ кўрсатилганлигидадир. Умархон, Муҳаммад Алихон даврларидаги дипломатик алоқалардаги мактубларда ҳадялар номи қайд этилмаган. Фақатгина мактубларда “Ҳадямизни қабул қилгайсиз” деб ёзилган, холос. Ҳадялар номи ва миқдори алоҳида қозғалди қайд этилган. Баъзи даврларда Усманийлар садаротида элчиларни қабул қилган мансабдорлар томонидан ҳадялар алоҳида рўйхат қилинган ва бу рўйхат канцелярияда сақланган<sup>28</sup>.

Аликули амирлашкар томонидан юборилган Саййид Ёқубхон тўра бошчилигидаги элчилик орқали юборилган мактубдаги ҳадялар рўйхати сўнггида “Ҳимматимиз баланд, лекин қўлимиз калтадир” – деб ёзилган маълумот давлатнинг молиявий жиҳатдан танг аҳволга келиб қолганлигини кўрсатади. Фикримизча, давлатнинг молиявий аҳволи оғир бўлганлиги учун элчилар орқали юборилган ҳадяларнинг тури ва миқдори айнан мактубда қайд этилган. Давлатнинг иктисодий аҳволига мактубда алоҳида урғу берилган. Бундан аввалги дипломатик алоқаларда юборилган ҳадялар тури ва миқдори кўп бўлганлиги боис ҳам мактубда совғаларнинг номи қайд этилмаган.

<sup>26</sup> Мулла Аликули амирлашкарнинг мактуби. ТССДАВОА, НР.ТО. 447/ 1.

<sup>27</sup> Мулла Аликули амирлашкарнинг мактуби. ТССДАВОА, НР.ТО. 447/ 87.

<sup>28</sup> Усманийлар империясидан юборилган ҳадялар садаротда қайд этилган.

Усмонийлар давлатидан Қўқон хукмдорларига юборилган хадяларнинг сиёсий аҳамиятга эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Чунки, Қўқон хонларига Истанбулдан юборилган хадялар барча давлат мулозимлари иштирокида ташкил этиладиган элчиларнинг қабул маросимларида тақдим этилган. Жумладан, Муҳаммад Ҳақимхон тўранинг “Мунтахаб ат-таворих” асарида 1820 йилда Усмонийлар султони Маҳмуд II (1809–1839) томонидан Умархонга (1810–1822) юборилган хадялар қайд этилади<sup>29</sup>. Унда 2 та тўппонча, 2 та дурбин, шамшир сингари ҳарбий аслаҳалар ҳамда “Хонлар хони” ёрлиғи бўлганлигини кўриш мумкин<sup>30</sup>. Усмонийлар султонининг хадялари Умархоннинг илтимосига кўра юборилган. Умархоннинг элчи юборишдан мақсади иккита сабаб билан боғлиқ. Биринчидан, Қўқон хонлари кучли давлатнинг сиёсий ҳимоясида бўлишга интилган. Иккинчидан, хонликнинг ҳарбий имкониятини ошириш, қўшинни замонавий куроллантиришга ҳаракат қилиш бўлган. Ушбу масала 1819 йилда Умархон томонидан юборилган мактубда акс этади. Умархоннинг мактубида Қўқон хонлигининг шимолий чегараларида Россия империяси ҳарбий қалъалар қуриши, иккинчи томондан, Хитойнинг Шарқий Туркистон масаласидаги сиёсатига урғу берилган. Бундан ташқари, Бухоро ҳукумати мазкур жараёнларда Қўқоннинг Хива хонлиги билан иттифоқ тузишига ҳам қарши ҳаракат олиб бораётгани акс этган. Бундан кўринадики, Қўқон хонлиги ташқи хавфга қарши ҳарбий имкониятини ошириш ҳамда кучли бир давлатнинг маънавий ҳимоясига таянишга интилган. Шунингдек, Умархоннинг мактубидан 19 асрнинг бошларидаёқ Бухоро ҳукумати ташқи кучларнинг таъсир доирасига тушиб бўлганлигини аңлатади.

Чет-эл давлатларининг хукмдорлари томонидан юборилган хадялар Қўқон одатига кўра мансабдорлар ва бошқа мамлакатларнинг элчилари олдида хукмдорга топширилган. Ушбу хадялар топшириш махсус маросими айни пайтда сиёсий аҳамиятга эга бўлган маросимдир.

Ҳадяларни топшириш алоҳида маросим сифатида ўтказилганлигини маҳаллий манбалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, “Мунтахаб ат-таворих” асарида муаррих Муҳаммад Ҳақимхон тўра 1820 йилда Истанбулдан қайтиб келган элчи ўзи билан бирга олиб келган турк султони Маҳмуд II (1808–1839) хадяларининг тақдимоти-

<sup>29</sup> Саййид Муҳаммад Ҳақимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 594. 294 а – варақ.

<sup>30</sup> Ўша асар. 294 а – варақ.



ни баён қилади<sup>31</sup>. Шунингдек, 1838 йилда Қўқон хонлигининг элчилари Истанбулдан қайтиб келганида ўтказилган қабул маросими Қўқон манбаларида алоҳида эътибор билан қайд этилади. Бу маросим маҳаллий тарихнависларнинг асарларида қайд этилишига кўра, Муҳаммад Алихон хукмдорлигида энг нуфузли дипломатик миссия бўлганлигини аңглатади. Хусусан, Мулла Олимнинг “Тарихи Туркистон” ҳамда Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг “Хуллас ат-таворих” асарларида Усманийлар султони томонидан юборилган махсус шоҳона либос мажлисида Муҳаммад Алихонга кийдирилгани қайд этилади<sup>32</sup>. Муҳаммад Алихон турк султони хадясида хурсанд бўлиб, ўз кўл остидаги мансабдорларга ҳам хадя улашган. Бир қарашда ушбу ҳолат элчиларнинг қабул маросимидаги хадялар тақдими бўлиб кўриниши мумкин. Лекин, бу маросим ўша даврда давлат сиёсати ўларок махсус эълон қилиниши Қўқон хонлигининг Марказий Осиёдаги халқаро макоми учун аҳамиятли ҳисобланган. Усманийлар султони томонидан Муҳаммад Алихон учун махсус шоҳона либос юборилганлигининг Қўқон манбаларида эҳтиросли баён қилиниши, бу даврда мусулмон дунёсида халифалик маркази деб қаралган Усманийлар империяси томонидан Қўқон хонига кўрсатилган катта эътиборнинг намунаси сифатида қаралиши мақсад қилинган.

Шунингдек, Ўрта Осиё хонликларида юборилган дипломатик алоқаларга доир мактубларда ҳам Усманийлар давлати халифалик маркази сифатида эътироф этилган. Бу ҳол Қўқон хонлигидан юборилган дипломатик мактубларда акс этади.

Қўқоннинг Усманийлар давлати билан дипломатик алоқаларини фаоллаштиришини яна бир сабаби сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Маълумки, Қўқон Бухородан ажралиб чиққан. Марказий Осиёда Бухоро амирлиги Амир Ҳайдар даврида сиёсий мавқеини тиклаб олгач, Қўқон хонлиги Бухоронинг таркибида бўлганлигига сиёсий урғу бериш бошланган эди<sup>33</sup>. Шу нуқтаи назардан Қўқон хонлари Усмо-

<sup>31</sup> Саййид Муҳаммад Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, кўлёзма. инв. № 594. 294 а – варақ.

<sup>32</sup> Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ат-таворих. ЎзР ФА Шаркшунослик институти лн-тографик нашр, инв № 304.

<sup>33</sup> Бунинг натижасида Қўқон хонлигида легитимация масаласи юзага келган ва бу мавзу кейинги даврда турли баҳслар билан тарихчилар томонидан тадқиқотлар эълон қилинмоқда. Жумладан, А. Эркинов, Б. Бобожонов, С. Леви каби олимларни тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Бу ҳақда қаранг: Erkinov A. Les timourides, modeles de legitimité et les recueils poetiques de Kokand. Ecrit et culture en Asie central et dans le

нийлар султонлари билан дипломатик алоқаларини фаоллаштирган. Муҳаммад Алихоннинг Усманийлар султонида “Хонлар хони” ёрлиғини олишга интилиши Марказий Осиёда Қўқон хонлигининг сиёсий мақомини оширишнинг бир белгисидир. Муҳаммад Алихоннинг Усманийлар султонида “Хонлар хони” ёрлиғи берилишини сўраганининг яна бир сабаби бор. Бу Дашти Қипчоқ элатларини Қўқон хонларига итоатда ушлашга бир восита бўлишлиги мақсад қилинган эди. Халифа томонидан махсус либос хадя қилиниши эса, Қўқон хони халифанинг алоҳида эътиборидаги ва ҳимояси остидаги шахс эканлигини тасдиқлаган. Бу эса, ўз навбатида, кўшни хонликлар – Бухоро ва Хива олдида Қўқоннинг мавқеини ошишига хизмат қилган.

Қўқон хонлигидан китоб хадя этилиши бу Марказий Осиёнинг илм-маърифатга бўлган муносабатини билдиради. Иккинчидан, шойи, атлас ва адрас матолар юборилиши Фарғона водийсида қадимдан ипак ва пахта матолари тайёрлаш Қўқон хонлиги даврида ҳам давом этган. Бу текстил матолари Россия империясига юборилган савдо қарвонларида ҳам қуруқ мевалардан ташқари асосий товар ҳисобланган.

Қўқон ва Усманийлар хукмдорлари ўртасида бир-бирига юборилган совғалар маънавий-маърифий, маданий, ҳарбий-сиёсий масалаларга оид эканлигини кўрсатади.

Усманийлар-Қўқон дипломатик алоқаларида хукмдорларнинг бир-бирларига юборган хадялари икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг маълум бир босқичга кўтарилишига ҳисса қўшган. Ўрни келганда шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг хукмдорларига хадя юборишда ўзига хос маданиятдан келиб чиқиб хадялар тайёрлатган ва бу хадялар деярли бетакрор, ягона бўлишига эътибор қаратилган.

monde turko-iranien, XIVe–XIXe siècles // Writing and culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14<sup>th</sup> – 19<sup>th</sup> Centuries. F. Richard, M. Szuppe (eds), Cahiers de Studia Iranica, 40. Paris AAEI, 2008, pp. 285–330.; Бабаджанов Б. Кокандское ханства: власть, политика, религия. Ташкент; Токио: Янги нашр, 2010. 259–262-бетлар.; Levi S. The Rise and Fall of Khoqand 1709–1876. Central Asia in the global age. Published by the University of Pittsburgh Press, 2017. 258 p.

## Ш. МАХМУДОВ

ҲАДЯЛАР ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР  
ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР  
ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мазкур мақолада Қўқон хонлиги ва Усманийлар давлати ўрта-сидаги дипломатик алоқаларда икки давлат ҳукмдорларининг ўзаро бир-бирларига юборган ҳадялари тадқиқ этилган. Қўқон хонлигидан юборилган ҳадялар билан Истанбулдан юборилган ҳадяларнинг фарқли хусусиятлари очиқ берилган. Қўқон хонлигидан Усманийлар султониغا юборилган мактубларда акс этган ҳадялар хонликнинг маданиятини, молиявий ҳамда сиёсий аҳволини очиқ беришга хизмат қилади.

*Калит сўзлар:* Ҳадялар, Қўқон хонлиги, Усманийлар давлати, Истанбул, ҳукмдорлар, дипломатик алоқалар, мактублар, дипломатик ёзишмалар, Мусхафи шариф.

## Ш. МАХМУДОВ

ДАРЫ КАК СРЕДСТВО ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ  
МЕЖДУ КОКАНДСКОМ ХАНСТВОМ И ОСМАНСКОЙ  
ИМПЕРИЕЙ

В данной статье изучены подарки, обмен которыми происходил в ходе дипломатических взаимоотношений Кокандского ханства с Османской империей. В том числе показаны отличительные черты подарков, отправленных с Кокандского ханства от подарков Османской империи. Подарки, перечень которых приводится в письмах отправленных в Стамбул из ханства свидетельствуют о состоянии культурного развития, финансовом положении и политической ситуации в данной стране в тот период.

*Ключевые слова:* Подарки, Кокандское ханство, Османская империя, Стамбул, правители, дипломатические отношения, письма, дипломатическая переписка, Коран.

SH. MAHMUDOV

**GIFTS AS A MEANS OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN  
THE KHOQAND KHANATE AND THE OTTOMAN EMPIRE**

The article examines gifts which were exchanged during the diplomatic relations of the Khoqand khanate with the Ottoman Empire. Also revealed the distinctive features of gifts sent from the Khoqand khanate from the gifts of the Ottoman Empire. The gifts listed in the letters sent to Istanbul from the khanate indicate the level of cultural development, financial situation and the political situation in the country in that period.

**Keywords:** Gifts, Khoqand khanate, Ottoman Empire, Istanbul, rulers, diplomatic relations, letters, diplomatic correspondence, Holy Quran.



Д. АЛИМОВА

**ОТРАЖЕНИЕ СИСТЕМЫ ВЛАСТИ И УПРАВЛЕНИЯ  
В КОНСТИТУЦИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ РЕСПУБЛИКИ**

Как известно, переворот, совершенный силами большевиков и Красной Армии в январе 1920 года в Хиве, привел к власти младохивинцев, которые стремились создать независимое национальное государство. Однако самостоятельность младохивинцев была не долгой. Уже после I Хорезмского курултая народных представителей они стали ощущать давление со стороны большевиков и стремление во чтобы то ни стало повести младохивинцев по примеру Туркестанской автономной республики, где они безраздельно господствовали. По сути, они рассматривали Хорезмскую республику как часть советского государства, где надо навести такие же порядки, как и в Туркестанской республике.

Баталии между представителями РКП/б/, их сторонниками и младохивинцами продолжались в Хиве все четыре года, пока существовала Хорезмская республика<sup>1</sup>. На протяжении этих лет конституция была изменена четыре раза, фактически с каждой сменой власти принималась новая конституция. Детальное их рассмотрение показывает внедрение большевистской идеологии и ее утверждение силой закона в Хорезме. В силу определенных идеологических причин в советской исторической литературе первая конституция не рассматривалась.

Первая Конституция Хорезмской Народной Советской Республики была принята и утверждена I Хорезмским курултаем Советов от 26 апреля 1920 г. Она состояла из 11 разделов, отражающих преимущества нового государства. В короткой вводной части, написанной «народным» языком, использовалось название «Хивинское государство» и было указано, что его целью является *«служение свободному существованию мусульманских и немусульманских всех мелких наций»*

<sup>1</sup> История и судьба Хорезмской республики // В кн. См.: Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013. С. 247–270.

(курсив наш – Д.А.), тем самым младохивинцы хотели подчеркнуть свою толерантность по отношению к другим народам, населяющим Хорезм. В следующем разделе подчеркивается, что «Хивинскому государству» дается славное в его истории имя «Хорезм». Его народ объявлял себя независимым с намерением вести независимое существование. Апеллирование к истории в этом случае было правомерно. Однако адекватно Туркеспублике и РСФСР Хорезмская республика была названа советской, так как выразителем власти были провозглашены Советы.

Конституция провозгласила права хорезмского народа на истинно демократических началах, на свободу совести, слова, печати, собраний, союзов, уличных шествий и демонстраций, на труд и образование. Она закрепила равенство всех граждан перед законом, равноправие полов, равенство всех племен и национальностей, населявших территорию Хорезмской республики, а также свободу и неприкосновенность личности. Предоставлялось право свободного выбора местожительства и передвижения в пределах Средней Азии. В Конституции отмечалось, что иностранные граждане обладают активным и пассивным избирательным правом, «если будет доказана их преданность мировой революции и Хивинской революции»<sup>2</sup>.

Конституция закрепила как высший орган государственной власти ХНСР Хорезмский Курултай Советов Народных представителей, который должен был разрешать самые крупные вопросы, касающиеся республики, и созывался один раз в год. Количество депутатов в первой конституции не было отмечено.

Хорезмский Курултай Советов до следующего своего созыва избирал правительство – Совет Народных Назиров, которому были даны большие полномочия в управлении республикой. Так выглядит раздел о Совете Народных Назиров:

***Совет Народных Назиров:***

*«7) Курултай Народных Представителей избирает для управления Хорезмской Республикой до следующего своего созыва правительство, обладающее правами разрешать все вопросы, касающиеся республики. Это правительство именуется «Советом Народных Назиров Хорез-»*

---

<sup>2</sup> Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918–1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. 156 с. URL: <http://istfil.bgpu.ru/> С. 98.

ма» и правительственные органы, и люди всей республики подчиняются этому Совету Народных Назиров.

8) Совет Народных Назиров ответствен перед Курултаем Народных Представителей и дает отчет о своих действиях Курултаю Народных Представителей.

9) Совет Народных Назиров состоит из 15 членов: председатель, первый заместитель председателя, второй заместитель председателя, два секретаря, назирь: военных дел, юстиции, экономических дел, контроля, земледелия, финансов, здравоохранения, социального обеспечения, просвещения и иностранных дел.

10) При каждом назире организуется коллегия из двух, трех или большего числа членов. Эти коллегии утверждаются Советом Народных Назиров. Решения коллегии не обязательны для назиров, и при возникновении разногласий между коллегией и назиром назирь вольны отдавать приказы по собственному усмотрению<sup>3</sup>.

В разделе «Об экономической политике» особыми пунктами отмечалось:

«27) Расходы, производимые из хорезмской государственной казны, производятся путем кредитов или по особому постановлению Совета Народных Назиров.

28) Помимо декретов и постановлений Совета Народных Назиров, ни местные Советы, ни должностные лица не могут налагать никаких налогов для нужд республики.

29) Местные Советы составляют сметы своих расходов на год или полгода.

30) Расходы, кредит на которые открывается для местных Советов, относятся на счет смет местных Советов.

31) Сметы местных Советов и расходы вне смет назначаются и утверждаются Советом Народных Назиров.

32) Местные Советы и все учреждения республики представляют отчеты Совету Народных Назиров по истечении срока сметам на полученные деньги.

33) Средства, подлежащие получению из казначейства республики, отпускаются для какого бы то ни было учреждения с утверждения государственного контроля.

34) В случае необходимости право выпуска от имени ХНСР бумажных денег предоставляется Совету Народных Назиров».

<sup>3</sup> Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть I. С. 97.



Очевидно, что Совету Народных Назиров (далее – СНН) предоставлялись большие полномочия, что стало позднее предметом отчаянных споров. Проведение выборов, выпуск от имени ХНСР бумажных денег и остальные вопросы, касающиеся экономики, также были в ведении СНН.

В разделе вакуфные дела отмечалось: «Так как все дела, касающиеся вакуфного имущества, нераздельно связаны с делами просвещения и культуры, они передаются в Назират просвещения для правильного ими распоряжения»<sup>4</sup>. При Народном назирате просвещения был образован вакуфный отдел, который контролировал вакуфные сборы, на которые содержались мусульманские школы и медресе.

В конституции заявлялось о создании Красной армии, однако не было оговорено вопроса о воинской обязанности. Отличительной особенностью первой конституции было то, что она была основана на *сохранении частной собственности и имущественного права* (выделено нами – Д.А.) населения республики.

Данная Конституция была основана на младохивинской концепции государственности, однако ввиду неопытности ее создателей многие вопросы остались не отраженными, в частности, имущественное право, воинские обязанности. Очень скупо, в общих фразах, освещались экономические вопросы. Временное правительство, в числе которых были: его руководитель и лидер младохивинцев Джуманияз Султан-Мурадов, Палванияз Юсупов, два предводителя туркменских племен и один представитель духовенства, в апреле 1920 г. приняло постановление об образовании назиратов (министерств): военное, финансов, государственного контроля, экономики, иностранных дел, назирата культуры и просвещения, юстиции. При некоторых назиратах были созданы Советы. Так экономический Совет при Народном комиссариате экономики, Совет культуры и просвещения при Наркомате народного просвещения, Совет юстиции при Народном назирате юстиции. При этом же назирате были созданы Верховный революционный суд, народный суд и управление милиции<sup>5</sup>. Специальным постановлением Временного правительства от 9 апреля 1920 г. все назираты вошли в его состав<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. С. 97.

<sup>5</sup> НАУз, ф. Р-71, оп. 1, д. 1, л. 4–9.

<sup>6</sup> Там же.

Председателем Временного правительства был избран Палванияз Юсупов\*. Председатель правительства одновременно занимал пост назира иностранных дел, помощник секретаря Временного правительства занимал пост военного назира<sup>7</sup>. Просуществовавшее всего год это правительство под руководством Палванияза Юсупова действовало в экстремальных условиях. Младохивинцы, хотя и влились в Компартию, тщетно пытались вести самостоятельное правление. Они были обвинены в измене революции и как гласило ярмо советской историографии «из попутчиков революции они превратились в силу, препятствующую социалистическому развитию Хорезма».

Как верно писала Р. Раджапова «Большинство членов младохивинского правительства по своим убеждениям являлись либеральными демократами и отстаивали национально-демократический путь развития своей страны в соответствии с традициями и укладом жизни ее народа и стремились к укреплению национально-государственного суверенитета молодой республики. Это не устраивало большевистское руководство России. Под предлогом несоответствия первого правительства республики «подлинно народным принципам Конституции», оно подталкивало местных коммунистов к внедрению советской модели общественного развития, осуществлению революционных

---

\* Палванияз Хаджи Юсупов (1863–1936) – известный прогрессист, один из руководителей хивинских джаидов и партии «младохивинцев» родился в 1863 году в Хиве, в семье торговца. До 1871 года воспитывался у своих родителей, а после их смерти у дяди Юсуфбая. В 13 лет получил начальное образование в старометодной школе. По окончании школы стал заниматься торговлей. П. Юсупов в 1877 году вместе с дядей побывал в Москве. В 1885 году окончил новометодную школу. В 1904 году посетил Турцию, Египет, Сирию и Мекку. Будучи образованным человеком с широким кругозором, владеющим арабским, персидским и русским языками, он стал руководителем младобухарского движения. П. Юсупов был одним из составителей Манифеста о проведении реформ в области государственного устройства, предъявленного 4 апреля 1917 года хивинскому хану. Политика хивинского хана, направленная против джаидов, в 1918–1920 годах вынудила его переехать в Ташкент. После ликвидации хивинского ханства, 30 апреля 1920 года Палванияз Юсупов был назначен председателем Совета народных комиссаров Хорезмской Народной Советской Республики. Работая на этой должности, он стремился осуществить демократические реформы в Хорезмской республике и был достаточно независимым от центра руководителем, что стало причиной организации Турккомиссией и руководством Туркфронта переворота в Хиве. С 1926 года П. Юсупов работал заместителем председателя по хозяйственной части Исполнительного комитета Хорезмской области. Позже работал в музее «Ичан-кала» в г. Хиве. Палванияз Юсупов скончался в 1936 году.

<sup>7</sup> НАУз, ф. Р-71, оп. 1, д. 1, лл. 1–4, 9.

преобразований по масштабной советизации и социализации Хорезма, изоляции бывших младохивинцев, не останавливаясь перед объявлением их «буржуазными националистами», «Правительство мало работоспособно и не пользуется популярностью среди трудящихся», так однозначно оценивалась Турккомиссией деятельность первого состава правительства в июне 1920 г. Хотя за столь малый срок едва ли возможно было добиться каких бы то ни было успехов при столь крайне низком уровне экономического развития вообще и катастрофической разрухе хозяйственной жизни, начавшейся еще в годы первой мировой войны и усугубленной в последующие годы»<sup>8</sup>.

В марте 1921 г. правительство, возглавляемое младохивинцами, было распущено, члены его арестованы и создан временный Ревком. Неудобное большевикам правительство Палванияза Юсупова, стремившееся наполнить конституционное положение о национально-государственной самостоятельности реальным содержанием, было разогнано. Когда же Председатель и секретарь Совета Народных Назиров Д. Султанмурадов и М. Абдалов выехали в Ташкент, чтобы добиться справедливости, то сразу же были арестованы<sup>9</sup>. Это был по сути конец идеям и попыткам, младохивинцев государственного строительства по национально-демократическому принципу.

Второй государственный переворот, совершенный большевиками в Хиве, был закреплен II Всехорезмским курултаем, проходившем под руководством полномочных представителей Центра. Политика младохивинцев была осуждена как антинародная<sup>10</sup>, что означало отказ от курса национально-демократического развития и полный переход к советизации и социализации Хорезмской республики. Тут же были внесены изменения в Конституцию Хорезмской Республики, предложенные Турккомиссией. С этого момента началась новая форма государственности Хорезма, уже безраздельно контролируемая РКП(б). «Назначаемый», а «не избираемый» Всехорезмский Центральный Исполнительный Комитет, который в дальнейшем формировал правительство, на самом деле осуществлял всю полноту государственной власти в республике.

<sup>8</sup> Туркестан в начале XX века. К истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарк, 2000. С. 614.

<sup>9</sup> Качанов Б., Сейитназаров М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919–1920 гг.). Нукус, 1997. С. 33.

<sup>10</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. Ташкент: Фан, 1976. С. 97–102.



На II Всехорезмском курултае (23 мая 1921 г.) Конституция была утверждена в новой редакции. Вводная часть была расширена в духе большевистской риторики.

Усиление большевистской идеологии выразилось в «разоблачении» торгово-промышленной буржуазии. «Российский капитал», ханская власть и крупная торговая буржуазия, несмотря на отсутствие какого бы то ни было родства, представляли собой тесный союз, спаянный жаждой наживы за счет тружеников Хорезма» – утверждалось в Конституции<sup>11</sup>.

Хорезмский же народ представлялся «культурно отсталым», со слабо развитым самосознанием. Далее восславлялись российский пролетариат и крестьянство как его союзники.

Вместо раздела «государственный строй» был использован термин «основы управления», где подчеркивалось, что власть в центре и на местах принадлежит советам трудового народа.

Эта конституция законодательно закрепила за Хорезмским Исполнительным комитетом, члены которого были в большинстве пробольшевистские коммунисты, всю реальную власть.

с предотвращением несчастий, главным образом, смерти. Согласно религиозным представлениям народа, вера в то, что покойник может повлечь за собой на тот свет и других людей, имеет широкое распространение. Например, существует такое поверье, если во время обмывания покойного окажется, что его шея не успела окоченеть, то это признак того, что последуют новые смерти. Для их предотвращения мулла и старейшины производят ряд магических действий. Например, в аулах Ходжейлийского, Канлыкульского районов привязывают к шее покойного ложку. В Ходжейли мы наблюдали случаи, когда ложку сначала переламывали, затем клали в саван<sup>12</sup>. Обычай, при котором разбивали какой-либо сосуд, оповещая о том, что умер человек, существует с древних времен, в частности, Э. Ртвеладзе при описании обрядов населения Бактрии описывает подобные действия<sup>13</sup>. Очевидно, отголоском данного обряда и является переламывание ложки у населения Ходжейли. В ауле Мийнет абат Кунградского района к шее покойного привязывают две ложки, по одной с каждой стороны<sup>14</sup>. Согласно представлениям местного населения, если произвести подобные действия, несчастья и возможные новые смерти будут предотвращены.

Производятся и другие магические действия в целях предотвращения смерти и несчастных случаев. В Чимбае, например, пожилые люди, принимающие участие в обмывании покойника во время самого процесса, просят муллу прочесть специальные молитвы – заговоры на воду, которой будут обмывать, и только потом принимаются за работу<sup>15</sup>. В ауле Ак терек Нукусского района, например, повязывают на шею покойного белую ткань, затем читают молитвы<sup>16</sup>. В северных районах республики в случае, когда шея покойного еще не заоченела, чтобы он за собой не повлек новую смерть, ломают одну ножку предсмертных носилок<sup>17</sup>. Такие представления бытуют не только у каракалпаков, но и у других народов. У туркмен Амударьинского района распространен

<sup>12</sup> Полевая запись автора № 60, 169, 2014 г. город Ходжейли и Канлыкульский район, Жаксымов Хамидулла. 1927 г.р., каракалпак. Сапарова Дамегул. 1940 г.р.

<sup>13</sup> Ртвеладзе Э. Сопол буюмлари ва ибодат маросимлари // San'at. 2002. № 3. С. 6.

<sup>14</sup> Полевая запись автора № 63, 2017 г. Кунградский район, Гайипов Мадияр. 1937 г.р.

<sup>15</sup> Полевая запись автора № 159, 2015 г. Чимбайский район, Мадияров Бердияр. 1933 г.р., каракалпак.

<sup>16</sup> Полевая запись автора № 24, 2016 г. Нукусский район, Мирманов Жиенбай. 1940 г.р., каракалпак.

<sup>17</sup> Полевая запись автора № 16, 2013 г. Чимбайский район, Ибрайимова Гулайым. 1960 г.р., каракалпачка.



такой обычай: помимо того, что в саван кладут ложку, при выносе тела покойного разбивают керамическую пиалу<sup>18</sup>. По бытующим среди населения представлениям, шея покойного не застывает в том случае, если у покойного были мечты и чаяния, которые не осуществились, поэтому, чтобы претворить их, он пытается забрать с собой в мир иной своих близких. Если же произвести магические действия, то можно избежать возможной смерти в данной семье в ближайшее время.

Когда в одной семье умирают сразу несколько человек, отмечены случаи, выноса тела покойного через окно. Б.Х. Кармышева отмечала, что «войдя через дверь, пусть выходит через дыру», чтобы больше не было в этом доме покойников<sup>19</sup>. Подобные представления существуют у киргизов и узбеков<sup>20</sup>. Обычай выносить тело покойного через окно существовал и у татар, по их представлениям, если носилки с покойником вынести через окно, покойник не сможет уже вернуться в дом, он не найдет дороги<sup>21</sup>. У каракалпаков, если в течение года в доме случается несколько смертей, первые носилки выносят через дверь, последующие через окна<sup>22</sup>.

Согласно сведениям, собранным во время экспедиционных работ, были случаи, когда семьи, в которых в течение непродолжительного времени умирали несколько человек, оставляли свои дома со всем имуществом и переселялись в другую местность. Считали, что это место «нечистое», возможно в далеком прошлом на этом месте произошло кровопролитие<sup>23</sup>. Для предотвращения несчастий производят различные магические действия. Некоторые люди верят, что любое несчастье можно предотвратить, читая определенные суры Корана, на протяжении нескольких дней<sup>24</sup>. У хорезмских узбеков, пишет, занимав-

<sup>18</sup> Полевая запись автора № 140, 2014 г. Амударьинский район, Ходжибайев Гайип. 1944 г.р., туркмен.

<sup>19</sup> Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков ... С. 146.

<sup>20</sup> Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов... С. 63; Пайзиева М. Ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари... С. 76.

<sup>21</sup> Ислам в СССР. М.: Наука, 1983. С. 100.

<sup>22</sup> Полевая запись автора № 140, 2014 г. Шуманайский район, Муртазаев Кептилеу. 1931 г.р., каракалпак.

<sup>23</sup> Полевая запись автора № 110, 2014 г. Шуманайский район, Аллаярлов Жолдасбай. 1939 г.р., каракалпак.

<sup>24</sup> Полевая запись автора № 140, 2014 г. Шуманайский район, Муртазаев Кептилеу. 1931 г.р., каракалпак.



шаяся изучением традиций жителей Хорезма, М.В. Сазонова, «...если в доме умирало несколько человек, то, чтобы предохранить оставшихся в живых, открывали крышу и заново ее ставили, обычно над тем местом, где случилось несчастье. Но иногда меняли местами две балки, безразлично какие»<sup>25</sup>.

У каракалпаков магическими свойствами наделяется место, куда вылили воду после обмывания тела покойного. Особенно если покойный был духовным лицом или уважаемым человеком – это место со временем превращается в место паломничества населения. Паломниками на такие места становятся люди, страдающие различными недугами, в том числе дети, а также бездетные женщины. Люди, жаждущие излечиться, посещают такие места в четверг, некоторые остаются там ночевать<sup>26</sup>. В ауле Каракул Караузякского района наиболее посещаемым местом является место, куда вылили воду после обмывания Казы ишана<sup>27</sup>.

Подобные представления мы можем встретить у многих народов Центральной Азии. У узбеков проживавших на территории Хорезма, например, считалось, что после смерти особо почитаемых лиц его завидные качества мог приобрести любой человек, произведя определенные магические приемы. Для этого воду, которая оставалась после завершения традиционного обмывания покойного, сохраняли и этой водой умывались, веря в то, что таким образом они обеспечат себе долголетие, здоровье, обильное потомство, т.е. все те качества, которыми обладал покойный. Такие же действия совершали бездетные женщины, желающие избавиться от «недуга» бесплодия<sup>28</sup>.

У центральноазиатских народов магическими свойствами наделяется не только вода после омовения старейшины, прожившего долгую жизнь или религиозного деятеля, но и саван, и рукавицы. Узбекский этнолог А. Аширов отмечает, что при омовении покойника на руки надевали рукавицы, сшитые из савана. Эти рукавицы, если покойный был пожилым человеком, забирали бездетные женщины для исполь-

<sup>25</sup> Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции. 1945–1948 г. Т. I. М., 1952. С. 294.

<sup>26</sup> Полевые записи автора № 105, 2014 г., № 78, 2017 г. Ходжелий и Караузякский район, Сайпов Есжан. 1923 г.р., каракалпак. Сайымбетов Отеген. 1935 г.р., каракалпак.

<sup>27</sup> Полевая запись автора № 82, 2017 г. Караузякский район, Абдинимова Шыныгүл. 1942 г.р., каракалпачка.

<sup>28</sup> Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков... С. 125.

зования их в магических целях от бесплодия<sup>29</sup>. У каракалпаков тоже существует ряд магических представлений, связанных с рукавицами. В ауле Алтынколь Канлыккульского района республики, рукавицы, которые использовались для обмывания пожилого покойника, считались священными и использовались в магических ритуалах, направленных на исцеление больного ребенка, рожениц, а также в лечении бесплодия у женщин<sup>30</sup>.

Магические представления мы можем наблюдать и в традиции прощания с усопшим. Например, при чтении заупокойной молитвы, во время похорон, возле тела покойного ставят посуду, наполненную джугарой (сорго), поверх накрывают одеждой. По представлениям нашего народа, если на том месте, где будет проходить чтение заупокойной молитвы, рассыпать зерно, то грехи покойного будут прощены<sup>31</sup>. В старой части Кунграда встречаются случаи, когда в помещении, где обмывали покойника, рассыпают зерно<sup>32</sup>. В ауле Таз Караузьякского района, в помещение, где производилось обмывание покойника, для прощения его грехов ставят мешок с зерном<sup>33</sup>. При выносе тела покойного из дома, вслед за ним выносят блюдо с насыпанными на него зернами пшеницы, прикрытых сверху одеждой, называется этот ритуал *ысқат*<sup>34</sup>. По представлениям каракалпаков, просыпавшиеся с блюда зерна олицетворяют собой прощенные грехи покойного.

Следующие магические обряды связаны с разбрасыванием денег на носилки с телом покойного во время выноса из дома, а также задачей небольших кусков ткани *жыртыс*. В найденных на Миздахкане и Ток кале раннесредневековых оссуариях неоднократно находили монеты, что свидетельствует о том, что традиция рассыпания денег

<sup>29</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... С. 116.

<sup>30</sup> Полевые записи автора № 169, 2014 г., № 17, 2019 г. Канлыккульский район и город Нукус, Сапарова Дамегул. 1940 г.р., каракалпачка. Сейтимбетова Тургангул. 1957 г.р., каракалпачка.

<sup>31</sup> Полевые записи автора № 32, 2013 г., № 121, 2014 г. Чимбайский и Шуманайский районы, Палўанаязова Гўлимхан. 1929 г.р., каракалпачка. Төремуратов Өмирзак. 1933 г.р., каракалпак.

<sup>32</sup> Полевая запись автора № 63, 2017 г. Кунградский район, Гайипов Мадияр. 1937 г.р., каракалпак.

<sup>33</sup> Полевая запись автора № 75, 2017 г. Караузьякский район, Насиров Аманкелди. 1952 г.р., каракалпак.

<sup>34</sup> Плата, причитающаяся мулле за проведение похоронного ритуала. См. Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. 4-том. Нөкис, 1992. С. 583.

во время похорон имеет давнюю историю и связана, согласно мнению ученых, с культом предков<sup>35</sup>.

Традиция разбрасывания монет на похоронах пожилых людей, раздача *жыртмыс* сохранялась у каракалпаков вплоть до начала XXI века. Один из основных элементов похоронной обрядности — раздача *жыртмыс*, включает в себя множество магических приемов. Монеты и *жыртмыс*, по представлениям каракалпаков, имеют магические свойства, их долгое время хранили в доме, иногда из нескольких кусочков *жыртмыс* шили одежду детям, либо прикрепляли к головному убору или колыбели в качестве оберега<sup>36</sup>. Из *жыртмыс* шили не только детскую рубаху или шапочку, из них изготовляли и наволочки для подушки<sup>37</sup>. У казахов *жыртмыс* берегут для того, чтобы младенец прожил долгую жизнь<sup>38</sup>. «*Бізге да оның жасын берсін*» (букв. «Пусть и нам достанется его долголетие») с такими словами распространяется ткань на похоронах покойника, возраст которого превысил 60 лет<sup>39</sup>.

Традиция раздачи *жыртмыс* и разбрасывания монет существует и у других народов: узбеков, киргизов, казахов и др.<sup>40</sup>

С похоронной обрядностью связана еще одна традиция каракалпакского народа — ношение траурной одежды. На протяжении XX века она шилась из синей или черной ткани<sup>41</sup>. Носили в основном только вдовы до 40 дней, редко до одного года. На сегодняшний день эта традиция несколько трансформировалась.

Траурную одежду начинали носить с момента, как душа покинет покойного. Существовал ряд магических приемов, связан-

<sup>35</sup> Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. Ташкент: Фан, 1970. С. 144.

<sup>36</sup> Полевые записи автора № 83, 2013 г., № 58, 2016 г. Чимбайский и Кегейлийский районы. Шымбергенова Бийбихан. 1935 г.р., каракалпачка, Утемуратов Генжебай. 1937 г.р., каракалпак.

<sup>37</sup> Полевые записи автора № 111, 2014 г., № 17, 2019 г. Шуманайский район и город Нукус, Қалмуратова Турдыбийке. 1940 г.р., каракалпачка, Сейтимбетова Турғангул. 1957 г.р., каракалпачка.

<sup>38</sup> Мустафина Р.М. Представления, культы, обряды у казахов. Алматы: Казак университеті, 1992. С. 154.

<sup>39</sup> Сураганова З. К. Обмен дарами в казахской традиционной культуре... С. 73.

<sup>40</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Тошкент: Фан, 1964. С. 154; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков... С. 126; Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов... С. 79; Арғынбаев Х. Қазак халқындағы семья мен неке. Алма-Ата, Ғылым. 1973. С. 110.

<sup>41</sup> Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков... С. 197.



ных с траурной одеждой. В ауле Кандекли Шуманайского района рассказывают: «Раньше женщина, в случае смерти мужа одежду и платок надевала с изнаночной стороны»<sup>42</sup>. Подобные обычаи не сохранились до нынешних дней, однако продолжают существовать другие обряды, связанные с траурной одеждой. Например, если в течение года, при ношении траурной одежды она становилась ветхой и на ней появлялись потертости, либо она рвалась, то их не зашивали. Существовало поверье, если зашить это место, то в доме может умереть еще кто-нибудь<sup>43</sup>. У узбеков для предотвращения возможных несчастий в семье, на траурной одежде не подшивали низ рукавов и подола<sup>44</sup>.

Возможно, у каракалпаков этот обычай связан с тем, что обычно дырки или прорехи на одежде штопаются при помощи заплаты. По технике шитья заплата напоминает традиционный вид каракалпакского декоративного прикладного искусства – *курак*, при котором изделие орнаментируется при помощи соединения лоскутков из различных кусков ткани в виде аппликации. Само слово *курак* наделяется смыслом «умножаться». И если в свадебной и детской обрядности этот прием имеет положительное свойство, в траурной – наоборот, может привести к другим смертям.

У каракалпаков все предметы, оставшиеся от покойного, – одежда, личные вещи, считаются священными. Особенно, если одежда принадлежала человеку, прожившему долгую жизнь, то ее старались хранить в доме на протяжении многих лет. Такую одежду называют «*өлиниң ийси*», букв. «запах покойного». При сборе полевых материалов мы неоднократно были свидетелями того, как вещи покойного вешали в комнате покойного, возле его портрета.

По представлениям каракалпаков особыми магическими свойствами обладает головной убор. До сих пор во многих местностях республики головной убор, принадлежавший покойному, прожившему долгую жизнь, вешают во дворе. Люди верят, что этот головной убор будет охранять членов семьи от различных несчастий, кроме того,

<sup>42</sup> Полевая запись автора № 132, 2014 г. Шуманайский район, Маткешова Улбий. 1923 г.р., каракалпачка.

<sup>43</sup> Полевая запись автора № 57, 2017 г. Кунградский район, Султанова Калия. 1937 г.р., каракалпачка.

<sup>44</sup> Пайзиева М. Ўзбекларнинг мотам маросими хусусиятлари (Тошкент маҳаллари мисолида) // O'zbekiston tarixi. 2005. № 2. С. 67.



убережет от сглаза<sup>45</sup>. При раздаче одежды покойного, головной убор всегда оставлялся дома. Подобные представления, связанные с надеванием определенной одежды магическими свойствами, способными обеспечить благополучие, счастье семьи, присущ и другим народам. Подобная традиция существует у ногайцев. Этнограф А. Ярлыкапов пишет: «Личное имущество покойного – главным образом одежда, обувь, головные уборы – безвозмездно передавалось другим людям: беднякам, лицам, обмывавшим покойника, родственникам. Условием было то, чтобы этими вещами обязательно пользовались. Передавая их, говорили: Носите постоянно «запах» покойного (Ийисин тасламай алып юринъиз)»<sup>46</sup>.

Магические действия сопровождают и процесс предания земле покойного. Например, лица, присутствовавшие в процессе захоронения, не передают из рук в руки лопату, которой копали. При передаче лопаты кладут ее на землю. Как нам разъяснили, «если во время предания земле покойного, передавать лопату из рук в руки, то это повлечет другие смерти»<sup>47</sup>.

Таким образом, изучая похоронную обрядность каракалпаков, мы пришли к выводу о том, что верования, связанные с духом предков, до сих пор бытуют, ими насыщены все обычаи и обряды жизненного цикла. Магические представления, связанные с почитанием духов предков наиболее ярко представлены в похоронно-поминальной обрядности. Особыми свойствами наделялись предметы, принадлежавшие людям, прожившим долгую жизнь, многодетным, лицам, обладавшим духовным саном. Представления, связанные с такими предметами, имеют важное значение в жизни каракалпаков и широко распространены в магических действиях, связанных с бездетностью, исцелением от болезней.

<sup>45</sup> Полевая запись автора № 19, 2019 г. Муйнакский район, Узакбергенова Базаргүл. 1937 г.р., каракалпачка.

<sup>46</sup> Ярлыкапов А.А. Похоронно-поминальный обряд степных ногайцев в прошлом и настоящем (XIX – 80-е годы XX в.) // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып IV. М., 2001. С. 189.

<sup>47</sup> Полевая запись автора № 48, 2014 г. Ходжелийский район, Матназаров Тэжибай. 1933 г.р., каракалпак.

К. ТУРЕКЕЕВ

### РОЛЬ МАГИЧЕСКИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ В ПОХОРОННОЙ ОБРЯДНОСТИ КАРАКАЛПАКОВ

Статья посвящена рассмотрению некоторых аспектов традиционного похоронного обряда каракалпаков. Основу ее составили полевые этнографические материалы, собранные автором в районах Каракалпакстана в ходе этнографических экспедиций. Анализу подверглись магические представления в похоронно-поминальной обрядности каракалпаков. Многие магические приемы были связаны с представлениями о вреде, который мог причинить покойник живым.

*Ключевые слова:* каракалпаки, религиозные верования, традиция, семейная обрядность, магическое представление, магия, погребальный ритуал, погребальная одежда, похоронная обрядность.

Қ. ТУРЕКЕЕВ

### ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИДА МАГИК ТАСАВВУРЛАРИНИНГ ТУТГАН ҶУРНИ

Мақолада қорақалпоқларнинг анъанавий дафн маросимининг этнолокал жиҳатлари ўрганилади. Қорақалпоқлар ҳаётида мотам маросимлари муаллиф томонидан амалга оширилган этнографик экспедиция материаллари асосида очиб берилган. Шунингдек, қорақалпоқларнинг дафн маросимлари билан боғлиқ “сеҳрли тасаввурлар” таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* Қорақалпоқлар, диний эътиқодлар, анъана, оилавий маросимлар, сеҳрли тасаввурлар, сеҳргарлик, дафн маросими ва либоси.

K. TUREKEEV

**THE ROLE OF MAGICAL PRESENTATIONS  
IN THE FUNERAL RITUALS OF THE KARAKALPAKS**

The article is devoted to the consideration of some aspects of the traditional funeral rite of Karakalpaks. It was based on the field of ethnographic materials collected by the author in the regions of Karakalpakstan during ethnographic expeditions. Magical representations in the funeral and memorial rites of the Karakalpaks have been analyzed. Many magical tricks were associated with ideas about the harm that could cause the dead alive.

**Keywords:** Karakalpaks, religious beliefs, tradition, family rituals, magic performances, magic, funeral rituals, funerary clothing, funeral rituals.

*Ёш тадқиқотчи минбари*

Г. АБДУЛХАЙ

**ТУРКИСТОН БОЛЬШЕВИКЧА МАТБУОТИДА  
СОВЕТ “АВТОНОМИЯ”СИ МАСАЛАСИ**

1917 йил Октябрь тўнтариши Туркистон ўлкаси сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисоий ҳаётида кескин бурилиш даврини бошлаб берди. Инқилобдан кейин ўлкадаги тараққийпарвар зиёлилар Туркистонга мухторият берилиши борасида ўз ғоялари билан чиқдилар. 1917 йилнинг 27 ноябрида ўлка мусулмонларининг Фавкулудда тўртинчи қурултойида Туркистон мухторияти ташкил этилди. Уч ой фаолият юритган бу давлат 1918 йил совет ҳокимияти томонидан қонли равишда тугатилди. Эндиликда миллий зиёлилар томонидан илгари сурилган ижобий ғоялар марказ томонидан кучли назоратга олинди. Туркистондаги турли жабхадаги ҳар қандай кўрсатмалар, ислохотлар Марказий ҳукумат буйруғи асосида марказдан амалга оширила бошлади. Шундай кўрсатмалардан бири Туркистонда большевиклар ўз манфаатларига мос келувчи, таъсир доираларини кенгайтишига имкон берувчи янги “Автономия” ташкил этиш масаласи эди.

Айтиш жоизки, “автономия” ва “мухторият” этимологик жиҳатдан бир мазмунни англатади. Илмий адабиёт ва изоҳли луғатларда: “Автономия – (юнонча autos-ўзини, nomos қонун) хусусий қонуният табиатига мувофиқ, ўз ақли ва кучи асосида, яшаш, фаолият юритиш деган маънони англатади. Ижтимоий маънода автономия мухториятни англатади”<sup>1</sup> – деб ёзилади. Демак, “автономия” бирон-бир давлат таркибида ўз-ўзини идора қилувчи миллий давлат тузилиши бўлиб, ўз конституция доирасида ўзини мустақил ва сиёсий равишда идора этади. Бунда ҳокимият органлари, суд тизими, прокуратура органлари мавжуд бўлиб, мактабларда таълим миллат тилида олиб борилади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Қисқача сиёсий луғат. Тошкент: Ўзбекистон, 1975. 5-бет; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1 том. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. 101-бет; Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). Тошкент: Шарқ, 2004. 12-бет; Исмоилов М., Шарипов А. Тарих атамалари луғати. Тошкент: Akdemnashr, 2013. 557-бет.



Совет раҳбарлари бу масалани шошмасдан ҳал этишни маъқул кўрдилар. “Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси, – деб ёзган эди И.В. Жугашвили (Сталин), – автономияни рад қилиш эмас, балки уни тан олишдир. Фақат бу автономияни Советларга асосланиб қуриш зарур, холос!”<sup>2</sup>.

Ўз даври учун сиёсий-ижтимоий масалалар давр матбуот нашрларида қайд этиб борилди. Советлар ҳукумати томонидан 1918 йилнинг 29 мартдан Туркистондаги барча типография ва ли-тография мулклари мусодара қилинди. “Улуғ Туркистон” газетаси большевикларнинг миллий газеталарга нисбатан олиб борган ҳаракатларига: “...булар ҳар хил миллий масалалар туғдируб халқнинг диёнатин йўқ нарсаларга (?) жалб этилар, умуминсоният фикридин ғафлат этдилар... ўзлари миллатларни алдаш учун ҳеч бир миллатчи ўйлаб чиқармайдурғон фахш йўллар ўйлаб чиқарадулар”<sup>3</sup>, – деб ёзади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тузум ўша давр матбуоти орқали намоён бўлади. Уни ўрганиб таҳлил қилиш орқали, ўша тузумнинг ҳукмрон мафқураси ижтимоий-сиёсий ҳаётга қай тарика таъсир этганлигини кўриш мумкин. 1918–1924 йилларда Туркистонда нашр этилган ўттиздан ортиқ рус тилидаги совет газеталари: “Известия” (Ташкент), “Наша газета”, “Рабочий путь”, “Коммунист”, “Туркестанский коммунист”, “Туркестанская правда” ва бошқалар, 20 дан ортиқ “Фарғона” (Кўқон), “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Меҳнатқашлар товуши”, “Халқ газети” каби миллий нашрлар большевикларнинг Туркистонга автономия бериш орқали ўлкада совет бошқарувини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятлари акс этган мақо-лалар билан тўлдириб борди.

Марказ томонидан 1918 йилда ўлкадаги вазиятни ўрганиш ва совет типидagi автономиянинг моҳиятини тарғиб этиш учун Туркистонга Н.А. Кобозев бошчилигида РСФСР Миллатлар халқ ишлари комиссарлигининг вакиллари бўлган А.Ш. Клевлеев ва Х. Иброҳимов юборилдилар. Улар матбуот саҳифаларида Туркистонга совет типидagi автономия бериш ғояларини тарғиб қилиш ҳамда советларнинг V ўлка съезди ва сайлов кампаниясига тайёргарлик масаласини муҳокама қила бошладилар. Уларнинг тарғиботи ва ўлкадаги фаолияти асосан

<sup>2</sup> Назаров М. Туркистон интервенция ва граждaнлар уруши даврида (1918–1920 йил-лар). Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1961. 32-бет.

<sup>3</sup> Кабир Бакир. Тафакисс тугалми? // Улуғ Туркистон. 1918, 2 март.

русийзабон совет нашрларида<sup>4</sup> ва кам микдорда миллий матбуот<sup>5</sup> саҳифаларида чоп этилди. Бундай дейишга сабаб, мунозараларда миллий матбуотда бу масала бир-икки сатрлардагина эълон тариқасида берилган. Жумладан, “Хуррият” газетасининг 1918 йил апрель ойидаги сониди шундай дейилади: *“Тошкентда 20 апрелдан бошлаб советлар съезди очилди. Ушбу съездда “Туркистон жумҳурияти” эълон қилинур эмиш. Мунинг тафсилоти “Хуррият”нинг келасида ёзармиз”*<sup>6</sup>.

Миллий нашрларда чоп этилган мақолаларда Совет ҳукумати таркибида вужудга келган Қрим, Қозон, Украина ва Қўкон мухториятлари “буржуазия асосида қурилган мухторият”, уларнинг иштирокчилари эса “буржуа мухториятчилари” деб баҳоланди. Шунингдек, “Туркистон жумҳурияти арафасинда” номли мақолада “Қўконда мухторияти”да иштирок этган зиёлиларни авф этиш борасида шундай дейилади: *“Хўқанд мухториятинда Туркистоннинг бутун зиёли кучлари иштирок қилдилар. ...Ҳозир бунларнинг қўбиси советлар ҳукумати тарафиндин таъқиб этилувдин қўрқуб турли ерларда қочуб юрилар бўлурга тегишли. Агар бунлар ҳақинда афв умумий (амнистия) эълон қилинмаса бунларнинг ҳеч бириси ишга яқин кела олмаяжасаклар. Шунинг учун олдимизда эълон қилинажасқ мухторият ва ёҳуд жумҳурият иш қилувчиларнинг (миллий кадрлар назарда тутилмоқда А.Г.) озлигиндин ўнгайсиз бир ҳолда қолажасқ. Советлар ҳукумати ишчи, деҳқон ва камбағал мусулмон фуқаросининг ўз идорасини эсиддий бир йўлга қўярга хоҳласа муна шул таъқиб этилган жамоат ходимларина афв умумий эълон қилуб оларни янгиндин эълон этилажасқ халқ мухторияти ишларина сафарбарлик ясарга тегишлидир”*<sup>7</sup>.

<sup>4</sup> Лилин. К предстоящему съезду // Голос крестьянина. 1918, 6 апреля (24 март); Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей Г. Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средней Азии Кобозева // Голос Самарканда. 1918, 7 (4) апреля; Наша газета. 1918, 13 апреля; Г. Туркестанская автономия // Наша газета. 1918, 16 апреля; Воцкий. Ташкент // Голос крестьянина. 1918, 17 (4) апреля.

<sup>5</sup> Расмий қисм. Миллий ишлар комиссариатининг телеграми // Улуғ Туркистон. 1918, 18 апрель; Туркистон жумҳурияти // Улуғ Туркистон. 1918, 25 апрель; Туркистон жумҳурияти арафасинда. // Улуғ Туркистон. 1922, 27 апрель; Туркистонга мусулмон комиссарлар келув муносабатила // Улуғ Туркистон. 1922, 30 апрель; Туркистон жумҳурияти // Хуррият. 1918, 30 апрель; Туркистон мухторияти эълон қилинди // Улуғ Туркистон. 1922, 3 май; Ўша сонда. Хўқанд мухториятчиларини авф умумий.

<sup>6</sup> Туркистон жумҳурияти // Хуррият. 1918, 30 апрель.

<sup>7</sup> Туркистон жумҳурияти арафасинда // Улуғ Туркистон. 1922, 27 апрель.

Бундан кўриш мумкинки, миллий матбуотда маҳаллий халқнинг манфаати очик бўлмаса-да ҳимоя қилинган. “Кўкон мухторияти”нинг раҳбар кадрларини янги давлат таркибига жалб этиш масаласига нозик ишора бўлганлиги кузатилади.

Большевикларнинг нашри бўлган “Наша газета”да эса “Туркестанская автономия”<sup>8</sup> номли катта мақолани тарғибот материали сифатида баҳолаш мумкин. Мақолада “Кўкон Мухторияти” “... ўзбошимчаникилоби берган озодликни мухторият тортиб олмоқчи бўлганлиги, мусулмон пролетариати ва мазлум меҳнаткашларни йўлдан урганлиги, ўз томонларига оғдиришга уринаётганлиги” каби асоссиз фикрлар айтилди. Шунингдек, мақолада ўша даврда миллий ишлар бўйича халқ комиссари И. Сталиннинг қуйидаги фикрлари баён қилинади: “Ҳеч қандай миллатчиликка йўл қўйилмасин, бу миллатлараро миллий низолар келиб чиқишига йўл очиб беради”, “Туркистон автоном ўлкасини ташкил қилиш тўғрисида ҳужжатлар йиғиш, тайёрлаш, автоном вилоятлар съездларини чақириш, меҳнаткашларни совет ҳокимияти атрофида жипслаштиришдан иборат. Россия Совет Федератив Республикаси таркибига кирган халқлар ички ишларида тўла мустақилликка эга бўлдилар. Ҳокимият фақат ва фақат меҳнаткашларга ва фақат уларга тегишли бўлиши керак”<sup>9</sup>.

Большевиклар мазкур масалани ҳал этишда фақатгина “меҳнаткаш оммаси” билан чегараландилар. Бутун миллат доирасида ҳал қилинадиган автономия бериш масаласига синфий тус берилди. Туркистон Республикасидаги мавжуд большевикча матбуот саҳифаларида коммунистик мафкурага асосланган автономия бошқарувига оид мақолалар сони ортиб борди.

Жумладан, “Голос Крестьянина” газетасида эса советларнинг V ўлка съездида иштирок этадиган делегатларни сайлаш борасидаги “меҳнаткашлар қатламини” кенг жалб қилиш борасида қуйидаги жумлаларни кўриш мумкин: *“Жойлардан келган делегатлар ўз сайловчиларини талаб ва эҳтиёжлари билан яқиндан билишлари керак. ... Деҳқонлар эҳтиёжлари, муаммоларини ҳаққоний ҳал қилишида деҳқонлардан чиққан делегатларгина аниқ, тиниқ ёритиб бера олади. Шунинг учун ҳам делегатлар сайлашда ўлка деҳқонлари манфаатидан ёндашиши лозим”*<sup>10</sup>.

<sup>8</sup> Туркестанская автономия // Наша газета. 1918, 16 апреля.

<sup>9</sup> Туркестанская автономия // Наша газета. 1918, 16 апреля.

<sup>10</sup> Дилин. К предстоящему съезду // Голос крестьянина. 1918, 6 апрель (24 март).



1918 йил апрель ойида Н.А. Кобозев номига Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари И. Сталиндан 1329-сонли телеграмма келади<sup>11</sup>. Телеграммада Туркистон ўлкасидаги қирғизлар орасида пайдо бўлган автоном-буржуа гуруҳларни фoш қилиш ва уларни совет мухториятига жалб этиш, бунда аввал ўлкани буржуазия иллатларидан тозалаш кераклиги ҳақида буйруқ берилган эди. Шунингдек, Миллий ишлар комиссарининг телеграммасида тарғибот вазифаси ҳам қўйилган. Жумладан, *“Мухториятни инкор қилмаслик, аксинча уни тан олиш совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси ҳисобланади. Фақатгина ушбу мухториятни жойлардаги советлар асосида қуриш зарур, фақатгина шу йўл билан ҳокимият халққа хизмат қилади”*<sup>12</sup>, – дейилади.

Чунончи, 1918 йил 7 апрелда ҳам телеграф орқали Марказдан Миллий ишлар бўйича халқ комиссарлигининг *“Қозон, Уфа, Оренбург, Екатеринбург, Туркистон ўлкаси Совнаркоми ва бошқа советларга”*<sup>13</sup> факсограммаси юборилади. Ушбу хатда ҳам ўлкаларга совет автономияси бериш масаласи айтилган эди. Бу билан большевиклар Туркистонда миллий давлатчилик шакли бўлган миллий мухториятни рад этиб, коммунистик давлат қурилишини ёқлаган ҳолда автономия талабларини инкор этганликлари равшан бўлади.

1918 йилнинг 20 апрелида Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди очилди. Ушбу съезд материаллари фақат русийзабон матбуотда, *“Наша газета”*<sup>14</sup>, *“Голос крестьянина”*<sup>15</sup> ва бошқа нашрларда ёритиб

<sup>11</sup> Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей И. Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средней Азии Кобозева // Голос Самарканда. 1918, 7 (4) апрель.

<sup>12</sup> Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей И. Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средней Азии Кобозева // Голос Самарканда. 1918, 7 (4) апрель; Расмий қисм: Миллий ишлар комиссариятининг телеграми // Улуғ Туркистон. 1918, 18 апрель.

<sup>13</sup> Наша газета. 1918, 13 апреля.

<sup>14</sup> Пятый краевой съезд: рабочих, солдатский, крестьянских, Мусульманских и дехканских депутатов // Наша газета. 1918, 20 апрель; Открытие съезда Советов рабочих, солдат, крестьянских, Мусульманских и дехканских депутатов. (суббота, 20 апреля) // Наша газета. 1918, 23 апрель; 2-й день краевого съезда // Наша газета. 1918, 24 апрель; Zero. 3-день краевого съезда // Наша газета. 1918, 25 апрель; 4-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918, 26 апрель; Zero. 6-й день краевого съезда // Наша газета. 1918, 30 апрель; 6-й день краевого съезда // Наша газета. 1918, 1 мая; Аргус. Положение о Туркестанской Советской Федер. Республ. (Утвержденное пятым краевым съездом советов Туркестанского края 30 апреля 1918 года) // Наша газета. 1918, 5 май; 7-й день краевого съезда // Наша газета. 1918, 10 май; Закрытие съезда // Наша газета. 1918, 11 май.

<sup>15</sup> Открытие краевого съезда советов солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов // Голос крестьянина. 1918, 24 (11) апрель. Шу сонда. П. Заседание крае-



борилди. Съезднинг кун тартибида Туркистонга хақиқий совет режимидаги автономияни бериш асосий масала этиб белгиланди. Съездда оз микдорда маҳаллий аҳолининг киритилиши эса, халқ бу масалани кўллаб-қувватламоқда, деган тасаввурни уйғотиш учун керак эди.

22 апрелда съезд иштирокчилари совет ҳукумати бошлиғи В.И. Ленин ва Миллатлар ишлари халқ комиссари И.В. Сталиндан телеграмма олди. Телеграммани делегатларга А.С. Клевлеев ўқиб берди: “Ўртоқлар, имонингиз комил бўлсинки, Халқ Комиссарлар Совети ўлкангизда совет негизида тузилган автономияни қувватлайди; бошланган ишингизни табриклайди ва сизларнинг бутун ўлкада Советлар тузишингизга, мавжуд Советлар билан жуда аҳил ишлашингизга қаттиқ ишонади”<sup>16</sup>.

1918 йил 30 апрелда съезд “Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом”ни қабул қилди. Низомга кўра, Туркистон ўлкасининг худуди “Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси” деб эълон қилинди. Мазкур низомда “Туркистон Республикаси автоном равишда бошқарилади, ўз хатти-ҳаракатларини Россия Совет Федерацияси марказий ҳукумати билан мувофиқлаштиради”<sup>17</sup> деб белгилаб берилди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг автоном сифатида бошқарилиши гўё “қонуний равишда” ҳал этилди. “Табрик” телеграммасида келтирилган “автоном” сўзи амалда ўз вазифасини бажара олмади. Съездда олий конун чиқарувчи орган – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси тузилди.

Съезддан кейин Туркистон АССР мавзуси ўлка матбуотида кўп мурожаат этилган мавзулар қаторига кирди. Турли нашрларда “Яшасин рус ва маҳаллий қамбағал халқларнинг тўлик бирдамлиги!”, “Яшасин

вого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (21 апреля 1918 год); П. Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (22 апреля 1918 год) // Голос крестьянина. 1918, 26 (13) апрель; Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (24 апреля 1918 год) // Голос крестьянина. 1918, 28 (15) апрель; Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (26 апреля 1918 год) // Голос крестьянина. 1918, 1 май (18 апрель); Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (30 апреля 1918 год) // Голос крестьянина. 1918, 15 (2) май.

<sup>16</sup> Бу ҳақда қаранг: В.И. Ленин о Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1957. 72-бет; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Упрочение советской власти в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1972. 249-бет.

<sup>17</sup> Наша газета. 1918, 5 мая.

Туркистон Совет Республикаси!” деган социалистик шиорлар пайдо бўлди. Аслида Туркистон АССР қандай давлат бўлиши керак эди?

Туркистонда автономия эълон қилинган, ўлкадаги деярли барча матбуот саҳифаларида коммунистик партия мафқураси илгари сурилган ҳамда бу воқеа ҳақида “Қўкон Мухториятига” қарама-қарши ҳолда турли мазмундаги мақолалар<sup>18</sup> кетма-кет босиб чиқарилди. Нашр этилган айрим мақолаларда<sup>19</sup> “Автономия” сўзи “Федератив” сўзи билан алмаштирилди.

“Советский Туркестан” газетасида эса И. Сталиннинг маърузаси босилиб чиқди. Унда автономия икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга: миллатчиликка асосланган “миллий автономия” – буржу автономияси сифатида қуйидагича ифодаланади: *“Бу автоном гуруҳлар (мен татар, бошқирд, қирғиз, грузин, арман миллий советларини назарда тутялман) битта мақсад билан автономликни талаб қилаётирлар, яъниким, миллий автономия тузилгандан сўнг марказ уларнинг ишларига аралашмаслиги кераклиги, уларни назорат қилмаслиги керак экан: “Бизга автономликни беринг, шундагина биз марказни тан оламиз, лекин маҳаллий советлар бизни ишимизга аралашмасин. Биз миллий ишчи ва деҳқонларни ўз билганимизча бошқарамиз” – бу буржуазия автономиясининг талаби эди”*.

Сталин бундай автономияни: *“...мутлоқ ишчи деҳқон, депутатлар советининг йўқ бўлиши, нобуд бўлишига олиб келади”*<sup>20</sup> – дейди. Ўз-ўзидан маълумки, совет ҳукумати бундай автономияга йўл қўймайди.

Иккинчи гуруҳга совет ҳокимияти ўзи таклиф қилган “пролетар автономия”си киради. Сталин унга шундай баҳо беради: *“Ҳеч қандай миллий камчиликларсиз, миллий низоларсиз “автономия” советларники бўлиши лозим, яъни бу дегани бир автономия ҳудудида бир неча миллат яшаши мумкин, уларнинг қайси миллатга мансублигига эмас, қайси синфга киришига қараб автономликка киритилади. ...автоном-*

<sup>18</sup> Санкюлот. Автономия Туркестана и его экономическое развитие // Голос Самарканда. 1918, 12 мая; Дженари. Две Автономии // Голос Самарканда. 1918, 14 мая; Л. Дахий. На новых путях // Советский Туркестан. 1918, 18 июня; Диктатура пролетариата // Советский Туркестан. 1918, 28 июня; Туров. Туркистон мухторияти йўлида // Иштирокиюн. 1918, 10 ноябрь; Миллий аскар. Социализм не нарса? // Иштирокиюн. 1918, 7 ноябрь. Шу сонда: Милиятлар ва бизнинг миллий программамиз.

<sup>19</sup> В. Черневский. Автономия Туркестана // Голос крестьянина. 1918, 17 (4) мая; Правительство и автономия (Речь Сталина) // Советский Туркестан. 1918, 18 июня.

<sup>20</sup> Правительство и автономия (Речь Сталина) // Советский Туркестан. 1918, 18 июня.

лик ишчи, деҳқонники, советларники, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар пролетар автономияси бўлиши лозим. Ишчи, деҳқон манфаатларини ҳимоя қилувчи автономликдир”<sup>21</sup>.

Туркистонда расмий газета сифатида фаолият олиб борган “Голос Самарканди” газетасида 1918 йилнинг май сонларидан бирида, съездда қабул қилинган Туркистон Республикаси “Совет Федератив Республикаси” деб алмаштирилади: “Туркистон Совет Федератив Республикаси мухтор бошқарилиб, бутун фаолиятини Россиянинг ишчилар ва деҳқонларига қарши олиб борган ва марказ билан алоқани узишга ҳаракат қилган “реакцион Қўқон ҳукумати”дан фарқли равишда Буюк Россия Федерацияси Республикалари билан чуқур ҳамкорликка интилади...

Туркистон Федератив Республикасининг олий қонунчилик органи Қўқон ҳукуматига ўзини-ўзи сайлаган бойлар гуруҳи эмас, балки Ўлка ишчилар-солдатлар-деҳқонлар ва мусулмон-деҳқон депутатлар советларига бирлашган камбағал мусулмончилик ва пролетариат бўлди”<sup>22</sup>.

Шу ўринда “Федерация” иборасига эътибор қаратсак: “Қискача сиёсий луғат”нинг совет даври нашрида ва “Фалсафа: комусий луғат”<sup>23</sup> номли мустақиллик даври нашрларида “Федерация” атамасига латинча – feoderatio-бирлашма, уюшма маъносини билдириб, у давлат тузилишининг шаклларида бири. Унинг худуди федерация субъектлари худудидан ташкил топади”<sup>24</sup> – деб таъриф берилган.

Шундай экан, “Автоном” тарзда бошқарилиши эълон қилинган Туркистон ўлкаси қандай қилиб “федератив” республика бўла олади? В. Черневский ўз мақоласида бу масалада аниқлик киритишга ҳаракат қилади. У мақоласининг кириш қисмида ҳеч ким Туркистоннинг бир бутун давлат деб эълон қилинганлигини, ижтимоий аҳамиятини инobatга олишни истамаганлигини айтиб ўтади. Бунинг асосий сабабини “...съезда қабул қилинган фармоннинг ўта мавҳум ва мантқиқсизлигидадир”<sup>25</sup>, – дейди. Низомда “автономия” ҳамда “федерация”

<sup>21</sup> Правительство и автономия (Речь Сталина) // Советский Туркестан. 1918, 18 июня.

<sup>22</sup> Дженари. Две Автономии // Голос Самарканди. 1918, 4 мая.

<sup>23</sup> Ҳар икки адабиётни келтиришдан мақсад, ундаги атамага берилган тарифни таққослашдан иборат – муаллиф.

<sup>24</sup> Бу ҳақда қаранг: Қискача сиёсий луғат. Тошкент: Ўзбекистон, 1975. 265-бет; Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). Тошкент: Шарқ, 2004. 425-бет.

<sup>25</sup> Черневский В. Автономия Туркестана // Голос крестьянина. 1918, 17 (4) мая.



тушунчалари аралаштириб юборилганлигини куйидагича баён этади: “...Туркистоннинг федерация бўлинмаларига бўлиниши мумкин бўлса, Туркистондаги барча федерал муносабатлар марказдан ажралиб туради. Чунки бир вақтнинг ўзида ҳам федерация, ҳам мухторият бўлиб, Россия федерацияси таркибида мавжуд бўла олмайди.

*Автономия тенг ҳуқуқли давлат эмас, балки мустақил бўлинманинг мухториятига боғлиқ бўлган бошқа тенгсиз давлатни назарда тутуди*”<sup>26</sup>. У Туркистонга мухторият бериш масаласида эса куйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Туркистоннинг автономия – мухторият деб эълон қилиниши қанчалик мураккаб вазият юзага келганлигини кўрсатади. Ўлкадаги социалистик тузумни ўрнатиши ва мустақамлаишда аниқлик киритиши ниҳоятда муҳим эди”<sup>27</sup>.

В. Черневский Туркистон ўлкасига нисбатан “Федератив республика” жумласи нотўғри қўлланилганлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Автономиянинг талабларидан келиб чиқилса, у фақатгина ишчи-деҳқон манфаатларини ҳимоя қилмайди. Бу унинг ҳеч қандай қонуниятларига тўғри келмайди. Юқорида таъкидланганидек, автономия ўз-ўзини идора қилувчи миллий давлат тузилишидир. У қандайдир бир тузумга хизмат қилмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки совет матбуотида Туркистон ўлкасига аввалги даврдигидек оддий хом ашё худуди сифатида муносабат билдирилган. Мақолалар мазмунида гарчи ўлка “Туркистон Совет Федератив Республикаси”, “Туркистон Совет Республикаси”, “Туркистон Совет Автоном Республикаси” деб турли номланса-да, аслида ёндашув эскича қолипда эканлигига ишора мавжуд. Советларнинг V съезди “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш”, “Ҳукумат фақат ишчи деҳқонларники” сифатида баҳоланди. Марказга маъқул келган “автономия” Туркистонда пролетариат диктатурасини ўрнатишга хизмат қилди. Совет матбуоти саҳифаларида эса мазкур тарихий воқеанинг моҳияти бўлган “автономия” талаблари бузиб кўрсатилди. Умуман олганда, совет матбуотида Туркистон советлари V съездида қайд этилганидек, “автономия ишчи-деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилади” деган сохта талқин устуворлик қилган.

<sup>26</sup> Черневский В. Автономия Туркестана // Голос крестьянина. 1918, 17 (4) мая.

<sup>27</sup> Ўша жойда.



Г. АБДУЛХАЙ

## ТУРКИСТОН БОЛЬШЕВИКЧА МАТБУОТИДА СОВЕТ “АВТОНОМИЯ”СИ МАСАЛАСИ

Мазкур маколада 1918 йилда Туркистонда совет типдаги “Автономия”ни эълон қилиниши ва бу масалани ўша давр матбуотида турлича баҳоланганлиги таҳлил қилинади. Шунингдек, совет матбуоти бўлган “Наша газета”, “Голос крестьянина”, “Голос Самарканда”, “Советский Туркестан”, “Иштирокиюн”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият” нашрлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Туркистон, автономия, федерация, республика, матбуот, совет ҳукумати, большевик, давлат, буржуазия, демократия, милий, “Қўкон мухторияти”, съезд, мафкура.

Г. АБДУЛХАЙ

## ВОПРОС СОВЕТСКОЙ “АВТОНОМИИ” В ТУРКЕСТАНСКОЙ БОЛЬШЕВИСТСКОЙ ПЕЧАТИ

В данной статье анализируются материалы советской периодической печати, в которых нашли отражение события, связанные с объявлением автономии Туркестана в 1918 году (ТАССР). В качестве основного источника анализировались статьи из таких газет как “Наша газета”, “Голос крестьянина”, “Голос Самарканда”, “Советский Туркестан”, “Иштирокиюн”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият”.

**Ключевые слова:** Туркестан, автономия, Федерация, Республика, печать, советская власть, большевистская, страна, буржуазия, демократия, народная, “Кокандская автономия”, съезд, идеология.

G. ABDULKHAY

THE ISSUE OF SOVIET "AUTONOMY" IN  
THE TURKESTAN BOLSHEVIK PRESS

This article analyzes the publication of the Soviet "Autonomy" in Turkestan in 1918, and the issue of evaluating this event in the media of that period. Furthermore, the press-medias such as "Наша газета", "Голос крестьянина", "Голос Самарканда", "Советский Туркестан", "Иштирокиюн", "Улуг Туркистон", "Хуррият" were considered as the basic source.

*Key words:* Turkestan, autonomy, federation, republic, press, Soviet government, bolshevist, country, bourgeoisie, democracy, national, "Kokand autonomy", congress, ideology.

А. БОЛТАЕВ

**XX АСР 50–60-ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДАГИ МАСЖИДИ  
КАЛОННИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ  
(С.Н. ЮРЕНЕВ ҲИСОБОТЛАРИ АСОСИДА)**

Бухоро ўзининг тарихий ёдгорликлари ва археологик объектларининг кўплиги билан тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Бу ёдгорликларни ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган ўлкашунос-олимлардан бири Сергей Николаевич Юреневдир<sup>1</sup>. У умрининг 30 йилини Бухорони тадқиқ қилишга, археологик экспедицияларда қатнашишга ва осори-атиқаларни асрашга бағишлади.

С.Н. Юренев ҳаётида ўзи яшаган давр зиддиятлари, машаққатлари, оғир-енгилликлари, паст-баландликлари ўз аксини топди. Коммунистик режим талабларига мувофиқ келмаган ҳаёт тарзи ҳамда унга қўйилган ноўрин айблар унинг Россияда яшашини тақозо этмасди<sup>2</sup>. Шу боис у ўтган асрнинг 50-йилларида ўзи севган тарихий шаҳар – Бухорога келиб, умрининг қолган қисмини шаҳардаги XVI асрга оид Модарихон мадрасасининг икки ҳужрасида ўтказди<sup>3</sup>. Бирида ўзи яшаган бўлса, иккинчисида йиққан нодир тарихий буюмларини сақлади. У ўзининг ҳаёт тарзи ҳақида шундай деган эди: “Бухоро дунёдаги энг яхши шаҳар, менинг ҳужрам эса Бухородаги энг яхши хонадир”. Бухороликлар унинг бўйи баста ва узунлигига нисбат бериб, уни “Минор бобо”, “Калон бобо” деб аташган. Ушбу тахаллуснинг бошқа маъноси

<sup>1</sup> С.Н. Юренев 1896 йил 30 май Лепесько уезди Витебск губерниясида давлат банки хизматчиси оиласида туғилади. У 1918 йил Москва Археология институтини тугатиб, 1920 йилдан Тверь (ҳозирги Калинин) шаҳридаги музейда раҳбар бўлиб ишлаб бошлади. 1924-1931 йилларда СССР халқлари санъати ва мусика фольклори материалларини тўпловчи экспедиция ташкил этади. 1931 йилдан эътиборан С.Н. Юренев Ўзбекистонга таклиф қилинади. У Фарғона педагогика институти, Марғилон давлат пахтачилик институти ва Бухоро педагогика институтиларида рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди ва унга ибратли фаолияти учун доцент унвони берилади. Онасининг бетоблиги туфайли 1934 йил охирида Калинин шаҳрига қайтади.

<sup>2</sup> 1941 йил Калинин шаҳри немислар томонидан босиб олинади ва у асирга тушади. Шаҳар озод қилингандан кейин С.Н. Юренев немис-фашистларига ёрдам берганликда айбланиб, қамоққа олинган.

<sup>3</sup> Сергей Николаевич Юренев / Составитель Б.Я. Ставиский. Бухара: Бухарский музей, 1996. 8 б.

Минораи Калондек улуғворликни ифода этган. Бухоро кўчаларида, меъморий обидалар олдида С.Н. Юреневни кўрган кексалар ҳозир ҳам ҳаёт ва улар бу инсоннинг ўша даврдаги ажабтовур ва зоҳидона ҳаёт тарзини яхши эслашади.

С.Н. Юренев Бухорога келгунга қадар Калинин (Тверь) шаҳри картиналар галереясини ташкил этиш бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатган. У Бухорога келгач, ўз севган соҳаси – археология билан шуғулланди. Шунингдек, ўзини археология соҳаси ривожидан бироз орқада қолаётгандек ҳис қилган С.Н. Юренев тадқиқотларининг натижасини эълон қилишдан ийманган. Унинг “К вопросу о датировке мечети Калян” (“Масжиди Калоннинг қурилган йили масаласига доир”) номли иши қўлёзма ҳолича қолиб кетган эди. Биз қуйида шу тадқиқот ҳақида маълумот бермоқчимиз.

С.Н. Юренев 1952 йилдан бошлаб Бухоро шаҳридаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун ташкил этилган археологик экспедицияларда фаол иштирок эта бошлайди. Археологик фаолиятини дастлаб шаҳардаги тарихий ёдгорликларни кузатишдан бошлади ва 1953 йил мартида Масжиди Калонда бошланган экспедицияда иштирок этади.

Экспедиция жараёнида бинонинг шимол, жануб ва шарқий деворлари ости 80 см ковланади. Олиб борилган қазув ишлари натижасида қуйидагилар аниқланган: 1. Бино қамиш билан антисейсмик ва гидроизоляция (нам ўтмайдиган) қилинганлиги деворларнинг барча қисмида учрайди; 2. Деворнинг айрим қисмлари тош пойдевордан ҳам пастроқда ва қалинроқ<sup>4</sup>.

С.Н. Юренев бинони синчиклаб кўздан кечиргандан сўнг ўз ҳисоботида қуйидагиларни қайд қилади. Масжиди Калон биносининг барча томонларига қамиш бир хил текисликда тўшалган. Бино жанубий деворида тупроқ уюми бўлиб, унинг баландлиги 4,80 метр. Шимолий девор баландлиги 5,30 метр бўлиб, пойдевори кўмилган ва пойдевордаги ғиштлар яхши сақланган. Бино асосининг ҳолатини билиш учун деворларнинг ости 80 см.дан ковланган ва ковлаш натижасига тупроқдаги катламдан XIX аср охири XX аср бошларига оид чинни буюмлар ва шиша бўлаклари топилган. Ғарб томондан масжидга қирадиган эшик ердан 67 см паст бўлиб, ер ковланганда беш қатор бўйра ва унинг устидан тупроқ ташланиб бино асоси кўтарилгани аниқланади. С.Н. Юренев фикрича, шу жойда бўйрачилар устахонаси ёки бозор бўлган<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Бухоро музейи, инв. № 11448/7. СНРПМ архиви, инв. № 3210.

<sup>5</sup> Бухоро музейи, инв. № 11448/7. СНРПМ архиви, инв. № 3210.



Масжиди Калон асосининг ҳолати, унда неча қатор ғишт терилганлиги ва бузилиш аломатлари борлигини текшириш учун унинг шимолий ва жанубий деворлари ости қовланган.

С.Н. Юренев фикрича, Масжиди Калон деворларининг айрим қисмлари қорахонийлар давридан қолган. Аксарият тарихий ёдгорликларнинг ташқи пойдевори тупроқ кўтарилиши натижасида унинг остида қолиб кетган.

Қизиқ томони СНРПМнинг<sup>6</sup> директори М.Х. Панченко топилган ашёларни ўрганиш натижасида куйидаги хулосага келган. Унинг фикрича, XIX асрда масжиднинг том гумбазлари ғишт терилиб ёпилади. Бунинг сабаби намозга келганлар масжид ҳовлисига сизмаганлиги туфайли унинг томида намоз ўқишган. М.Х. Панченконинг ушбу маълумоти С.Н. Юренев томонидан текшириб кўрилганда унинг ноилмий эканлиги аён бўлади<sup>7</sup>.

1953 йил март ойидан бошлаб масжидда таъмирлаш ишлари бошланади. Бинонинг томлари таъмирланади, деворлари эса сувоқланади.

Апрель ойида янги тадқиқот ишлари бошланади. Март ойида бино асоси текширилган бўлса, апрель ойида масжиднинг том қисми тадқиқ қилинган, мақсад қурилиш техникаси ва қурилишда ишлатилган ашёларни аниқлаш эди. Апрельнинг бошидан охиригача масжид томи тупроқ ва ахлатлардан тозаланади. Маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра, қарийиб 30 йил давомида масжид томи ахлатлардан тозаланмаган.

С.Н. Юренев маълумотига қараганда, масжид томи 27–30 см тупроқ билан ёпилиб унинг устидан цементланган лой билан ғишт терилган. Ўттиз сантиметрли тупроқ орасидан кўплаб ашёлар топилган. Топилган иккита сопол бўлаги XIII асрга оид, қолган аксарият сопол ашёлар XV–XIX асрларга тегишли. Ичи яшил ангобланган идишларнинг санасини тадқиқотчи XVIII аср охири ва XIX аср бошларига оид деб ҳисоблайди. Тозалаш пайтида ахлатлар орасидан XIX–XX асрга доир чинни, сопол бўлаклари ва мис тангалар ҳам топилади<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> СНРПМ-Специальная научно-реставрационная производственная мастерская.

<sup>7</sup> С.Н. Юренев бу маълумотга ойдinлик киритиш учун бухоролик ёши улуғ инсонлар билан суҳбатлашади. Қариялар масжид томида намоз ўқилмаслигини, чунки бу шариатда тўғри келмаслигини ва намоз пайтида инсон юзи меҳроб томонга қаратилмоғи лозимлигини таъкидлашади. XX аср бошларида намозхонлар сонининг ортиб кетгани ва масжид ҳовлисига сизмай, кўчаларда намоз ўқишгани тўғрисидаги маълумотлар айнан кекса кишилар томонидан берилган. Бухоро музейи, инв. № 11448/7. СНРПМ архиви, инв. № 3210.

<sup>8</sup> Бухоро музейи, инв. № 11444/7. СНРПМ архиви. инв. № 3209.

С.Н. Юреневнинг апрель ойидаги тадқиқоти, асосан, кузатиш ишларидан иборат бўлиб, бунда бинонинг ҳолати ва устунлари ўрганилган. Ҳисоботда бинонинг жанубий айвонини олти қатор гиштин устунлар кўтариб тургани, устунларнинг баландлиги 6,10 метр, қалинлиги 70 см ва улар орасидаги кенглик уч метрни ташкил этиши қайд қилинади. Устунлар ораси гумбаз (компул) қилинган, унинг баландлиги 7,60 метр, айланаси 1,37 метр. Томдан қараганда гумбазларнинг узунлиги 3,40 метр ва кенглиги 1,20 метрни ташкил этади. Айвоннинг масжид ҳовлисига қараган томони арка қилинган. Қор ва ёмғир сувлари туриб қолмаслиги учун том кўча ва ҳовли томонга нишаб қилиб қурилган ва XVIII–XIX асрлардаги таъмирлашдан кейин бу ҳолат ўзгариб бир томонга, яъни ички ҳовли томонга қараб ўзгартирилади<sup>9</sup> – деб маълумот қолдирилади.

С.Н. Юренев 1953 йил 1 май ҳолати бўйича қуйидагиларни қайд қилади:

- Масжиди Калон томи дастлаб икки томонга йўналтирилган;
- ёмғир сувлари гумбазлар орасидан ўтган;
- новалар томдаги карнизлардан 1,5–1,6 метр паст бўлган ва ҳ.к.

Масжиди Калонни апрель ойида ўрганиш ишлари, асосан, бино томини текшириш билан яқунланган. С.Н. Юренев томдаги бир ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: томнинг ўттиз сантиметрли тупроқ билан ёпилиши XVIII–XIX асрларда ҳам мавжуд бўлганлигини ва бу Бухоронинг экологик табиий иқлими билан боғлиқлигини қайд қилади<sup>10</sup>.

С.Н. Юренев Масжиди Калондаги қазилма ишларига археолог сифатида 1953 йил май ойида раҳбарлик қилади. СНРПМнинг директор ўринбосари М.Х. Панченко ва архитектор А.С. Берштейн С.Н. Юренев кўрсатмаси билан 19 майда Масжиди Калонда қазилма ишлари ва зондаж<sup>11</sup> ишларини бошлайдилар. Натижада тўртта шурф<sup>12</sup> ва тўққизта зондаж жойи белгиланади.

<sup>9</sup> Бухоро музейи, инв. № 11444/7. СНРПМ архиви. инв. № 3209.

<sup>10</sup> Бухоро музейи, инв. № 11444/7. СНРПМ архиви. инв. № 3209.

<sup>11</sup> Археологияда маданий ёдгорлик стратиграфиясини аниқлаш ва тадқиқ этиш учун қазилган алоҳида худуд.

<sup>12</sup> Шурф (нем.) – ер юзасига чиқиш йўлига эга бўлган вертикал, баъзан қия кон иншооти. Чуқурлиги 25 м гача бўлади. Ер юзасидан фойдали қазилмаларни излаш ва разведка қилиш ҳамда муҳандислик геологияси ва гидрогеологик тадқиқотлар мақсадида ўтказилади. Шурф археологик тадқиқот ишларида ҳам қўлланилади. Шурфлар квадрат ёки тўғри тўртбурчак, юмалок шаклда бўлади.

Бухоро реставрация бўлими раҳбари П.Я. Райков С.Н. Юренев таклифига биноан П.И. Митрофанов бошчилигида бир гуруҳ ва бир вақтнинг ўзида I ва III шурфлар қовланади. Қовлаш ишлари 22 майда якунланади. Суратга олиш ишларини И.Д. Давидов амалга оширади<sup>13</sup>.

Биринчи шурфдан, тўртта маданий қатлам ва учинчи шурфдан еттита маданий қатлам топилади. 3,15 метр чуқурликдан биринчи қурилган масжид тош асоси чиққан. № 3 ва № 1 шурфдан асосий маълумотларни тўплаган тадқиқотчи, қазил ишларини давом эттириб, Масжиди Қалон ҳақидаги турли хил фаразларга ойдинлик киритишни мақсад қилади. С.Н. Юренев Бухоро тарихи ақс этган адабиётларда Масжиди Қалон қурилган санаси ҳақида аниқ маълумот тополмаганлигини таъкидлайди<sup>14</sup>.

С.Н. Юренев ўз олдига Масжиди Қалоннинг қурилган йилини, ёшини ва унинг ўрнида дастлаб қандай бино бўлганлигига ойдинлик киритишни мақсад қилган. Ҳисоботида қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Масжиди Қалон ўрнида I минг йиллик биринчи ярмида Қушонлар манзилгоҳлари бўлган. Биринчи масжид маданий қатлампилан топишган Қушонлар даврига оид иккита сопол бўлаги буни тасдиқлайди. Кейинчалик бу манзилгоҳ ўрнида Масжид қад кўтарган.

2. № 3 шурфда биринчи Масжид асоси учун харсангтошлар ишлатилган ва пол қисмига бир хил ўлчамдаги (18,5x2,7 см) ғиштлар терилган. Полнинг қалинлиги 25–30 см. Пол қисмида ганч доғлари ва кўп миқдордаги кул қатлами мавжуд бўлиб, бу XIII асрдаги мўғул босқинидан далолат беради.

Биринчи Масжид поли учун қўйилган ғиштлар кейинги қурилган иморатларга замин бўлган. Биринчи масжиддан топишган ашёлар миқдори кўп эмас.

3. Иккинчи Масжид ёнғиндан кейин қурилади ва айнан биринчисининг ўрнида қўтарилади. Қурувчилар иккинчи масжидни қуришдан олдин ёнган майдонни тозалаб, харсангтош, асос (фундамент) устини тупроқ билан текислаган. Пол устига терилган ғиштлар, шунингдек, археологлар томонидан топишган ашёлар буни тасдиқлайди. Масжиди Қалоннинг шимолий, шарқий ва ғарбий томонлари девори учун хан-

<sup>13</sup> Бухоро музейи, инв. № 11447/7. СНРПМ архиви. инв. № 3091.

<sup>14</sup> Бухоро музейи, инв. № 11447/7. СНРПМ архиви. инв. № 3091.

даклар казилади ва қурилишда хом ғиштлар ҳам ишлатилади. Масжиднинг том қисмидан топилган хом ғиштлар XVI асрга оид. Иккинчи масжид эса XIII аср охири ва XIV аср бошларида қурилган.

4. Учинчи Масжиднинг асоси иккинчи масжид поли бўлиб, унга яна олти қатор ғишт териб ростланган. Бу № 3 шурфдаги маданий қатламида ўз аксини топади. Ҳар бир даврда ишлатилган ғиштларнинг ўлчами турлича бўлиб, иккинчи масжид ғиштлари 28x28x5,5 см, биринчи масжид ғиштлари 19x19x3 см.ни ташкил этади. Замонавий пол билан биринчи пол оралиғидан кўплаб майда сопол бўлаклари топилган, лекин бу топилмаларнинг ёшини аниқлаш имкони бўлмаган. Тадқиқотчининг фикрича, ашёларнинг ёши аниқланган тақдирда, Масжиди Калон қурилган санага ойдинлик киритиш мумкин бўларди.

5. Энг бой маданий қатлам № 3 шурф ҳисобланади. Ундан жуда кўп ашёлар топилган. № 3 шурфдаги иккинчи масжиднинг маданий қатлами 0,63–0,71 см ташкил этган. Масжиди Калон асоси (фундаменти) учун жами бўлиб 14 қатор ғишт терилган<sup>15</sup>.

С.Н. Юренев изоҳ сифатида қуйидагиларни келтиради: тадқиқот давомида № 3 шурфдан топилган иккита ашё диққатга сазовор. Бу қушонлар даврига оид сопол бўлаги бўлиб, бунга ойдинлик киритиш учун Қуйимозор станцияси яқинида ўша даврни тадқиқ қилаётган О.В. Обельченкога ашёлар жўнатилади. О.В. Обельченко сопол бўлақларини ўрганиб қушонлар даврига ҳослигини тасдиқлайди<sup>16</sup>.

Шурфларда олинган барча фотосуратлар Бухоро реставрация участкаси раҳбариятига жўнатилади. Ҳисобот С.Н. Юренев томонидан 1953 йил 19 августда ёзилиб СНРПМ топширилади.

С.Н. Юренев томонидан Масжиди Калондаги тадқиқот ишлари сентябрь ойида давом эттирилади. Ҳисоботдаги маълумотларга кўра, Масжиди Калондаги 1953 йилги қазиш ишлари икки босқичда: биринчи босқич 1953 йил май ойида амалга оширилган ва унда тўртта шурф қазиш керак бўлган, аммо иккита шурф қазилган. Иккинчи босқич ўша йилнинг сентябрь ойида бошланади ва тўққизта шурф қовланади<sup>17</sup>.

СНРПМнинг буйруғи билан бино асоси, фундаментида 0,5 метр чуқур қовлаш ва энг пастки қатламгача етказиш вазифаси қўйилади. Бу ишларни текшириш ва ўлчаш Неумивакин ҳамда Величколарга топширилади.

<sup>15</sup> Бухоро музейи, инв. № 11447/7. СНРПМ архиви, инв. № 3091.

<sup>16</sup> Бухоро музейи, инв. № 11447/7. СНРПМ архиви, инв. № 3091.

<sup>17</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви, инв. № 3797.



С.Н. Юренев маълумотига кўра, қазиш ишларини П.И. Митрофанов ва И.Г. Антипов олиб борган. Қазиш 11 сентябрдан бошланиб, 18 сентябргача давом этади ва тўққизта шурф қовланади. 12 сентябрда Бухорога архитектор И.И. Ноткин келади ва шурфларнинг ҳолати, жойлашган ўрнини қоғозга туширади. 14 сентябрдан 21 сентябргача В.А. Шишкин ва А.В. Нилсон биргаликда қазилган шурфларда текшириш ишлари олиб боришади. 22 сентябрдан 10 октябргача шурфларнинг тавсифи ёзилади ва шурфларни суратга олиш ишлари И.Я. Давидов томонидан амалга оширилади<sup>18</sup>.

СНРПМнинг буйруғи билан октябрнинг охирларида барча шурфлар тупрок билан кўмилади. Ташкилот Масжиди Калондаги барча устунларга рақам қўйишни ва шу рақамлар ёрдамида қазилган шурфларни ҳам номлашни таклиф қилади ҳамда бу иш С.Н. Юреневга топширилади.

С.Н. Юренев СНРПМнинг таклифи билан рақамлашни шахмат тахтасига ўхшаш шаклда амалга оширди. Масжиди Калонда шимолдан-жанубга 18 та устун рақамлар билан ва шарқдан-ғарбдаги 29 та устун кирилл алифбосидаги *а* дан то *ъ* ҳарфигача номланди. Шурфлар ҳам ҳарф ва рақамлар билан номланди. Тадқиқотчи ўз ҳисоботида бунинг хомаки чизмасини чизиб кўрсатади<sup>19</sup>.

С.Н. Юренев ҳисоботни ёзишда биринчи босқичдаги маданий қатламлар экспедициянинг иккинчи босқичида ҳам такрорлангани учун қисқа маълумотларга асосланди.

Тадқиқотчи тарихий маълумотлар ва катта ёшли бухоролик аҳоли маълумотларига асосланиб, Масжиди Калон, Минораи Калон билан бир вақтда 1127 йилда қурилган деган хулосага келади. Ёнғин натижасида вайрон бўлган бинони биринчи масжид деб қайд қилади ва биринчи босқич №3 шурфдаги маълумотларни келтиради. Бино учун ишлатилган ғиштларнинг ҳажми, маданий қатламдан топилган ашёлар ва ёнғин содир бўлган санани маданий қатламдаги топилмаларга асосланиб XIII охири – XIV аср бошлари деб қайд қилади. Бухоронинг вайронага айлантирилиши 1273 йил бўлса, етти йил давомида хароба ҳолида қолган.

Тадқиқотчининг фикрича, иккинчи масжид XIII аср охири, яъни 1280 йил ёки XIV аср бошларида қурилган. Буни биринчи ва иккинчи босқичдаги барча шурфлардаги маданий қатламларда кўриш мум-

<sup>18</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

<sup>19</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

кин. С.Н. Юренев фикрича, иккинчи масжид 100–150 йилдан кейин бузилган, бунга пойдеворнинг мустаҳкам эмаслиги ва чўкиш сабаб бўлган<sup>20</sup>.

Археологик текширишлар шундан далолат берадики, учинчи масжид услуби, қурилиш техникаси ва бино равоқларининг мутаносиблиги билан олдингиларидан ажралиб турган. Масжид қурилишида қадимий декорация, сирланган гулдор сополнинг ишлатилганлигига қараб тадқиқотчи бинони XV аср биринчи ярмида ростланган деб ёзади. С.Н. Юренев Б.Н. Засипкиннинг бино Улуғбек даврида қурилган деган фикрини маъқуллайди ва В.А. Шишкиннинг бино қурилган санани 1514 йил деган маълумотини ўз ҳисоботида қайд қилади<sup>21</sup>.

Тадқиқотчи бир-бирига қараган Мир Араб мадрасаси ва Масжиди Калон, гарчи улар турли даврларда қурилган бўлса-да, ягона архитектура мажмуасини ташкил этишини таъкидлайди.

С.Н. Юренев масжид меҳробининг кошинлар ва нақшлар билан безатилган тоқчасида уста наққош Боязид Пуроний имзоси борлигини қайд қилади. В.А. Шишкин ҳам масжиднинг 1541 йил мрамардан қилинган пештоқида шайх Пуроний имзоси борлигини ёзиб қолдирган. Бундан келиб чиқадики, Боязид Пуроний масжидни кошинлар ва нақшлар билан безашда иштирок этган. Меҳробдаги кошинлар ва нақшлар XVI аср биринчи ярмига тааллуқли деган фикрни илгари суради<sup>22</sup>. С.Н. Юренев масжиднинг тузилишидаги бир-бирига мос бўлмаган айрим жиҳатларни аниқлаган. Бинонинг шарқий томони ва ундаги арканинг тузилиши масжиднинг қолган томонларига ўхшамайди. Тўлиқ шарқий томон ва унга туташган жанубдаги иккита арканинг қурилиш санасини XII асрга оид деб кўрсатади. Қолган қисмлар XVI аср биринчи ярмида қурилган деб қайд қилади.

Масжидда катта таъмирлаш ишлари XVII асрда амалга оширилган. XX аср бошларида уста Ширин Муродов таъмирлаш ишларини давом эттирган. Масжиднинг ғарбий қисми, айрим гумбазлар ва бино поли таъмирланган. Тадқиқотчи шу таъмирлаш пайтида рус ғиштларидан фойдаланилганлигини ёзиб қолдирган<sup>23</sup>.

Ҳисоботда ҳар бир шурфга алоҳида тўхталиб, топилган ашёлар биринчи, иккинчи, учинчи масжидда ишлатилган қурилиш ашёлари

<sup>20</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

<sup>21</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

<sup>22</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

<sup>23</sup> Бухоро музейи, инв. № 11449/7. СНРПМ архиви. инв. № 3797.

ва материаллари, қурилишдаги камчиликлар, хатоликлар ҳақида фикр юритилади.

21 октябрда Бухорога СНРПМнинг топшириғи билан Тошкентдан геолог А.И. Лугин келади. Унга тўртта шурф қовлаш вазифаси юклатилган эди. Шурфларни иккитаси Масжиди Калонда, биттаси Минораи Калонда ва яна биттаси Мир Араб мадрасасида қазилиши керак эди. Топшириқда қазилган ишларини ер ости сувлари чиққунча давом эттириш кераклиги айtilган эди.

Археологик қазилган ишлар ва кузатиш ишлари С.Н. Юрениевга топширилади ва унга маслаҳатчи қилиб В.А. Шишкин тайинланади. В.А. Шишкин қазилган ишлари якунлангандан кейин қилиши керак эди<sup>24</sup>. С.Н. Юрениев билан А.И. Лугинлар қовланиши керак бўлган ерларни белгилашади ва қовловчи мутахассислар Аҳмеджанов ва Камоловлар геолог А.И. Лугин билан Тошкентдан келган эди.

С.Н. Юрениев маълумотига кўра, дастлаб иккита шурф, № 1 Минораи Калоннинг шимолида ва № 2 Масжиди Калоннинг шимоли-шарқий қисмида қовланади. Ишни бошлашдан олдин СНРПМ директори К.К. Кульбацкий хизматга оид маълумотларни ва ишнинг бориш жараёнини тушунтиради. Иккала шурфда ҳам барабар иш бошланади ва кейинчалик шурфлар чуқурлаша борган сари улар алоҳида-алоҳида қовланади. Минораи Калон олдидаги шурф 28 октябрда, Масжиди Калон олдидагиси 31 октябрда якунланади ва шундан сўнг СНРПМ ва Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш кўмитасидан қазилган ишларини тўхтатиш тўғрисида телеграмма келади ва иккита шурфда қазилган ишлари амалга оширилмай қолади. Иш тўхтатилгандан кейин ноябрь ойининг бошлари билан қовловчилар ва уларнинг орқасидан геолог А.И. Лугин ҳам қайтиб кетади. А.И. Лугинга Масжиди Калоннинг энг пастки сатҳига қазилган ишларини амалга ошириш ва Бухоронинг дунё океани сатҳидан қанча баландлигини аниқлаш вазифаси топширилган эди<sup>25</sup>. Бундан, Масжиди Калон атрофида олиб борилган қазилган ишларидан кўзланган асосий мақсад шаҳар ёшини эмас, балки дунё океани сатҳидан қанча баландда турганини аниқлашдан иборат бўлганини кўриш мумкин.

СНРПМ ва Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш кўмитасининг кўрсатмасисиз қазилган шурфларни тупроқ билан кўмиш мумкин

<sup>24</sup> Бухоро музейи, инв. № 11445/7. СНРПМ архиви. инв. № 3808.

<sup>25</sup> Бухоро музейи, инв. № 11445/7. СНРПМ архиви. инв. № 3808.

бўлмаган. Тадқиқот якунига етмаган бўлса-да, С.Н. Юренев бу экспедиция ҳақида анча маълумотларни ёзиб қолдиради.

Масжиди Калондаги шурф бинонинг шимолий қисмида ковланади. Масжиддаги шурф қарийб 11,5 метр ковланади ва ер ости суви чикқач тўхтатилади. Жуда кўп миқдорда сопол бўлаклари ва қурилиш қолдиқлари топилади. 10,5 метрда кичкина тувакчалар, сопол бўлаклари ва қушонлар давридаги дафн жойи, сизир ва кўй суяклари ҳамда 11 метр чуқурликдан унча катта бўлмаган сомонли пишиқ ғишт топилган<sup>26</sup>.

Бир муддат танаффусдан сўнг 1959 ва 1960 йиллари<sup>27</sup> яна Масжиди Калонда тадқиқот ишлари давом эттирилади. Барча археологик экспедиция ишларига СТРПМ ташкилоти раҳбарлик қилади.

Хулоса қилиб айтганда, С.Н. Юренев Масжиди Калонни ўрганишда бор билим ва малакасини ишга солди. Уни Масжиди Калоннинг ёши ва қурилган санаси қизиқтирганлигини ҳисоботларидан билиб олиш мумкин. С.Н. Юренев Масжиди Калон ёшини аниқлаш учун кўп археологларнинг тадқиқот ва кундаликларини ўрганган. У Бухоролик ёши катта отахонлар билан кўп суҳбатлашган ва Масжиди Калон тўғрисида турли ривоятларни тўплаган. Уни тадқиқотларга чақирмасалар ҳам ўлкани ўрганиш хиссининг юқорилиги сабабли ўзи бориб кузатган. Олиб борилган тадқиқотларнинг бирортасини журнал ёки тўпламларда нашр эттирмаган. Чунки у ўзини соҳа ривожидан анча орқада қолаётгандай ҳис қилган. Шунга қарамай, С.Н. Юренев тадқиқотлари археологик изланишлар принципига мос келиши билан профессионал археолог даражасига кўтарила олганини кўрсатади ва юқорида тилга олинган ёдгорликларнинг меъморий шарҳи уларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>26</sup> Бухоро музейи, инв. № 11445/7. СТРПМ архиви. инв. № 3808.

<sup>27</sup> Бухоро музейи, инв. № 11441/7., Бухоро музейи, инв. № 11443/7.



А. БОЛТАЕВ

**XX АСР 50–60-ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДАГИ МАСЖИДИ  
КАЛОННИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ  
(С.Н. ЮРЕНЕВ ҲИСОБОТЛАРИ АСОСИДА)**

Мақолада ўлкашунос олим С.Н. Юренев ва унинг Бухорода олиб борган археологик экспедициялардаги иштироки ёритилган. Муаллиф архив материалларига таянган ҳолда олимнинг Масжиди Калонда олиб борган изланишларини батафсил баён қилади. С.Н. Юреневнинг ҳисоботлари асосида Масжиди Калоннинг қурилиш санаси ва техникасига доир маълумотларни келтиради. Мақолада ўлкашунос, археолог С.Н. Юреневнинг Масжиди Калондаги экспедиция давомидаги тадқиқотлари натижаси илк бор илмий жамоатчиликка тақдим қилинган.

*Калит сўзлар:* Масжиди Калон, Минораи Калон, Мир Араб, ўлкашунос, археология, шурф, зондаж, фундамент, СНРПМ, ток, меҳроб, экспедиция, маданий қатлам, Боязид Пуроний, В.А. Шишкин, Б.Н. Засипкин.

А. БОЛТАЕВ

**АРХЕОЛОГИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ МЕЧЕТИ КАЛЯН  
В БУХАРЕ В 50–60-е ГОДЫ XX ВЕКА  
(ПО МАТЕРИАЛАМ ОТЧЁТОВ С.Н. ЮРЕНЕВА)**

В статье освещается участие краеведа С.Н. Юренева в археологических экспедициях в Бухаре. Автор, опираясь на архивные материалы, анализирует деятельность С.Н. Юренева и на основании его докладов приводит сведения о дате и технике строительства мечети Калян. В данной статье отчеты С.Н. Юренева впервые представлены научной общественности.

*Ключевые слова:* Мечеть Калян, Минарет Калян, Мир Араб, краевед, археология, шурф, зондаж, фундамент, СНРПМ, купол, алтарь, экспедиция, культурный слой, Боязид Пуроний, В.А. Шишкин, Б.Н. Засипкин.

A. BOLTAEV

THE ARCHAEOLOGICAL RESEARCH OF KALON MOSQUE IN  
THE 50–60-s OF 20<sup>th</sup> CENTURY  
(BASED ON THE REPORTS OF S.N. YURENEV)

In the following article country studies scientist S.N. Yurenev and his archaeological research conducted in Bukhara are illuminated. The author describes in detail the research carried out by the scientist in the Kalon mosque relying on the archival materials. On the basis of Yurenev's reports, the author brings information on the date and technique of construction of the Kalon mosque. The result of Yurenev's research in the continuation of the expedition to the mosque Kalon was first presented to the scientific community.

**Key words:** Kalan mosque, Kalan Minaret, Mir Arab, country studies scientist, archeology, pit, probe, foundation, SNRPM, dome, kindness, expedition, cultural layer, Boyazid Puroniy, V.A. Shishkin, B.N. Zasyppkin.

### 3. ҚОРЁҒДИЕВ

#### БУХОРО ВОҲАСИ ЛЎЛИЛАРИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Жахон миқёсида титул этнослардан тортиб, турли этник гуруҳларнинг ижтимоий ҳаёти ва маданияти, уларнинг шаклланиши ҳамда этномаданий ўзлигини англашни тадқиқ этиш этнографик изланишларнинг долзарб масалаларидан бўлиб келмоқда. Жамиятдаги трансформацион жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг турли халқлар турмуш тарзига таъсирини ҳамда маданиятлараро муносабатларни ўрганишга эътибор Ўзбекистонда ҳам тобора кучайиб бормоқда. Зеро, “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”<sup>1</sup>. Шунинг учун таъкидлаш мумкинки, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>2</sup> ҳамда ундаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш тамойиллари этнологик тадқиқотларга кенг йўл очиб бергани ҳолда мамлакат этнологлари олдига муҳим вазифаларни қўйди.

Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, этник гуруҳлар, диаспоралар истиқомат қилишади. Уларнинг ўзига хос маданияти, турмуш тарзи, урф одатлари ва анъаналари тарихи этнологлар томонидан катта эътибор билан ўрганилаётган масалалар сирасига қиради.

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-этнографик минтақаларидан бири Бухоро вилоятида истиқомат қилиб келаётган лўлиларга оид этнографик билимларнинг тўпланиши, улар ҳаёт тарзининг турли жиҳатларини ёритувчи масалалар акс этган тадқиқотлар таҳлил қилинади. Бухоро вилоятида яшаётган лўлилар ҳақидаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Ҳақимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 264-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947 – сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль. 28 (6722)-сони.

тадқиқотларни улар мазмунидан келиб чиқиб уч гуруҳга бўлиш мумкин: “Лўли” этноними талқинига бағишланган ишлар; лўлиларнинг миграцияси масалалари акс этган адабиётлар ҳамда уларнинг моддий ва маънавий маданиятига бағишланган тадқиқотлар.

Дастлабки гуруҳ адабиётларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўрганилаётган этник гуруҳ “лўли”, “жўғи”, “мазанг”, “мўлтони”, “мугат” каби турли номларда аталган. Бу этнонимлар луғавий маъноси турлича бўлса-да, айнан лўлиларга нисбатан атрофдаги халқлар ёки уларнинг ўзлари томонидан ишлатилган. Шулардан энг қадимги этноним “лўли” бўлиб, дастлаб бу ном Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида келтирилган. Унда Ҳиндистондан совға сифатида Эрон шоҳи Баҳром Гўрга (хукмронлиги V аср) юборилган 10 минг қўшиқчи ва раққослардан иборат лўлилар ҳақидаги байтлар мавжуд. А.П. Баранниковнинг фикрича, ҳозирги Эрон ва Ўрта Осиё лўлилари айнан ўша инъом қилиб юборилган лўлиларнинг авлодлари ҳисобланадилар<sup>3</sup>. Шунингдек, рус этнографи Ф. Гельвальд қабилалар ва халқлар тарихига бағишланган асарида “Лурилар” ва “Луристонликлар” ҳақида маълумот берган. Катта лури – “лури бахтари” ва кичик лури – “лури феили” деб аталувчи икки гуруҳга бўлинган ушбу қавмнинг лўлиларга мансублиги ҳақидаги мулоҳазани келтириб ўтган<sup>4</sup>. “Лури” сўзи форс тилининг изоҳли луғатида – дарбадар ашулачи, раққос, камбағал деган маъноларни англатади<sup>5</sup>. Эҳтимол, бу гуруҳларнинг номлари давр ўтиши билан ўзгариб, “лўли” этнонимининг пайдо бўлишига асос бўлгандир.

Тожик тилли халқлар орасида лўлилар кўпинча “жўғи” номи билан аталадилар. Бу атаманинг ҳам турли талқинлари мавжуд. Баъзи муаллифларнинг фикрича “жўғи” атамаси – “Joga” (“йога”), “ҳинд сеҳргари”, “афсунгар табиб”, “башоратчи-қароматгўй” каби маънолар касб этади<sup>6</sup>. Буни айнан, лўлиларнинг табобат ва фолбинлик одатларига карата берилган баҳо, деб ҳисоблаш мумкин. Ш. Атахановнинг тадқиқотида “жўғи” сўзи, бир томондан, “йога” маъносида, иккинчи томондан, хинд тилида “дарвеш, тиланчи” маъносида қўлланилиши

<sup>3</sup> Баранников А.П. Цыганы СССР (краткий историко-этнографический очерк). М.: Центриздат, 1931. 33-бет.

<sup>4</sup> Гельвальд Ф. Естественная история племен и народов. Том II. СПб.: Издание А.С. Суворина, 1883. 534-бет.

<sup>5</sup> Снесарев Г., Троицкая А. Среднеазиатские цыгане // Народы Средней Азии и Казахстана. Том II. М.: Изд. Академии наук СССР, 1963. 598-бет.

<sup>6</sup> Хошимов И. Лўлилар дунёсига саёҳат. Тошкент: Мухаррир, 2013. 29-б.



қайд қилинган<sup>7</sup>. Умуман олганда, ҳар иккала талқинда ҳам жўғилар Ҳиндистон ва мазкур минтақада кенг тарқалган йога таълимотига боғлиқ эканликларига урғу берилади.

Лўлиларнинг яна бир этноними – “мазанг” этноними талқини илмий адабиётларда бирмунча кам ёритилган. Лекин шунга қарамадан, айрим мутахассисларнинг тадқиқотларида ушбу термин талқинига бағишланган баъзи маълумотлар қайд қилинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, таниқли топонимист олим С. Қораевнинг “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” китобида Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида жойлашган *Мазангкўча* деган жой номи ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, “мазанг” сўзининг асл маъноси “тамба”, “лўкидон” демакдир. Баққолчилик, шунингдек, кишлоқ хўжалиги билан шуғулланган ўтрок лўлилар мазанг дейилган. Мазангкўча – “лўлилар кўчаси”<sup>8</sup>. Демак, лўлилар орасида савдо-сотик ва деҳқончилик билан шуғулланган гуруҳлар ҳам бўлиб, улар ўтрок ҳолда ҳаёт кечирганлар ва ўзларининг маҳаллаларига эга бўлганлар. Ўтрок ҳаёт бугун қарийб барча Бухоро лўлиларига тегишли бўлса-да, мазанглар аввалдан ўтрок бўлишган.

Хорижий тадқиқотчилар Е. Марушиакова, В. Поповларнинг мақоласида лўлиларнинг келиб чиқиши, тили, ўзлигини англаши, ҳаёт тарзи ва асосий машғулотларига кўра 3 этник гуруҳга бўлиниши борасида фикрлар қайд қилинган бўлиб, улар *Ўрта Осиё лўлилари* – “лўли”, “жўғи”, “мўлтони”, “ғурбат”; *Оралик гуруҳлар* – “товоқтарош / косатарош / соғутарош”, “мазанг”, “оға / қошғар лўли”; *Лўлисифат гуруҳлар* – “чистони”, “кавол”, “бўлуж”, “парья” кабилардан ташкил топган. Бу этник гуруҳлар Бухоро воҳасида ҳам яшаши ва улар ўзларини “Бухорои” деб аташлари ҳақида фикрлар қайд қилинган<sup>9</sup>. Бирок, бу маълумотларни буткул тўғри, деб бўлмайди. Бухоро вилоятида юқорида санаб ўтилган этнонимлардан лўли, жўғи, мазанг, мўлтони каби этнонимлар бор, холос. Улар ўзларини “бухорои” деб эмас, балки “муғат” (муғ – “олов ёки оловга топинувчи, оташпараст” маъносини билдиради) деб атайдилар. Яна лўлиларнинг ўнга яқин кичик уруғлари борки, бу этнонимлар ҳақида адабиётларда бирор маълумот учратилмади ва

<sup>7</sup> Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент, 2005. 39-б.

<sup>8</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. 58-б.

<sup>9</sup> www.academiya.edu. Marushiakova E., Popov V. Central Asian gypsies: identities and migrations.

фақат дала тадқиқотлари давомида аниқланди. Дала тадқиқотларини батафсил ёзиб, тарихшунослик қоидаларини бузмаслик мақсадида, бу маълумотлар кейинги тадқиқотларда ёритилади.

Лўлиларга бағишланган тадқиқотлар орасида иккинчи гуруҳ – миграция масалалари акс этган адабиётларда лўлиларнинг келиб чиқиши, тарихий ватани, у ерни қачон ва қандай тарқ этганликлари ўрганилади. Бу масалаларни таҳлил қилиш асносида Ўзбекистонга, хусусан Бухорога лўлиларнинг кириб келиши босқичлари ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Айтиш жоизки, лўлиларнинг келиб чиқиш тарихи фандаги анча мунозарали масала бўлиб, бу масалада олимлар томонидан турлича қарашлар илгари сурилган. Масалан, А. Шиле<sup>10</sup> лўлиларнинг келиб чиқиши масаласига тўхталиб, уларнинг азалий ватани Ҳиндистон эканлигини асослашга ҳаракат қилган. Унинг қайд этишича, Амир Темур қўшини Ҳиндистонга кириб бориши билан уддабурон лўлилар ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ихтиёрий равишда айғоқчи-жосуслар ва армияга озиқ-овқат етказиб берувчилар сифатида унинг хизматида ўтганлар. Бу вазифалар лўлилар учун ҳам манфаатли эди, ҳам уларнинг турмуш тарзига ҳамоҳанг эди. Лўлилар Амир Темур қўшини билан бирга ўша вақтда мамлакат пойтахти Самарқанд ва йирик шаҳар Бухоро ҳудудларига келиб қолганликлари эҳтимолдан холи эмас.

Лўлиларнинг келиб чиқишини Г.П. Снесарев ҳамда А.Л. Троицкаялар<sup>11</sup> нисбатан батафсил ёзганлар. Уларнинг фикрича, лўлиларнинг тарихий ватани Ҳиндистон бўлиб, бунга асос сифатида антропологик тузилиш, айрим одатлардаги (хол кўйиш) ўхшашликлар билан бирга, юқорида айтилган А.П. Баранниковнинг асарида келтирилган маълумотларга таянадилар. Лўлилар Ўрта Осиё ҳудудларига темурийлар даврида келиб ўрнашганлар. Айнан ўша даврдан бошлаб тарихий асарларда, яъни “Бобурнома” (XVI аср), Абулғозининг “Шажараи турк” (XVII аср), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” (XVIII аср) кабиларда лўлиларнинг номи тилга олинган. Тадқиқотчилар лўлилар миграциясининг қадимийлигини асл тилини йўқотганликлари ва маданиятининг бошқа элементлари атрофдаги халқларга

<sup>10</sup> Шиле А. Цыгане // Народы России. Этнографические очерки. СПб.; Издание редакции журнала “Природа и люди”. Типография товарищества Общественная польза, 1878. 451-бет.

<sup>11</sup> Снесарев Г., Троицкая А. Среднеазиатские цыгане // Народы Средней Азии и Казахстана. Том II. М.: Изд-во Академии наук СССР, 1963. 599-бет.

коришганлиги билан изоҳлайдилар. Шунинг учун, лўлилар ўзларини Ҳиндистон билан боғлиқ деб билмайдилар ва аждодларининг ватани Ўрта Осиё эканлигига ишонадилар.

Юқоридаги барча тадқиқотчилар лўлиларнинг дастлабки миграцияси темурийлар даврида бўлганлиги ҳақидаги назарияни илгари сурганлар. Бу фикрларнинг ҳақиқатга яқинлигига дала тадқиқотлари жараёнида амин бўлдик. Кекса ёшли лўлилар вакиллари билан суҳбат чоғида турли афсона ва ривоятлари ёзиб олинди. Уларнинг барчаси Амир Темур ёки Захириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ. Ҳар бир афсона авлоддан-авлодга ўтиб келиши ва уларнинг замирида ҳақиқат ётганлиги инобатга олинса, бу назария ҳозирча энг мақбули ҳисобланади.

И.П. Магидович бошчилигидаги Ўрта Осиёни районлаштириш комиссиясининг олдида Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудида янги давлат тузилиши чегараларини белгилаш, аҳолини рўйхатга олиш, ҳар иккала ҳудуд аҳолисининг миллий таркиби ҳамда нуфузини аниқлаштириш, кичик маъмурий бўлинмаларни хариталаш, этнографик харита тузиш, миллий чегаралашдан олдинги ва кейинги кичик маъмурий бирликларнинг (волост, кент, шўро, район) аниқ тавсифини бериш мақсадида экспедиция уюштириш вазифаси кўйилган эди. Ушбу комиссия фаолияти натижалари бўйича 1926 йилда чоп этилган материалларда лўлиларнинг Бухоро ҳудудларига миграцияси хусусидаги айрим маълумотлар учрайди. Экспедиция минтақада яшовчи маҳаллий аҳоли ва турли халқлар, гуруҳлар билан бирга лўлилар ҳақидаги маълумотни ҳам тўплаганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, ушбу ҳисоботда Бухорода мавжуд “Қоратоғ лўлилари” деб номланган этник гуруҳ қайд қилинган. Улар Қоратоғ ҳудудларидан (ҳозирги Тожикистон – З.К.) кўчиб келишгани боис шундай номланганлар<sup>12</sup>. Бироқ, уларнинг бу ҳудудга қачон кўчиб ўтганликлари аниқ ёзилмаган. Берилган маълумотлардан лўлиларнинг бу ҳудудларга XIX аср ўрталарида келганликларини тахмин қилса бўлади.

Миграция жараёнлари кейинги даврларда ҳам давом этган. Х. Назаровнинг<sup>13</sup> маълумотларига кўра, лўлилар Ўрта Осиёга бир пайтда ва бир йўл билан кириб келмаганлар. Уларнинг миграцияси кўшни давлатлар – Эрон ва Афғонистон орқали амалга ошган. Масалан, лўли

<sup>12</sup> Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн I. Материалы по районированию Средней Азии. Ташкент, 1926. 218-бет.

<sup>13</sup> Назаров Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1980. 170-бет.

гурухларидан бири ўзларини *афғони (ковули)* деб аташади. Бундан ташқари лўли гурухлари азалий ватанлари бўлган Ҳиндистонни тарк этгач, Ўрта Осиёга келишларидан олдин, оз ёки кўп вақт мобайнида Араб мамлакатларида кун кечирган бўлишлари ҳам мумкин. Бунга лўлиларнинг шеvasида араб тилига хос бўлган кўплаб сўзларнинг учраши ва улар ўзларининг яширин тилларини “*арабча*” деб, ўзларини эса “*арабларнинг амакиваччалари*” деб номлашлари далил бўлади.

Умуман олганда, лўлиларнинг миграцияси ҳақида хулоса шундан иборат: Уларнинг тарихий ватани Ҳиндистондир. У ерни тарк этиш даври V асрдан бошланиб (Фирдавсийнинг “Шохнома сига”<sup>14</sup> асосланганда), уларнинг бир қисми Эрон орқали Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган бўлишлари мумкин. Лўлиларнинг Бухоро ҳудудига дастлабки йирик кўчишлари ва ўрнашишлари Амир Темурнинг Ҳиндистонни эгаллаши, яъни XIV асрга тўғри келади. Бу жараён унинг авлодлари даврида ҳам давом этган. Кўчишлар кейинги асрларда ҳам тўхтаб қолгани йўқ. XIX аср охирида ҳам Бухоро ҳудудларига лўлиларнинг кириб келганликларини архив маълумотлари<sup>15</sup> тасдиқлайди. Чунончи, 1901 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг алоҳида топшириқлар бўйича масъул ходими М.И. Шанявский Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлиги раҳбари Владимир Ивановичга лўлиларга оид 7 банддан иборат сўров хати юборган. Бу сўровларга Бухорода мавжуд лўлилар тўғрисида маълумотлар жамланган ҳолда жавоб хати ҳам жўнатилган. Бу маълумотлар ҳудудда лўлиларнинг фаол жойлашуви ва уларга ҳукуматнинг қизиққанлиги ҳақида хулоса беради. XX аср бошларидан миграция жараёнлари буткул тўхтаган. Бунинг асосий омили – совет ҳукумати томонидан миллий чегараланишнинг ўтказилиши ва 1926 йил ҳукуматнинг лўлилар маиший ҳаётини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиши эди. Айниқса, 1956 йилги “Лўлиларни ўтrockлаштириш тўғрисида” қарор<sup>16</sup> бу этник гурухни муқим жойлашишига туртки бўлди.

А. Дониёров, А. Аширов ва О. Бўриевлар ҳаммуаллифлигида нашр қилинган Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихига бағишланган ўқув қўлланмада лўлиларнинг этник

<sup>14</sup> Фирдавсий Абулкосим. Шохнома. Учинчи китоб. Тошкент: Фафур Ғулом нашриёти, 1977. 226-бет.

<sup>15</sup> Ўз МА. И-3-ф., 1-р., 186-иш, 85–88-варақлар.

<sup>16</sup> Жукова Л.И. Цыгане среднеазиатские // Этнический атлас Узбекистана. Институт «Открытое общество» – Фонд содействия Узбекистан. Ташкент, 2002. 245- бет.



тарихи ҳақида ҳам айрим диққатга сазавор маълумотлар берилган<sup>17</sup>. Шунингдек, ушбу асарда лўлиларнинг келиб чиқиши, миграцияси, тарихий кечмиши, ижтимоий ҳаёти манбалар асосида баён қилинган бўлиб, уларнинг дастлабки қисми Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши вақтида асирга олинган аҳоли билан бирга келиб қолган деган тахмин илгари сурилган. Худди шу даврда Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Кўкон, Қарши каби шаҳарлар қаторида Бухорода ҳам лўлиларнинг маҳаллалари ташкил топганлиги қайд қилинган.

Учинчи гуруҳ адабиётлари, яъни лўлиларнинг моддий ва маънавий маданиятига бағишланган тадқиқотларда уларнинг иқтисодий ҳаёти, хўжалик машғулотлари, эътиқоди ҳақидаги маълумотлар акс этган. Жумладан, бу борада П. Шубинский, А. Семенов ва А. Вамберилар ўз асарларида Бухоро воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва географик жиҳатларини баён қилиб, минтақада истикомат қилган лўлиларнинг машғулотлари, эътиқоди, ташки кўриниши ҳақида жуда қисқа маълумотлар келтирганлар<sup>18</sup>.

Н. Ханиковнинг<sup>19</sup> Бухоро хонлигига бағишланган асарида “Жўги”, “Мазанг” ва “Лўли” каби лўли қавмларининг турмуш тарзи ва кўриниши жиҳатидан бир-биридан фарқланишига эътибор қаратилган. Қолаверса, лўлиларнинг анъанавий машғулотлари ҳақида маълумот бериш асносида, улар асосан зулук кўйиш, фолбинлик ва от жаллоблик каби юмушлар билан шуғулланишганлиги хусусида маълумотларни қайд қилади.

Диққатга сазавор томони шундаки, айнан шунга ўхшаш маълумотларни А. Гребенкин<sup>20</sup>, А. Хорошхин<sup>21</sup>, Л. Соболевларнинг<sup>22</sup> асарларида ҳам учратиш мумкин. А. Гребенкин Зарафшон округида истикомат

<sup>17</sup> Дониёров А., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Янги нашр, 2011. 205-бет.

<sup>18</sup> Шубинский П. Очерки Бухары. СПб.: Типография А.С. Суворина, 1892. 387-бет; Семёнов А. По границам Бухары и Афганистана. Путевые очерки. М., 1898. Эл. ресурс: [http://drevlit.ru/docs/central\\_asia/XIX/1880-1900/Semenov\\_A\\_A/po\\_gr\\_afg\\_1.php](http://drevlit.ru/docs/central_asia/XIX/1880-1900/Semenov_A_A/po_gr_afg_1.php); Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. М.: Восточная литература, 2003. 138-бет.

<sup>19</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб.: Типографии императорской академии наук, 1843. 73-бет.

<sup>20</sup> Гребенкин А.Д. Мелкие народности Заравшанского округа // Русский Туркистан. Сборник. Вып. II. М.: Университетская типография (Катков и К), 1872. 116-бет.

<sup>21</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. 146, 153-бетлар.

<sup>22</sup> Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе (с приложением списка населенных мест округа). СПб., 1874. 150-бет.

килувчи майда миллатлар ҳақида ёзар экан, “Мазанг”, “Лўли” ҳамда “Жўчи” каби этник гуруҳларнинг турмуш тарзи ва машғулотларига тўхталади. Айтилишича, мазанлар (яъни, мазанглар – З.Қ) Зарафшон округига XIX асрнинг 50-йилларида келиб жойлашганлар. Бунга қадар, улар Бухоро ҳудудларида яшаганлар. Мазанлар округнинг Дагбит ва Ҳолвои кишлоқларида деҳқончилик қилиб умргузаронлик қилганлар. Аёллари уйма-уй юриб, майда савдогарлик билан шуғулланганлар. Лўлилар эса, кўчманчи гуруҳ бўлиб, тиланчиликни касб қилганлар. Жўчилар (яъни, жўгилар – З.Қ) деҳқончилик ва ёғоч буюмлар, арава ғилдиракларини яшаш, тўқимачилик ва темирчилик ҳунарлари билан машғул бўлганлар. Шунингдек, А. Хорошхиннинг асарида ҳам Зарафшоннинг ўнг қирғоғида, Суғут туманининг марказида жойлашган 9 та даҳалардан бири Ҳолвои даҳасида ва у ерда истиқомат қилувчи мазанглар (лўлилар) ҳақида маълумотлар қайд этилган. Ушбу даҳа Қўшоқ, Зармоқ, Чала-кўргон каби кишлоқлардан иборат бўлиб, лўлилардан ташкари тожик, ўзбек, қирқ-юз, эрони каби этник гуруҳлар яшаганлар. Бирок, лўлилар ҳақидаги маълумот шу қисқагина баён билан чекланган холос. Л. Соболев эса, юқоридаги маълумотлардан фарқли равишда, этник гуруҳларнинг сонларини келтиради. Яъни, мазанглар 200 нафарни, лўлилар 500 нафарни ташкил этиши ва жўгилар сони номаълумлигини ёзади. Фикримизча, бу муаллифнинг асарлари Н. Ханиковнинг маълумотларига таяниб ёзилганга ўхшайди. Маълумотлар, асосан бир-бирини такрорлаб, шу билан бирга тўлдириб турганлиги сезилади.

Хуллас, юқорида айтилганидек, лўлиларнинг Бухоро ҳудудларига кўчиб келганликларига кўп вақт бўлганлиги туфайли, улар ўз маданиятларининг айрим унсурларини унутганлар. Хусусан, тил борасида маҳаллий аҳолига анча қоришиб, асосан, тожик ва ўзбек тилларида сўзлашадилар. Уларнинг лингвистикаси жуда кам ўрганилган. Бирок, И.М. Оранскийнинг<sup>23</sup> Ҳисор водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида истиқомат қилувчи этник гуруҳлар тилшунослигига оид асаридан оз бўлса-да, Бухоро жўгиларининг яширин тили (арго)\* бўлганлиги ҳақида маълумотларни олиш мумкин.

<sup>23</sup> Оранский И. Таджикиязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). Этнолингвистическое исследование. М.: Ордена трудового красного знамени. Ин-т востоковедения, 1983. 32, 60-бетлар.

\* Арго – (фран. argot - жаргон) маълум тоифа кишиларигагина тушунарли сўзлар мавжудлиги билан умумхалқ тилидан фарқ қилувчи, бирор ижтимоий гуруҳга хос ясама тил. Кўчиб юрувчи савдогарлар ва хунармандлардан иборат лўлилар касб-хунарга оид фаолиятларини атрофдаги халқлардан махфий сақлаш воситаси сифатида аргодан фойдаланишган.

Лўлилар нафақат сўзлашув жиҳатдан, балки эътиқод жиҳатдан ҳам маҳаллий аҳолига яқинлаша борганлар. Уларда оташпарастлик, турли инс-жинсларга ишониш кучли бўлган. Лўлиларнинг қадимий эътиқоди хусусида айрим маълумотларни берган Г.П. Снесарев<sup>24</sup> исломга қадар анималистик қарашлари устун бўлганлигини ёзади. Яъни, уларнинг баъзи этник гуруҳлари жайра гўштини истеъмол қилмаганлар. Сабаби қачонлардир бу жонзотнинг инсон бўлганлигига ишонганлар. Бугунги кунга келиб лўлилар ислом дини сунний мазҳабига эътиқод қилиб, барча мусулмонлар сингари диний амалларни бажарадилар.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларида яшайдиган лўлилар ҳақида тадқиқотлар етарлича амалга оширилган бўлса-да, Бухоро лўлиларнинг моддий ва маънавий маданияти тарихи этнографик материаллар асосида изчил ўрганилмаган. Ҳолбуки, бу ҳудуднинг ўзига хос локал хусусиятлари, бошқа лўлилар маданиятидан ажралиб турадиган жиҳатлари кўп. Уларни изчил тадқиқот қилиш фаннинг бу соҳадаги кемтигини тўлдиради.

Лўлилар ҳақидаги тадқиқотларни таҳлил қилиш асносида, уларда асосан этник тарих, уларнинг миграцияси, хўжалиги, тили, урф-одатлари ўрганилган деган хулосага келдик ва ўрганилиши лозим бўлган муаммолар доирасини аниқладик. Жумладан, лўлилар билан ёнма-ён яшаб келаётган халқларнинг улар ҳақидаги фикри қандай, уларнинг лўлилар билан ўзаро муносабатлари қай даражада, лўлилар ҳақида нималарни билади, деган саволлар ўз ечимини кутмоқда. Бунинг учун ҳудудлар кесимида социологик сўровномалар ўтказиш керак бўлади.

Ҳудудларни аниқлаш ва этник хариталаш эса яна бир долзарб вазифалардандир. Бунда ўрганилаётган ҳудуднинг этник таркиби, халқларнинг жойлашуви, уларнинг алоқалари, этник чегаралар, халқларнинг сони ва унинг динамикаси, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳоли миллий таркибига таъсири каби масалаларни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу вазифалар халқларнинг ҳудудий алоқаларини тарихий ва географик жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади. Аммо, аҳолининг этник таркибини аниқлашда лўлиларнинг ўзлигини англашдаги номутаносибликларга дуч келиш мумкин. Бу лўлилар ўзларини қайси миллатга мансуб деб билишларига боғлиқ. Баъзан лўлилар қайси этник гуруҳга мансубликлари ҳақидаги саволга

<sup>24</sup> Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. 301-бет.

“биз ўзбекмиз” ёки “биз тожикмиз” деган жавобни беришади. Демак, лўлиларнинг ўзлигини англаши ва этнопсихологиясидаги замонавий ўзгаришлар ҳам ўрганилиши керак бўлган муаммолардан биридир.

Лўлиларнинг оила-никоҳ муносабатлари, бола тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари, оилавий маросимлардаги анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар кам ўрганилган мавзулардандир. Кузатувлар жараёнида шу нарсага гувоҳ бўлиш мумкинки, лўли болалари ёшлигидан мустақил кун кечиришга ўргатилади. Ҳатто, тиланчиликнинг асосий иштирокчилари ҳам айнан улардир. Бу ҳолатнинг болалар психологиясига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Этнопсихологик тадқиқотлар нафақат ўзликни англашни ўрганишга, шунингдек, оила муносабатларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Бугунги кунда замонавий жамиятларда тиланчиликка чек қўйишга, инсонларни ижтимоий, иқтисодий қўллаб қувватлашга, аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда ва бу соҳада стратегик ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга оид қонун лойиҳалари амалга татбиқ этилмоқда. Ҳозирда лўлилар ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол кириб бормоқдалар. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ўз ўринларини топмоқдалар. Шундан келиб чиқиб, лўлиларнинг турмуш тарзидаги трансформацион жараёнларни ўрганиш ҳам долзарб саналади.

Хулоса қилиб айтганда, диаспоралар тарихи, анъаналари ва маданиятини ўрганиш баробарида маданиятлараро ҳамкорлик ва интеграциялашув жараёнлари, ҳолатлари, натижаларини тизимли равишда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги глобализация кучайиб бораётган даврда ҳар бир халқнинг маданий хусусиятларини ўрганиш ва уларни асл ҳолича сақлаб қолиш этнология фанида тадқиқотларнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.



### 3. КОРЁГДИЕВ

#### БУХОРО ВОҲАСИ ЛЎЛИЛАРИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мақолада Бухоро воҳаси лўлилари маданияти ва анъаналарининг тарихшунослиги тадқиқ қилинган. Муаллиф томонидан турли тарихий даврларда ушбу халқ этнографиясига бағишланган асарлар ва мақола-лар муаммовий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш бўйича замонавий ёндашувлар хусусида хулоса ва таклифлар берилган.

*Калит сўзлар:* диаспора, тарихшунослик, лўлилар, этноним, миграция, маданият, муғат, ўзликни англаш, замонавий турмуш тарзи, арго, лури, шайхмомади, жат, чистони, парья, соғурарош.

### 3. КОРЁГДИЕВ

#### НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ИСТОРИОГРАФИИ ЭТНОГРАФИИ ЦЫГАН БУХАРСКОГО ОАЗИСА

В данной статье рассматривается историография культуры и традиции цыган (люли) Бухарского оазиса. Автор проанализировал научные труды и публикации по этнографии данного народа в проблемно-тематическом контексте. Дается заключение и некоторые рекомендации связанные с современным изучением выбранной темы.

*Ключевые слова:* диаспора, историография, люли, этноним, миграция, культура, муғат, самосознания, современная жизнь, арго, лури, шайхмомади, джат, чистони, парья, согутарош.

Z. KORYOGDIEV

**SOME REFLECTIONS ABOUT THE HISTORIOGRAPHY  
OF ETHNOGRAPHY OF THE GIPSY BUKHARA OASIS**

This article discusses the historiography of the culture and traditions of the gypsies (lyuli) of the Bukhara oasis. Scientific papers and publications were analyzed in thematic context. The chronological frame of the article covers the period from the XIX century to the present day. Conclusions were drawn up, and some recommendations were made on the study of this topic in modern times.

*Key words:* diaspora, historiography, lyuli, ethnonym, migration, culture, mughat, self-awareness, modern life, argo, luri, shaykhmomadi, djat, chistoni, parya, sogutarosh.

*Таъзия***КОМИЛЖОН ОҚИЛОВ**

Таникли тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, тарих фанлари доктори, профессор Комилжон Оқилович Оқилов 93 ёшида 2020 йил 11 февраль куни Самарқанд шаҳрида вафот этди.

Комилжон Оқилов 1928 йил 5 февралда Самарқанд туманидаги Ўрташих кишлоғида деҳқон оиласида туғилган. К. Оқиловнинг болалик ва ўсмирлик йиллари мураккаб ва зиддиятли бир даврга тўғри келди. Иккинчи жаҳон уруши даврида 14–15 ёшларида ота-онасидан эрта ажралган Комилжон ҳаётнинг дастлабки машаққатли синовларига дош берди.

К. Оқилов 1944 йили Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университети Тарих факультетининг талабаси бўлди. У университетни 1949 йил тугатгач, Москвадаги СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти аспирантурасида 1949–1953 йилларда номзодлик диссертацияси устида ишлади. У бу даргоҳда катта олимларнинг тарбиясини олди ва рус тилини чуқур ўрганди.

К. Оқилов 1953–1957 йилларда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтида катта илмий ходим ва бўлим мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди. К. Оқилов 1957 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида ўз фаолиятини бошлади. Олим илмий фаолиятининг ярим асрдан ортиқ даври, яъни 54 йиллик тадқиқот ва изланишлар пайти айнан шу даргоҳда кечди. К. Оқилов Тарих институтида 1957–1964 йилларда катта илмий ходим, 1964–1996 йилларда бўлим мудири, 1996–1998 йилларда гуруҳ раҳбари, 1998–2000 йилларда етакчи илмий ходим, 1998–2010 йилларда катта илмий ходим, 2010–2011 йилларда “XX аср охири ва XXI аср бошларида Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар” грантида етакчи илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатди.

Комилжон Оқилов 1953 йилда номзодлик, 1986 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тарих фанлари доктори, профессор К. Оқиловнинг илмий фаолиятида Ўзбекистонда XX асрда юз берган маданий жараёнларни тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутди. У Ўзбекистон-

да малакали тарихчи кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Олим иштирокида тайёрланган “Ўзбекистон тарихи” дарсликлари республикамиз мактабларида ўн йиллар давомида ўқитиб келинган. Улар Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда катта хизмат қилди.

Таниқли тарихчи олим, меҳрибон дўст ва талабчан устоз Комилжон Окиловнинг порлоқ хотираси ҳамкасблари ва шогирдлари қалбларда мангу яшайди.

*“O‘zbekiston tarixi” журнали таҳририяти,  
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти жамоаси*



## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- У. Холмўминов** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- С. Юлдашев** Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси
- Ш. Маҳмудов** ЎзР ФА Тарих институти директори муовини, т.ф.н.
- Д. Алимова** ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудири, т.ф.д., профессор
- А. Джумашев** ЎзР ФА Қорақалпоқ бўлими, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- К. Турекеев** ЎзР ФА Қорақалпоқ бўлими, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти, таянч докторанти
- Г. Абдулхай** ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти
- А. Болтаев** Бухоро давлат университети ўқитувчиси
- И. Қорёғдиев** ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

*Муқовада:* Аёл тасвири туширилган тароқ. Эр ав. I аср – эр. I асри.  
Далварзинтепа.

*На обложке:* Гребень с изображением женщины. I в. до н.э. – I в. н.э.  
Далварзинтепе.

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2020. № 1

Индекс 1027